

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қодирова Сурайё Адилевна

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**ЗАМОНАВИЙ
АРХИТЕКТУРАВИЙ
КОМПОЗИЦИЯ**

ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

I қисм

Тошкент 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ**

Қодирова Сурайё Адилевна

**ЗАМОНАВИЙ
АРХИТЕКТУРАВИЙ
КОМПОЗИЦИЯ**

ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

I қисм

Тошкент – 2011

«Замонавий архитектуравий композиция» фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2011. – 1-кисм – 160 бет; 2-кисм -33 бет.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа “Замонавий архитектуравий композиция” фани асосида яратилган бўлиб, унда архитектура йўналиши бўйича таълим олаётган магистрлар учун мўлжалланган, ҳамда бино ва иншоотларнинг архитектуравий композициясини лойиҳалаш ва ташкил этишнинг назарий жихатдан шакллантиришга қаратилган.

Ўқув-услубий мажмуа ўқув дастури, таълим технологиялари, кўргазмали слайдлар, савол – жавоблар, тест саволлари, жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа архитектура таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, ўз малакаларини ошираётган профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳасига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти
Қодирова Сурайё Адиловна

Такризчилар: педагогика фанлари номзоди, доцент Абдуллаева Ш.Ш.
Арх.номзоди, доц. Умаров А.А.

	МУНДАРИЖА		
	КИРИШ		5
1.	“Замонавий архитектуравий композиция” фанининг ўқув дастури		6
2.	“Замонавий архитектуравий композиция” фани бўйича ишчи ўқув дастур		15
3.	“Замонавий архитектуравий композиция” фани бўйича баҳолаш мезони		20
4.	Календар режа		24
5.	Маъруза ва амалий машғулотларнинг технологик модел ва хариталари		28
6.	1- маъруза	Архитектура асаришаклининг уйғун яхлитлиги	29
7.	2- маъруза	Биоларнинг архитектуравий композиция ечимлари усуллари	40
8.	3- маъруза	Архитектура композицияси воситалари	50
9.	4- маъруза	Архитектуранинг бадиий воситалари	59
10.	5- маъруза	Архитектурада тектоника тушунчаси	67
11.	6- маъруза	Архитектура шакллари ва конструкциялари ўртасидаги мутаносиблик	75
12.	7- маъруза	Квартираларнинг ҳажмий – фазовий ечими.	80
13.	8- маъруза	Ўрта қаватли турар жой уйлари хонадонларининг композицион ечими	88
14.	9- маъруза	Хонадонларнинг блок–секцияларининг архитектура– фазовий тузилиши	97
15.	10-маъруза	Хонадонларнинг ҳажмий – фазовий тузилмаси. Хона интерьерлари асоси.	107
16.	11-маъруза	Турар жой биолари композицион ечимига об – ҳаво шароитларинг таъсири. Хонадон ва об – ҳаво	115
17.	12-маъруза	Юқори қаватли тқрар жой биолари композициясида ўзига хос конструктив хусусиятларидан фойдаланиш	123
18.	13-маъруза	Юқори қаватли турар жой биоларининг композицион ечимлари	129
19.	14-маъруза	Мактабгача тарбия ва ўқув муассасаларининг композицион ечими	132
20.	15-маъруза	Болалар боғчалари ва яслиларнинг архитектура–композицион ечимлари	141
21.	16-маъруза	Умумий авқатланиш объектларининг композициал– архитектура ечими	148

КИРИШ

Ўзбекистондаги сиёсий ва маънавий ривожланиш, жамиятни демократлаштириш ислохотлари, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиёт мамлакатимиздаги архитектура соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини жадал ривожлантирди. Бу эса ўз касбига меҳр қўйган, чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган, касбий фаолиятини илмий асосда ривожлантира оладиган ва назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ эта оладиган ёш архитекторларни тайёрлашни талаб этади.

Талабаларни миллий меъморчиликнинг анъанавий усулларига ҳурмат руҳида тарбиялаш таълим соҳасининг ажралмас қисмидир. Асосий эътибор ижтимоий функцияси турлича бўлган хоналарни лойиҳалашга, турар жой ва жамоат биноларининг ички фазоларида ҳар томонлама қулайликни яратишга қаратилмоғи керак.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ МД – 5А580101 - 2.1.02
« 23 » август 2008 й.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2008 йил “ 28 ”
август даги “ 263 ” - сонли буйруғи
билан тасдиқланган

ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАДА КОМПОЗИЦИЯ
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000 - Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш
тармоқлари

Таълим соҳаси: 580000 - Архитектура ва қурилиш

Мутахассислик: 5А 580101 - Бино ва иншоотлар архитектураси

Тошкент – 2008

Фанинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услугий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2008 йил «20» август даги «4» - сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент архитектура – қурилиш институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Убайдуллаев Ҳ.М. - “Архитектура ва шаҳарсозлик” кафедраси мудири, профессор, арх. ном.
Абдурахмонов Й. И. - “Архитектура ва шаҳарсозлик” кафедраси доценти

Такризчилар:

Мирходжиев А.А - “URBAN ARCHITEKTURA” фирма бош архитектори
Умаров А. - МЧЖ “Aziz Project” директори, арх. номзоди.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент архитектура-қурилиш институти Илмий-услугий кенгашида тавсия қилинган (2008 йил 24 июн даги «7» - сонли баённома).

Кириш

Ўзбекистондаги сиёсий ва маънавий ривожланиш, жамиятни демократлаштириш ислохотлари, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиёт мамлакатимиздаги архитектура соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини жадал ривожлантирди. Бу эса ўз касбига меҳр кўйган, чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган, касбий фаолиятини илмий асосда ривожлантира оладиган ва назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ эта оладиган ёш архитекторларни тайёрлашни талаб этади.

Талабаларни миллий меъморчиликнинг анъанавий усуллариغا ҳурмат руҳида тарбиялаш таълим соҳасининг ажралмас қисмидир. Асосий эътибор ижтимоий функцияси турлича бўлган хоналарни лойиҳалашга, турар жой ва жамоат биноларининг ички фазоларида ҳар томонлама қулайликни яратишга қаратилмоғи керак.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Архитектура композицияси кенг маънода – бу бионинг ҳамма элементларини ўзаро уйғун ҳолда боғланишидир ва ўз навбатида унинг функциясига, архитектуравий шакл-тамойилига мос келишидир.

Ҳозирги замон турар жой, жамоат биноларини архитектуравий композицияси намуналарини талабалар томонидан ўрганилиш, уларда композицион бадиий вазифаларни тўғри ҳал қилинишини таъминлайди.

Архитектуравий композиция махсус курсининг мақсади бино ва иншоотлар ихтисослиги йўналиши бўйича турар жой ва жамоат биноларини яратилишининг композицион принципларини ўрганиш, “Архитектуравий композиция асослари” фанидан олинган умумий билимларини ривожлантириш, композиция маҳоратини такомиллаштириш.

Ўқув курси икки қисмдан иборат: Биринчи – илмий-назарий қисмда санъатда композицион ечим, композиция категориялари, воситаларини кўриб чиқилади.

Иккинчи – биноларининг композицион ечими - асосий қисмида турар жой ва жамоат биноларининг архитектуравий композицияси типологик фактор сифатида кўрилади.

Фан бўйича магистрларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Магистр:

- яхлит, физик объект сифатида олам ва унинг эволюцияси;
- табиатдаги тартиб ва уйғунлик; уйғунликни яратиш қонун-қоидалари;
- мутаносиблик тамойиллари;

- биомухит ва унинг эволюцияси йўналиши;
- тирик тизимлар бир бутунлиги ва гомеостаз;
- организмлар ва муҳитларнинг ўзаро таъсири, организмлар уюшмаси, экосистемалар;
- биомухит ва инсон биосоциал табиати бирлиги нуқтаи-назаридан ўз касбий фаолиятининг оқибати;
- бино ва иншоотларнинг функционал, технологик ва типологик тузилиши;
- архитектуравий композиция;
- бино ва иншоотларда қўлланиладиган барча замонавий қурилиш материаллари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**;
- бино ва иншоотларнинг композицион ва фазовий бирлиги;
- бино ва иншоотлар учун ранг гаммасини танлаш;
- бино ва иншоотларни лойиҳалашнинг миллий ва хорижий тажрибалари;
- Ўзбекистон табиий-иқлим шароитлари, одатлари ва анъаналарининг турар жой ва жамоат биоларининг лойиҳаси ва қурилишида қўлланиши;
- турар жой ва жамоат биоларини лойиҳалаш жараёнида жамиятнинг ижтимоий хусусиятларини қўллаш;
- турар жой ва жамоат биоларининг режавий ечимларидаги технологик жараёнлар;
- турар жой ва жамоат биоларининг композицион ва конструктив (тектоник) ечимлари;
- инсонларнинг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бино ва иншоотлар архитектурасида ёруғлик ва рангларни қўллаш;
- бино ва иншоотларни лойиҳалашда қурилиш материалларини тўғри танлаш;
- лойиҳаланаётган ички фазони табиий ва сунъий ёритиш;
- меъёрий ҳужжатлар (ҚМК, ШНК) ни билиш ва улардан фойдалана олиш;
- компьютер графикасини қўллаш;
- техник чизмачилик, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси қонунларини, усул ва йўриқларини қўллаш;
- техник схемаларни, чизмаларни, эскизларни бажариш ва ўқиш;
- лойиҳалашда талаб ва таклифлар назариясидан фойдаланиш;
- адабиётлар, даврий журналлар ва Интернет сайтларидаги материаллар билан мустақил ишлаш амалий **малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Ушбу фан умумлаштирувчи-комплекс характерга эга бўлиб қўйидаги фанлар билан узвий боғланган:

- тарихий характердаги фанлар: санъат тарихи, архитектура тарихи;
- ижтимоий фанлар: фалсафа, психология, педагогика;
- илмий-математик фанлар: олий математика, қурилиш физикаси, архитектуравий физика, архитектуравий ашёшунослик;
- умумкасбий фанлар: чизма геометрия, архитектуравий графика, архитектуравий лойиҳалаш асослари, расм, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, макетлаш, архитектуравий композиция.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Архитектура соҳаси ўз моҳиятига кўра инсонларнинг яшаши ва меҳнат қилиши учун қўлай бўлган ички ва ташқи фазовий муҳитни яратишга хизмат қилади. Инсон қандай фаолият юритмасин, ана шу фаолият кечаётган фазонинг қулай бўлишини талаб этади. Бунинг учун лойиҳа қилинаётган бино ва иншоотларни уларнинг қандай фаолиятга хизмат қилиши, шу фаолиятни юритувчи инсонларнинг психофизиологик хусусиятлари, хоналарнинг ўзаро технологик боғлиқлиги ва шу каби параметрларини ҳисобга олиш ҳамда, энг муҳими, уларнинг барчасини ягона композициясига бирлаштира олиш керак бўлади. Бу вазифани архитектуравий композиция асосидагина амалга ошириш мумкин.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Замонавий архитектурада композиция” фани бўйича нашр этилган ўқув адабиётлардан ташқари зарур ахборотларни қидиришда Интернет тармоғидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Auto Cad, 3D MAX, Corel Draw, Fotoshop ва бошқа компьютер графикаси дастурларини қўллашга алоҳида эътибор берилади. Архитектура факультети таркибидаги маъруза аудиториялари ва фото, аудио, видео – лабораторияларини махсус техник воситалар билан жиҳозланган ҳолда рангли ва оқ-қора тасвирда слайдлар ва видеофильмлар кўрсатиш, шу билан бирга магистрларнинг мустақил шуғулланиши учун кафедрада маъруза матнларининг электрон вариантларини сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Ҳар қандай бинони лойиҳалашда ва қуришда, ҳоҳ у турар жой, ҳоҳ жамоат бинолари бўлсин, уларнинг асоси ҳар хил географик, геологик ва иқлим шароитларига эга бўлган ер усти муҳити бўлади. Жамиятнинг қайси даврида ва қайси ижтимоий тузумида яшашига қараб биноларнинг архитектуравий ечими ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Техниканинг ривожланиши, янги қурилиш материалларининг келиб чиқиши ҳам биоларнинг архитектуравий композицион ечимига катта таъсир кўрсатади. Аҳолининг урф-одатлари, иқлим шароитлари биоларнинг композицион ечимига таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. “Замонавий архитектура композиция” фани шу юқорида айтиб ўтилган омиллар таъсирида турар жой ва жамоат биоларининг композицион ечимини топишни ҳар томонлама ўрганиб чиқади.

1- Бўлим. Архитектуравий композициянинг илмий – назарий қисми

Меъморий композицион ечим ҳақида умумий тушунча. Композиция сўзининг умумий маъноси. Санъатда композицион ечимни турлари:

- а) тасвирий санъатдаги композицион ечим;
- б) мусиқа санъатидаги композицион ечим;
- в) меъморий лойихалашдаги композицион ечим.

Композициянинг умумий категориялари. Хажм – фазовий структура. Биоларнинг хажм фазовий ечимлари ҳақида тушунча. Бинонинг хажм – фазовий ечимига таъсир қилувчи сабаблар. (қурилаётган бино атрофидаги муҳит). Фронтал композиция. Хажмий композиция. Чуқурлик – фазовий композиция.

Меъморий тектоника. Тектоника сўзининг тушунчаси. Конструкциянинг меъморий композицияга таъсири ва композицион ечимдаги роли. Қурилиш материалларининг бионинг композицион ечимига таъсири. Биоларнинг композицион элементлари.

Биоларининг бадиий ечими. Симметрия ва ассимметрия. Архитектурада метр ўлчами ва ритм. Пропорция (бўлақлар). Модуль тизими. Меъморий нисбат тушунчаси. Бино бўлақчаларининг нисбатини бир – бирига мойиллигига ва уларнинг кўз орқали қабул қилишимизнинг таъсири. Контраст ва Нюанс – биоларни бадиий ечимидаги ишлатиладиган услублар.

2-Бўлим. Турар жой ва жамоат биоларининг архитектуравий композицияси

Турар жой ва жамоат биоларини композицион ечимига таъсир қилувчи асосий сабаблар.

Асосий факторлар:

Социал сабаблар ва уларнинг турлари. Ишлаб чиқариш муносабатлари асосий фактор сифатида функционал фактор. Жамият тизимининг таъсири. Табиий факторлар. Психологик факторлар.

Меъморий масалаларнинг ечиш услублари. Фазовий муҳитни ташкил қилишда жамиятнинг функционал талабларини таъсири. Фойда-мустаҳкамлик-ғўзаллик тушунчаларининг меъморчиликдаги ўрни. сунъий ва табиий муҳит ва уларнинг боғлиқлиги. Иқлимни бионинг ташқи

курилишига ва унинг ички ечимига таъсири. Меъморий шакл ва табиат орасидаги боғлиқлик.

Жамоат ва турар жой – жой биноларини композицион ечимидаги боғлиқлиги. Ёруғлик ва рангларни бинонинг композицион ечимидаги ўрни. рангларни бино хоналарининг функционал ўринларига қараб қўлланилиши. Сунъий ва табиий ёриткичлар ва уларнинг бинони композицион ечимидаги ўрни. Ускуналар, девор ва тусиқларнинг юзасини фактуралари ва уларнинг хоссалари. Кўкаламзорлаштириш.

Турар жой ҳақида умумий маълумот. Яшаш жойи лойиҳалаш манбаи сифатида. Турар жой муаммосини ечишда шаҳарсозликни урни. Яшаш майдонларини функцияларига қараб тақсимлаш. Турар жой биноларини лойиҳалашда экологик масалаларини ечиш.

Турар жой қурилиши турлари. Периметрии бўйича қурилган турар жойлар. Кўп секцияли, коридорли, галереяли ва блоклардан ташкил топган турлари. “Сетка”, “гилам” туридаги қурилишлар.

Мазмун ва шакл. Архитектурада мазмун ва шаклни бир-бирига боғлиқлиги. Турар жой биноларини ички мазмунини унинг ташқи композицион ечимига таъсири.

Маҳаллий ҳалқларни урф-одатларини турар жой биноларининг композицион ечимига таъсири. Хоразм турар жой биноларининг ўзига хос томонлари. Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида қуриладиган турар жой биноларининг ўзига хос томонлари.

Паст қаватли турар жой биноларининг композицион ечими. Қишлоқ жойларида қуриладиган томорқа майдонига эга бўлган паст қаватли турар жой бинолари. Шаҳарларда қуриладиган томорқа майдонига эга бўлган паст қаватли тура ржой биноларининг ўзига хос томонлари.

Ўрта қаватли турар жой бинолари. Секцияли турар жой бинолари. Галерияли ва коридорли турар жой бинолари. Паст қавтли зич жойлашган турар жой биноларининг композицион ечимлари.

Хонадонларнинг фазовий – меъморий ечими. Хонадонлардаги хоналарнинг жойлашишига қараб уларнинг симметрик ёки ассиметрик ечимлари. Композицияларнинг асосий элементлари.

Хоналарнинг фазовий – меъморий ечими. Хоналарнинг функцияларига қараб, уларнинг композицион ечими. Хоналарнинг асосий ва ёрдамчи вазифалари. Ошхонанинг турлари. Яшаш ва хўжалик зоналари.

3. Бўлим. Иқлим ва табиий шароитнинг турар жой биноларининг композицион ечимига таъсири

Совуқ иқлимни жойларда турар жой биноларининг композицион ечими. Иссиқ иқлимли жойларда турар жой биноларининг композицион ечими. Тоғ ва тоғ олди районларида турар жой биноларининг композицион ечими.

Баланд қаватли турар жой биноларининг композицион ечими. Баланд қаватли турар жой биноларида конструктив элементларни композицион ечимига таъсири. Баланд қаватли уйларнинг турлари. Баланд қаватли турар жой биноларининг композицион ечилари.

Функционал маънодорлик – ҳаёт фаолиятига оид процесслар (предметларни) маълум мақсадда амалга ошириш усули. Структурали маънодорлик – бионинг умумий ҳажмий – фазовий тузилмаси. конструктив материаллик маънодорлик – структурани аниқ амалга ошириш усули, конструктив система. композицион ечим – типологик фактор.

Мактабгача ўқув муассасалари биноларининг композицион ечими.

Асосий фактор асосида гуруҳ хоналарининг бир – бирига боғланиш характери: марказий тип – ички боғланиш, блокли иситиладиган ўтиш жойлар билан боғланиш; галереяли тип – гуруҳ ячекаларини ойнали галерея ёки ойнасиз. Бу типларнинг иқлим шароитига боғлиқлиги.

Томоша биноларининг композицион ечими.

Фойе билан залнинг ўзаро боғлиқлиги. Горизонтал схема, вертикал схема “Ён” композиция, “Фронтал” композиция. Бир, икки залли кинотеатрлар ва уларнинг композицион ечилари.

Клублар. Уларнинг композицион ечимлари. Асосий принцип: томоша бўлими билан клуб бўлими ўзаро боғлиқлигини ташкил этиш, клубнинг типлари ва уни қанча кишига мўлжалланганлигига боғлиқлиги. Маданият уйи кўп блокли композиция. Томоша зали, фойе, вестибюль ва клуб хоналарининг ўзаро боғлиқлиги схемалари.

Жамоат овқатланиш биноларининг композицион ечими. Савдо ва савдога алоқаси бўлмаган хоналар ва уларнинг ўзаро боғланишлари, композицияни асосларини белгилаши. Марказий схема, фронтал схема, чуқур муҳитли схема кам ва кўп қаватлилиги.

Спорт иншоотларини композицион ечимлари. Симметрия, ассиметрик, аралаш ечимлар. Асосий спорт заллари билан хизмат кўрсатиш хоналари ўзаро боғланиш схемалари. Савдо марказлари биноларининг композицион ечимлари. Уч категорияли сотиб олувчилар: пиёда, транспорт пассажирлари, шахсий машина эгалари. Марказий тип, комбинатлаштирилган тип. Марказлар: узинасига, ихчамлашган, тенг тарқалган композицион схемалар. Бозорлар. Оролли схема, павильонли схема.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Дастур бўйича мустақил таълимга 20 соат ажратилган. Бу вақт ичида магистрант томонидан танланган мавзу бўйича реферат ёзилади, тегишли адабиётлар кутубхонадан ёки “Интернет- кафе” дан информация тўплашади. Қурилган ёки лойиха қилинаётган бино ва иншоотлар ўрганилади. Янги технологик жараёнларни кузатилади, назарий билимларни амалий ишлар

билан тўлдирилади. Бу ишларни магистрант ўз раҳбари билан консультация қилади.

Мустақил таълим қуйидаги амалларни ўз ичига олади:

- Мустақил машғулот учун намунавий-реферат мавзуси: мисол тариқасида - «Ўрта қаватли турар-жой биноларининг турлари ва композицион ечими»;
- Реферат мавзуси бўйича махсус адабиётларнинг мазмуни билан танишиб чиқиб, улардан керакли бўлган материаллар олинади;
- Конспектни ишчи матни ва рефератнинг макети тузилади;
- Рефератнинг матни ва макетини раҳбар тасдиқлайди;
- Рефератнинг матнини ва чизмаларини, титул varaқаси, мундарижа ва ишлатиладиган адабиётларнинг рўйхати билан оққа кўчириб ёзилади;
- Ўқиш процессини графиги асосида, маъруза тугашидан бир ҳафта олдин реферат тешириш учун раҳбарга топширилади.

Эслатма: Реферат мавзуси талабалар томонидан раҳбар билан келишилган ҳолда танланади.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Таълим бериш жараёнида маълумотларни идрок қилиш қулай бўлиш учун дидактик методлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг учун қуйидаги техник воситалардан фойдаланилади: диапроектор, графопроектор, компьютер ва ҳ.к.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений: Учеб. пособие - М. ; Архитектура – С, 2007г. – 280 с. ил.
2. КМК 2.08.01-94 «Турар жой бинолари».
3. П. Нойферт, Л. Нефф «Проектирование и строительство», Дом-квартира-сад, илл. Справочник, М., «Архитектура-С», 2005.
4. Змеул С.Г. «Типология зданий» Москва стройиздат 2005 г.

Қўшимча адабиётлар.

1. Мейтленд Б. Пешеходные торгово-общественные пространства. Пер. с англ., М., Стройиздат, 1990.
2. «Архитектура промышленных зданий и сооружений» Справоник пректирования М; Стройиздат, 1990
3. Асамов Р.Д., Инагамова М. «Турар-жой бинолари типологияси» ўқув қўлланма 2000 й.
4. Махмудов В.М. Инагамов Б.И. «Архитектуравий графика» ўқув қўлланма ТАҚИ 2007 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўқув ишлари бўйича проректор
_____ Қўчқоров Р.А.
«_____» _____ 2010 йил

“ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАДА КОМПОЗИЦИЯ ”
фани бўйича

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Мутахассислиги : - 5А 580101 “Бино ва иншоотлар архитектураси”

Умумий ўқув соат	-64
Шу жумладан:	
Маъруза :	-42
Амалий лаборатория ва семинар машғулотлар	-
Мустақил таълим соати	-22

Тошкент –2010

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент архитектура–қурилиш институти илмий услубий Кенгашининг 2010 йил «___»_____-сон мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режа асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Қодирова С.А.- «Архитектуравий лойиҳалаш» кафедраси доценти,

Фаннинг ишчи ўқув дастури ТАҚИ Архитектура факультети Илмий Кенгашининг 2010 й _____даги “_____-сонли қарори билан тасдиқланди.

Илмий Кенгаш раиси:

2010 й “____” _____ арх.н. Рейимбаев Ш.С.
(имзо) (Ф.И.О.)

Келишилди:

Кафедра мудири:

2010 й “____” _____ проф. Убайдуллаев Х.М.
(имзо) (Ф.И.О.)

1.Соатлар тақсимоти

№	Номи	Ўқув тури
		Кундузги
1	Ўқув тури	Кундузги
2	Ўқув курси	1
3	Ўқув семестри	1
4	Маъруза дарси	42 соат
5	Амалиёт дарси	-
6	Ўз устида ишлаш	22 соат
7	Назорат қилиш	Рейтинг, ёзма иш

2. Умумий ҳолат.

Илмий – техникавий инқилоб жамоатчилик ишлаб чиқаришни ҳар тамонлама интенсификацияси қилиш, асосийси эса қимматбаҳо бойликлар яратувчи инсонга нисбатан янгича муносабатда бўлиш, аҳоли турар – жой ва жамоат биноларини яхши ташкил қилиш, улар яшайдиган инсонларни талабларига ва дидларига мос келадиган бинолар яратишдек қийин вазифаларни кўяди.

Давлатнинг курки ҳисобланмиш қурилиш кўлами атроф – муҳитга ва табиий ресурсларга нисбатан фабул қилинаётган ечимларнинг иқтисодий жиҳатдан исботланган аниқлик билан ёндошиш ва буларга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қарашни талаб қилади. Архитектура орқали яратилаётган сунъий муҳитнинг ортиб боришидаги роли, бадиий ва мафкуравий вазифаларни борган сари қийинлаштириб, масъулиятни ошириб юбормоқда. Бадиий шаклларнинг ўзига хос хусусиятлари димий равишда ташкил қилинган ҳолатда қолавериши, Республика Архитектурасининг мавкуравий ва эстетик муаммоси бўлиб қолмоқда.

Махсус фанларнинг комплекси бўлажак архитекторларга юқорида қайд этилган вазифаларнинг маълум билимлар йиғиндисининг ечимини берибгина қолмай, ндаги ижтимоий тизимнинг аниқ бир вазифасини, техник ва бадиий муаммоларини кўра билиши керак, зеро буни ҳисобга олмасдан туриб архитекторларнинг ижоди ривожлана олмайди.

3. Фаннинг мақсади ва вазифалари.

Олий архитектура мактабида ўқитишнинг мақсади, жамиятимизнинг махсус иқтисодий ривожланиш жараёнида содир бўладиган, турли – туман вазифа ва масалаларни юқори даражадаги мутахассис сифатида ҳал қила оладиган кенг профилдаги архитекторлар тайёрлашдан иборат.

Бу фаннинг асосий мақсади жамиятнинг социал – ижтимоий ривожланиш жараёнини турар жой ва жамият биноларининг архитектураси уларнинг бадиий композицион ечимлари билан узвий бўғланишни кўрсатиб бериш. Турар жой ва жамоат биноларининг шаклланишига жамият тараққиёти, иқлим – шароити, демография ва аҳолининг урф одатлар турар жойларнинг функционал жойлашишини режалашни, ташқи композицион ечимга таъсирини ўргатади.

Мутахассисликка оид махсус фанлар мажмуасини ўзлаштиришдан мақсад, соҳа бўйича тайёрланаётган мутахассиснинг назарий жиҳатдан махсус билимга эга бўлиши, архитектуравий лойиҳалаш жараёнини услубий жиҳатларини эгаллашдан иборатдир.

4. Махсус курс мазмуни

Ўқув дарс режаси

№	Билмлар номи	Кундузги	
		Маъруза	Амалий машғулот
1. Турар жой биноалрини композицияси			
1	Меъморий композицион ечим ҳақида умумий тушунча	2	
2	Меъморчиликнинг бадиий воситалари	2	
3	Меъморчиликда тектоника тушунчаси	2	
4	Конструкция ва меъморчилик шакллар орасидаги муаносиблик	2	
5	Турар-жой ҳақида умумий тушунча	2	
6	Турар – жой қурилиш турлари	2	
7	Мазмун ва шакл	2	
8	Хонадонларнинг фазовий-меъморий ечими	2	
9	Хоналарнинг фазовий-меъморий ечими	2	
10	Паст ва ўрат қаватли турар – жой бинолари	2	
11	Турар жой биноларини композицион ечимига иқлим шароитини таъсири	2	
12	Баланда қаватли турар – жой бинолари ва уларнинг композицияларига конструктив ўзига хосликларнинг ишлатилиши.	2	
2. Жамаот биноларининг композицион ечими.			
13	Мактабгача ўқув муассасалари бинолари композицион ечимлари.	4	

14	Ўқув муассаса биоларининг композицион ечими	2	
15	Кинотеатр биоларининг композицион ечими	2	
16	Клуб биоларининг композицион ечими	2	
17	Умуий овқатланиш бгноларининг композицион ечимлари	2	
18	Аэровокзалларнинг архитектуравий композицион схемаси	2	
19	Савдо биоларининг композицион ечимлари	2	
	Жами	42	

5. Ўз устида ишлаш

Ўз устида ишлаш жараёнида қуйидаги мавзулар асосида реферат ёзилади:

Шакл ва маънодорликнинг фалсафий тушунчаси; Ҳамма бўлақлар ва воситаларнинг яхлитлиги қонунияти. Саводли (гумбазсимон, цилиндрлик биоларнинг тектоникаси). Каркасли система тўғрисида. Гармонизация воситалари. Биоларнинг функционал ва эстетик бирлиги. Биоларнинг функционал томони ва конструктив асослари яхлитлиги.

6. Информацион – услубий таъминотлар.

Таълим бериш жараёнида маълумотларни идрок қилиш қулай бўлиш учун дидактик методлардан фойдаланиш тавсия этилади

6.1 Асосий адабиётлар.

1. И.Е. Рожин., А.И. Урбах. Архитектурное проектирование общественных зданий М. 1985 г.
2. Архитектурная композиция. Сборник под редакцией Кирилловой Л.И. М. 1970 г. Стройиздат.
3. Основа архитектурной композиции и проектирования под общ. Ред. А.А. Тица . Киев, высшая школа 1976 г.

6.2 Қўшимча адабиётлар:

1. Иконников А.В функция, форма, образ в архитектуре М. 1986 г.
2. Кириллова Л.И.,Иванова И.В. мастерство композиции : пространство, пластика, ансамбль М. 1983 г. Стройиздат
3. Кринский В.Ф. Элементы архитектурно пространственной композиции К. 1986 г.
4. Каилун А.И. Стиль и архитектура М 1985 г.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ўқув ишлари бўйича
проректор Тўлаганов А.А.**

23 июнь 2011 й.

ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАВИЙ КОМПОЗИЦИЯ

фани бўйича

5580100 – Архитектура, 5580200 – Бино ва иншоотлар қурилиши, 5580500 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши, 5580500 – Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш технологияси, 5340200 – Менежмент, 5210900 – Дизайн, 5540100 – Геодезия, картография ва кадастр, 5580900 – Ландшафтлар архитектураси йўналишлари учун

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Тошкент–2011

Фан бўйича баҳолаш мезони намунавий ва ишчи ўқув дастурлари ҳамда ишчи ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Қодирова С.А. ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси проф.

_____ (имзо)

Такризчилар:

Абдуллаева Ш.Ш. ТАҚИ “Касбий педагогика” кафедраси мудири,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Мансуров Я.М. ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудири,
арх.номзоди, доцент.

Фаннинг баҳолаш мезони “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мажлисининг 2011 йил 20 сентябрдаги 25-сонли мажлисида кўриб чиқилган.

“Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудири

доц. Я. Мансуров

Фаннинг баҳолаш мезони Бино ва иншоотлар факультети кенгашида 2011 йил _____ - сонли мажлисида тасдиқланди.

Архитектура факультети декани

доц. Ш. Рейимбаев

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

“ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАДА КОМПОЗИЦИЯ”

фани бўйича

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

2010 йил 15 августдаги 333-сонли буйруғига асосан 100 баллик назорат турларига қуйидагича тасдиқланади:

Замонавий архитектурада композиция фан бўйича жорий назорат, суҳбат, мустақил вазифаси, ёзма мавзулардан билим, кўникма аниқланади.

Жорий назорат- 35 балл.

Оралик назорат – фанининг семестр давомида бир неча мавзуларни ўз ичига олган билим ва кўникма даражаси бўлиб, у ёзма, оғзаки белгиланади.

Оралик назорат -35 балл.

Якуний назорат - фанининг таянч тушунча, ибораларига асосланган ёзма иш - реферат шаклида ўтказилади.

Якуний назорат – 30 балл.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидаги мезонлар асосида қабул қилинади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- билмаслик.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинг қуйидагича аниқланади:

$$R = \frac{V \cdot Q}{100}$$

Бу ерда:

V - семестрда фанга ажратилган соат;

Q – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Замонавий архитектурада композиция фани бўйича жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори баллни тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

Назоратларни турлари ва баҳолаш тартиблари.

“Замонавий архитектурада композиция” фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг назарий билмиларини ўзлаштиришини ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлганлигини аниқлаш учун қўлланилади ва умумий рейтинг баллининг 35% ини ташкил қилади.

Жорий назорат берилган мавзуни чуқур ёритиб, бино ва иншоотлар ички муҳити, яъни интерьерини ҳосил қилишини илмий амалий исбот қилинган рефератлар ёзилиши билан баҳоланади. Реферат мавзу бўйича камида 4 вароқ машинали ёзув ва қолган мавзу бўйича иллюстрациялар кўринишида бўлади.

Оралиқ назоратларни баҳолаш мезонлари

Оралиқ баҳолаш “Замонавий архитектурада композиция” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлинганидан сўнг амалга оширилади.

Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларини билиши ёки муаммоларни ечиш ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади 2 та оралиқ баҳолаш ўтказилади:

- 1- Биринчи оралиқ баҳолаш реферат ҳимоясма шаклида ўтказилади, ва максимал 20 балл билан баҳоланади.
- 2- Иккинчи оралиқ баҳолаш 3 та саволга жавоб бериши билан баҳоланади. Ҳар бир жавоб учун максимал 5 балл қўйилади.

Якуний назоратни баҳолаш мезонлари.

“Замонавий архитектурада композиция” фанидан якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилади. Якуний назоратга 30 балл ажратилади. Ҳар бир талаба учун 3та саволдан иборат бўлган алоҳида вариантлар тайёрланади. Ҳар бир саволга берилган жавоб алоҳида максимал 10 балл билан баҳоланади.

**«ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАВИЙ КОМПОЗИЦИЯ» ФАНИДАН ИШЧИ ДАСТУР БАЖАРИЛИШИНИНГ
КАЛЕНДАР РЕЖАСИ**

№	Модул ва мавзу номлари	Машғулот тури	Ажрат ил- ган вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмун	Хисобот шакли	Бажарилиши хақида маълумот		Ўқитув чи имзоси
						Со ат	Ой ва кун	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Архитектура асаришаклининг уйғун яхлитлиги	Маъруза	2	Архитектура асаришаклининг уйғун яхлитлиги, яъни композиция тушунчаси	Конспект	1		
2.	Биоларнинг архитектуравий композиция ечимлари усуллари	Маъруза	2	Биоларнинг архитектуравий композиция ечимлари усулларини билиб оладилар	Конспект савол - жавоб	1		
3.	Архитектура композицияси воситалари	Маъруза	2	Архитектура композицияси воситалари хусуситлари	Конспект ҳисобот	1		
4.	Архитектуранинг бадий воситалари	Маъруза	2	Архитектуранинг бадий воситалари тўғрисида билиб оладилар	Ҳисобот	1		

5.	Архитектурада тектоника тушунчаси	Маъруза	2	Архитектурада тектоника тушунчасини билиб оладилар	Конспект ҳисобот	1		
6.	Архитектура шакллари ва конструкциялари ўртасидаги мутаносиблик	Маъруза	2	Архитектура шакллари ва конструкциялари ўртасидаги мутаносиблигини тушуниб оладилар	Конспект ҳисобот	1		
7.	Квартираларнинг ҳажмий – фазовий ечими	Маъруза	2	Квартираларнинг ҳажмий – фазовий ечимини ўрганадилар	Жорий назорат реферат	2		
8.	Ўрта қаватли турар жой уйлари хонадонларининг композицион ечими	Маъруза	2	Ўрта қаватли турар жой уйлари хонадонларининг композицион ечимини ўрганадилар	Конспект	1		
9.	Хонадонларнинг блок– секцияларининг архитектура– фазовий тузилиши	Маъруза	2	Хонадонларнинг блок–секцияларининг архитектура– фазовий тузилиши	Савол - жавоб	1		
10.	Хонадонларнинг ҳажмий – фазовий тузилмаси. Хона интеръери асоси	Маъруза	2	Хонадонларнинг ҳажмий – фазовий тузилмаси. Хона интеръери асоси	Конспект ҳисобот	1		

11.	Турар жой бинолари композицион ечимига об –ҳаво шароитларинг таъсири. Хонадон ва об – ҳаво	Маъруза	2	Турар жой бинолари композицион ечимига об –ҳаво шароитларинг таъсири. Хонадон ва об – ҳаво	Конспект хисобот	1		
12.	Юқори қаватли тқрар жой бинолари композициясида ўзига хос конструктив хусусиятларидан фойдаланиш	Маъруза	2	Юқори қаватли тқрар жой бинолари композициясида ўзига хос конструктив хусусиятларидан фойдаланиш	Оралик назорат тест	2		
13.	Юқори қаватли турар жой биноларининг композицион ечимлари	Маъруза	2	Юқори қаватли турар жой биноларининг композицион ечимлари тўғрисида тушунча	Конспект	1		
14.	Мактабгача тарбия ва ўқув муассасаларининг композицион ечими	Маъруза	2	Мактабгача тарбия ва ўқув муассасаларининг композицион ечими	Савол - жавоб	1		
15	Болалар боғчалари ва яслиларнинг архитектура– композицион ечимлари	Маъруза	2	Болалар боғчалари ва яслиларнинг архитектура– композицион ечимлари тўғрисида	Конспект хисобот	1		

				тушунча				
16	Умумий авқатланиш объектларининг композициал– архитектура ечими	Маъруза	2	Умумий авқатланиш объектларининг композициал– архитектура ечими	Конспект хисобот	1		
17	Спорт иншоотлари ва усти берк спорт бассейнларининг композицион схемаси	Маъруза	2	Спорт иншоотлари ва усти берк спорт бассейнларининг композицион схемасини билиб олишади	Конспект, оғзаки	1		
18	Аэровокзалларнинг архитектура – композицион схемаси	Маъруза	2	Аэровокзалларнинг архитектура – композицион схемаси	Конспект хисобот	1		
19	Клубларнинг ҳажмий – композицион ечими	Маъруза	2	Клубларнинг ҳажмий – композицион ечимини ўрганишади	Савол- жавоб	1		
20	Савдо корхоналари композицион ечимлари	Маъруза	2	Савдо корхоналари композицион ечимларини ўрганадилар	Ёзма иш	2		
	Жами :		42			22		
	Жумладан: Маъруза машғулот Мустақил иш	- 64 - 42 - 22						

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ

ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАВИЙ КОМПОЗИЦИЯ

ФАНИДАН

**ЎҚУВ МАШҒУЛОТИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ ВА
ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ХАРИТАСИ**

Тузувчи: доц. Қодирова С.А.

Тошкент – 2011

1-МАВЗУ	Архитектура асари шаклининг уйғун яхлитлиги
----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Яхлитликка эришадиган воситалар 2. Шаҳар қурилишида ва архитектурада образлилик 3. Композиция элементларининг асосий турлари 4. Композициянинг модул тизимлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни архитектура асари шаклининг уйғун яхлитлиги билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Магистрантларни ўқув курсининг мазмун-моҳияти билан таништиради	Ўқув курсининг мазмун-моҳиятини, мақсади ва вазифаларини тушунади
Яхлитликка эришадиган воситаларни намоён этади	Яхлитликка эришадиган воситаларни билади
Шаҳар қурилишида ва архитектурада образлилик ҳақида тушунча ҳосил қилади	Шаҳар қурилишида ва архитектурада образлилик ҳақида тушунчага эга бўлади
Композиция элементларининг асосий турлари ҳақида гапириб беради	Композиция элементларининг асосий турлари ҳақида билади
Композициянинг модул тизимлари ҳақида тушунча беради	Композициянинг модул тизимлари ҳақида ўз фикрини баён этади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, синквейн</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>оғзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Архитектура асари шаклининг уйғун яхлитлиги” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Ўқув курси бўйича маълумот беради, ўқув курси структураси билан таништиради (1 – илова) 1.2.Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова)	Тинглайдилар Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (3 - илова). 2.2. Таянч иборалар билан таништиради (4 илова) 2.3. Яхлитликка эришадиган воситаларни намоён этади (5-илова). 2.4. Шаҳар қурилишида ва архитектурада образлилик ҳақида тушунча ҳосил қилади (6-илова). 2.5. Композиция элементларининг асосий турлари ҳақида гапириб беради (7-илова). 2.6. Композициянинг модул тизимлари ҳақида тушунча беради (8-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар Синквейн тузадилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўткази (9-илова). 3.2. Курс бўйича адабиётлар рўйхати билан таништиради (10 илова)	Саволларга жавоб берадилар

1 илова

Курс давомида ўтиладиган мавзулар (курс структураси)

1. Архитектура асари шаклининг уйғун яхлитлиги.
2. Биноларнинг архитектура – композицион ечимлари усуллари.
3. Архитектура композицияси воситалари.
4. Архитектуранинг бадиий воситалари.
5. Архитектурада тектоника тушунчаси.
6. Архитектура шакллари ва конструкциялар ўртасидаги муносиблик.
7. Квартираларнинг ҳажмий – фазовий ечими.
8. Квартираларнинг композицион ечими.

9. Уйларнинг турлари. Квартиралар блок – секцияларнинг архитектура – фазовий тузилмаси.
- 10.Квартираларнинг ҳажмий – фазовий тузилмаси. Хона интерьерлари асослари.
- 11.Об – ҳаво шароитларининг турар – жой биноларининг ечимига таъсири. Квартира ва об – ҳаво.
- 12.Баланд турар бинолари композициясида ўзига хос конструктив хусусиятлардан фойдаланиш.
- 13.Кўп қаватли турар жой бинолари қурилишининг асосий композицион ечимлари.
- 14.Мактабгача тарбия ва ўқув муассасаларининг композицион ечими.
- 15.Болалар боғчалари ва яслиларининг архитектура – композицион ечими.
- 16.Умумий овқатланиш объектларининг композицион – архитектура ечими.
- 17.Спорт иншоотлари ва ёпиқ спорт бассейнларининг композицион схемаси.
- 18.Аэровокзалларнинг архитектура – композицион схемаси.
- 19.Клубларнинг ҳажмий – композицион ечими.
- 20.Савдо объектларининг композицион ечими.

2 илова

Жорий назоратларни баҳолаш мезонлари

“Замонавий архитектура композицияси” фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг назарий билимларини ўзлаштиришини ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлганлигини аниқлаш учун қўлланилади ва умумий рейтинг баллининг 35% ни ташкил қилади.

Жорий назорат оғзаки савол-жавоб ва амалий топшириқларни бажариш, педагогик топшириқларни ечиш билан амалга оширилади. Ҳар бир амалий машғулотда талаба томонидан саволларга берган жавоблари, мустақил бажарган топшириқлари баҳоланиб борилади ва рейтинг жадвалида кўрсатилган ҳафталарга мос равишда ўқитувчининг журналида белгиланади.

Семестр давомида жами 7 та жорий назорат ўтказилади. Ҳар бир жорий назорат учун максимал 5 балл белгиланади.

Оралик назоратларни баҳолаш мезонлари

Оралик баҳолаш “Замонавий архитектура композицияси” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлинганидан сўнг амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларини билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади.

“Замонавий архитектура композицияси” фани бўйича 2 та оралик баҳолаш ўтказиш режалаштирилган.

Биринчи оралик баҳолаш реферат ҳимояси шаклида ўтказилади ва максимал 10 балл билан баҳоланади.

Иккинчи оралиқ баҳолаш тест назорати шаклида ўтказилади ва максимал 25 балл билан баҳоланади.

Тестни баҳолашда ҳар бир тўғри берилган жавоб ҳисобга олинади. Ҳар бир талабага алоҳида вариант тайёрланади ва 25 тадан иборат бўлган тест саволлари берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл қўйилади.

Якуний назоратни баҳолаш мезонлари

“Замонавий архитектура композицияси” фанидан якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилади. Якуний назоратга 30 балл ажратилади. Ҳар бир талаба учун 5 та саволдан иборат бўлган алоҳида вариантлар тайёрланади. Ҳар бир саволга берилган жавоб алоҳида максимал 6 балл билан баҳоланади.

3 илова

Режа

1. Яхлитликка эришадиган воситалар.
2. Шаҳар қурилишида ва архитектурада образлилик.
3. Композиция элементларининг асосий турлари.
4. Композициянинг модул тизимлари.

4 илова

Таянч иборалар

Яхлитлик, шаҳар қурилиши, архитектурада образлилик композиция элементлари, композициянинг модул тизимлари

5 илова

эришадиган воситалар

Инсон ва жамият қўяётган турли хил талабларни қаноатлантириш усуллари топиб, архитектура асари шаклининг уйғун яхлитликка келтириш меъмор олдида турадиган касб масаласида (вазифаси) асосидир. Яхлитликка эришиладиган воситалар тизими композиция дейилади. (лот. Composito – бирикиш, алоқа). Яхлитлик талаблари архитектура яратадиган тизимларнинг барча даражаларида юзага келади, у ишлаб чиқариш, турмуш, ижтимоий ҳаётнинг элементар жараёнлари учун хизмат қилувчи бирламчи – оддий ячейкалардан тортиб, то олийгача – архитектура ансамбллари гуруҳи ёки аҳоли турар жойи тузилмаси билан белгиланадиган олий ячейкаларгача.

Композиция – архитектура объекти шаклини яхлитликка келтириш – жараёнида мақсадга мувофиқ конструкция, амалий эҳтиёжни самарали қониқтириш, ижтимоий маданий мазмуни образли ифодалаш ва эстетик тартибга солинганлик. Ўзаро боғлиқ муаммоларининг бу тугуни (бўғини)нинг мураккаблиги шаклини уйғун яхлитга қўшилишига бевосита таъсир қилувчиларини ўзига хос композицион сифатида ажралишга мажбур қилади.

Конструкциянинг ва функциянинг махсус муаммолари архитектура композицияси муаммоси ва ёки матн остида иштирок этади. Уларнинг ечимини олдиндан тайёрлаган мақсадга мувофиқ усулларнинг блоклари

таъминлаб, уларни изланаётган яхлитликни ясада у ёки бу комбинацияларда фойдаланиш мумкин. Бундай муаммолар ижтимоий ва илмий – техник жараён янги имкониятларни очганда биринчи ўринга чиқади ва у билан бирга шакл ташкил қилувчи воситалар арсеналини ажратишга мажбур қилувчи янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Масалан, тош ёки ғишт конструкцияларни темирбетон ва металл конструкциялар сиқиб чиқарганда шундай бўлган эди. Бироқ вақт ўтиши билан уларнинг имкониятлари доираси аниқланди, уйғунликни излаш асосини ташкил этувчи стереотиплар янгидан вужудга келди. Биринчи ўринга яна интеграция (ривожланиш) муаммолари чиқди.

Инсоннинг эҳтиёжларига жавоб берувчи «иккинчи табиатни» яратиш учун табиий муҳитни ўзгартириб, алмаштириб, инсон унда мазкур маданиятга хос бўлган атроф нарсаларнинг идеал образини ифодалайди. Одамни ўз ичига олган ва ҳаётий жараёнларни ташкил этишга хизмат қилувчи фазо – архитектура асарининг асосий формал белгисидир. Фазони, уни тузилмалаштирилишни ташкил этиш муҳит тизимларининг истаган даражасида архитектуранинг дастлабки асосини белгилайди.

6 илова

Шаҳар қурилишида ва архитектурада образлилик

Бадий образ – бу архитектура билан ўзгартирилган фазода ифодаланган фикр уни бадий фазога айлантиради. Фазовий тузилма архитектура объектини уйғун яхлитликка келтиришнинг қолган барча воситаларидан ҳам фойдаланишнинг йўлини кўрсатади.

Архитектура фазоси – метофизик обстракция эмас; у шаклланади ва ўзига хос сифатни, ўзининг ташкил этилишини моддий элементлар воситасида эгаллайди. Мақсадга мувофиқ ифодаланган массаларнинг ва фазонинг нисбатлари архитектура асари шаклининг бирламчи тизимини ташкил этувчи хоссаларини ташкил этади ёки белгилайди. Бу нисбатларда доим очиқлик ва ораликнинг қарама – қарши асослари диалектикаси доим мавжуд бўлади. Бино ичига олинган фазо одамларнинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур табиий муҳитда йўқ шароитини таъминлаши керак; у ташқаридан бўладиган ҳар қандай ноҳуш таъсирлардан ҳимояланган бўлиши керак. Шу билан бирга у «иккинчи табиатнинг», одам ўзи учун яратадиган муҳитнинг қисми бўлиб қолади ва ўзи хизмат қиладиган жараёнлар каби очиқ, ташқи фазо билан узлуксиз боғланган, жамиятнинг ҳаёт фаолияти тизимига киради. Шакл ташкил этишдан мақсад – архитектура асари функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳитнинг алоҳида сифатларини яратиш ва шу билан бирга бу асарни янада юқори даражадаги тизимларга киритиш, шу билан бирга архитектура шаҳар қурилиши таркибига органик киритилади, унга хос фазовий тизимларнинг уларга хос даражаларини эгаллайди.

Шу асосда шаҳар қурилишида ва архитектурада образлилик – элемент образидан тизим образига қараб вужудга келади.

Бунда ички ва ташқининг муносабатлари шаклни идрок этишнинг умумий жўшқин фонини, ифодалаш воситаларининг асосий «моналлигини» аниқлайди. Бино одамга фақат жисмоний ҳимоя берибгина қолмай, балки ҳимояланганликнинг руҳий зарур ҳиссиётини ҳам тақдим этади. У ижтимоий асосланган хулқ шакллари мустаҳкамлашга ёрдам берувчи барқарор муҳитни таъминлайди. Бунда одамнинг ташқи муҳити билан фақат функционал жиҳатдан эмас, балки руҳан ҳам зарур бўлган алоқалари ташкил этиши керак. Сунъий муҳитнинг қулай шароитларида қолган одам очик ландшафтни, осмонни кўриш имкониятини сақлашга интилиб, табиатнинг ўзгарувчанлигини бевосита сезишга ҳаракат қилади. Моддий тузилмалар, шу тарзда, икки ёқлама вазифани бажаради – ички фазони тўсиб ва ҳимоя қилиб, улар ташқи фазо билан зарур алоқаларни ташкил этади. Замонавий техника ички ва ташқи мумкин бўлган муносабатларининг кенг диопазонини очади. Агар узоқ ўтмиш архитектурасида фазони чеклаш визуал чеклаш билан мос келса, у ҳамда замонавий техника интерьерининг визуал изоляциясини олиб ташлашга имкон бериб, унинг чегараларида барқарор микрогенлимни сақлайди. Узлуксиз шиша тўсиққа айлантирилган девор 1910 – йиллардаёқ амалга ошириладиган бўлган эди. Экспериментлар мақсадга мувофиқлик чегараларини чизиб бериш имконини беради. Шиша билан қоплашнинг ҳаддан ортиқ ката юзалари қурилмаларида ва фойдаланишда фақат қиммат бўлибгина қолмай, балки кўпчилик ҳолларда психологик жиҳатдан қўлланиб бўлмас ҳам экан. Равшан, ёруғлик сояга эҳтиёж уйғонмайди, максимал даражада табиий ёруғлик олувчи очик ва фазонинг ёруғ тушмайдиган қисмларининг алмашиб келиши табиатга хос бўлган турли – туманлик ва даврийлик эквивалентини яратади. Бир текис очилиш интерьерини фақат ҳимояланганликдан маҳрум қилиб қолмай, балки визуал ҳар хилликдан ҳам маҳрум этади. Очиклик ёпиқликка у билан контраст қарама – қарши кўйилганда қимматлидир. Очиклик ва ёпиқлик қарама – қаршиликлар бирлиги меъморчилик асари ва унинг атрофии ўртасидаги муносабатлар асосида ёпувчи боғлиқлик ва ажратилганлик бирлиги унинг ички тузилмасида, унинг қисмлари нисбатларида ривожланади. Бу ҳолат бинонинг моддий қобиғига беркитилган интерьерлар учун ҳам, шаҳар мажмуининг очик фазолари учун ҳам тенг даражада ҳаққонийдир. Меҳнат, турмуш, дам олиш, ижтимоий ҳаёт жараёнлари бир – бирига боғлиқ циклларни ташкил этиб, уларда ҳар бир бўғин маълум ўрин ва табиат шароитини талаб этадики, улар ҳар доим ҳам бошқа бўғинлар учун мақбул бўлганлар билан мос тушавермайди. Жараёнларнинг битта қозода тўқнашувчи ўзаро ҳалақитларни юзага келтириши мумкин, лекин уларнинг ҳар бирини алоҳида қилиб кутиш ҳам тизимнинг ишлашида ўзаро алоқаларни бузмаслиги керак.

Шаҳар миқёсида маълум ҳудудларда баъзан шаҳар ҳаётининг бошқа ташкил этувчиларидан аниқ ажратилишини талаб этувчи локаллаштирилади (маҳаллийлаштирилади) (атрофга фаол таъсир кўрсатувчи ишлаб қичариш каби, ёки аксинча ташқи таъсирларидан ажратишини талаб этувчи соғломлаштириш мажмуалари), баъзан эса маълум даражада қўшилиб бир –

бирининг ичига сингиб киришга йўл қўювчи вазифалар (турмуш ва ижтимоий вазифалар каби). Коммуникациялар тармоғи турли вазифали йўналишларни ягона тизимга боғлайди.

Қурилиш мажмуи даражасида алоқа ва ажратиш муаммоси функционал ва кўриб англанадиган алоқаларни аниқловчи бинолар ва очик фазолар орасидаги муносабатлар шаклида иштирок этади. Турли хил қурилишлар тузилмасида ўша принцип кузатилади. Масалан, кўп хонадонли турар жой уйининг тузилмасини турар жой бўғинларининг фазовий ажратиш усули ва коммуникацияларни ташқи муҳит ва ўзаро (секция бўйича, даҳлизлар бўйича, галереяли, тўсилган уйлар) боғлайдиган коммуникация қурилмалари усуллари белгилайди. Сўнг муаммо турар жой ячейкаси (бўғини) доирасида ҳал этилади. Уй ҳўжалиги умумий бўш вақт, якка тартибдаги машғулотлар, алоҳида тури шва дам олиш ҳаётнинг ягона йиклига киради, алоҳидаликни талаб этмайди. Шунга мувофиқ хонадоннинг юзи хоналарга ажратилади, уларни гуруҳлаш эса алоҳида жараёнлар ўртасидаги қулай алоқаларни таъминлаш керак. Худуддаги турар жойларни ажратиб бўлиш ҳам шу қоидага асосланган. (у айниқса бир неча сатҳли турар жойларни ташкил этишда аниқ кўринади, бунда биринчи сатҳ кундузги жараёнлар учун хизмат қилади, юқори сатҳларда эса ётоқхоналар ва улар билан боғлиқ хизмат хоналари жойлаштирилади).

Архитектура фазосини ажратиш жараёнларининг фазовий ташкил этилишигагина таъсир кўрсатмай, балки уларнинг вақт бўйича амалга оширилишига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Ички жиҳатдан боғланган жараёнларнинг алоҳидалиги бу ҳолни енгиш учун энергия ва вақтни сарфлашга мажбур этади: ўзини оқламайдиган қўшиш жанжаллар ва тартибсизликларни келтириб чиқаради. Бундан объект мўлжалланган ҳаётий жараёнларнинг ташкил этилишини моделлаштирқвчи маълум бир «сценарий»нинг зарурлиги, уларни фазода ва вақтда амалга ошириш (архитектура Билан қўшилган дизайн соҳасида шунга ўхшаш моделлаштириш воситаси сифатида «сценарийлаш» методи таклиф этилади). Архитектура асари фазолар тузилмасининг сценарийли модель билан нисбати ҳаётий жараёнларни ташкил этишга архитектура воситалари Билан самарали таъсир кўрсатишга имкон беради.

Бунга ўхшаш сценарийларни моддий ифодалашда зарур даражадаги мослашувчанлик асос қилиб олиниши керак. Функцияларни фазовий ёйилишини қайд этувчи функционал графиклар авваллари кўпгина иншоотнинг тузилмаси бўйсундирилган бирор объектив асос сифатида қабул қилинар эди. Бунда график билан қабул қилинган жараён қисмлари қатъий ажратилган организмни ташкил этиб, артикуллаштириларди. Унинг қурилиши ўйлаб қўйилган жараёнлар тизимининг ажратилиши ва кетма – кетлигига гўёки идеал равишда жавоб берар эди, бироқ ҳажмнинг артикулланганлиги бир марта қабул қилинган ташкил этиш схемасидан четга чиқишга йўл қўймас эди. Бу доимий тузатишларни талаб этувчи реал ҳаёт билан зиддиётлар келтириб чиқарар эди. Бундан – иншоотларнинг муқаррар

деградацияси вужудга келиб, уларнинг муаммолари фазовий тузилманинг ва функционал графикнинг бир қийматли мослиги ҳолатига таянганлар. Охирида ўзгарган эҳтиёжлар эскиришга улгурмаган биноларни қайта қуришга олиб келди. Бундай жараён совет конструктивизми билан яратилганларнинг катта қисмига тегишли бўлди. У камида Ғарбий Европа функционалистлари ва, хусусан, Ле Корбюзьега тегишли бўлди – унинг 20 – 30 йиллардаги деярли барча иншоотлари дастлабки шаклини йўқотди (фақат айримлари тубдан реставрация қилиниб қайтарилди). Америкалик танқидчи Блейк шу муносабат билан бундай таъкидлади, ўтган аср охиридаги Америка университетларининг етарлича оддий ички тузилмага эга ёлғон готик ва ёлғон – классик қурилишлари янги таъсирсиз вазифаларни қабул қилади. Қизиқ томони яна шундаки, улар шаклга интилиб яратилган биноларга қараганда ҳатто яхшироқ хизмат қилади. Бошқача айтганда, бинонинг фазовий тузилмаси унинг яшашини фақат бир моментини қайд этувчи функционал графикни эмас, балки конструкцияларнинг берилган катталиги (мустаҳкамлиги) даврида таъкид этиладиган ўзгаришларни ҳисобга олувчи ҳаётий жараёнларнинг сценарийсини ифодалаши керак. Акс ҳолда ўзгаришларни сиқиб қўймайдиган фазовий шаклнинг умумлаштирилиши зарур. У ўз тузилмаси билан унинг хусусиятларини мустаҳкамламай ва жараёнларнинг ўзига хос, ягона қўшилишидан кўра функционал вазифаси турига қараб мазкур аниқ масалани мақбул ечишга хизмат қилиши керак.

7 илова

Композиция элементларининг асосий турлари

Архитектура асарлари чексиз ҳилма – ҳилдир. Бироқ уларнинг фазовий тузилмаси, вгвр шаклнинг асосий топологик қонуниятлари эътиборга олинса, моддий элементлар турларининг унча кўп бўлмаган миқдори ва бир – бирига қўшилиш қоидаларининг чекланган тўплами билан белгиланади.

Композиция элементлари турлари айниқса мустаҳкамдир – девор, вертикал таянч, эшик, ойна, горизонтал устўпма, фазовий ёпма ва бошқ. Элементларнинг асосий шакл алмаштиришлари жуда кам ва архитектура мақсадларида ҳамда воситаларида ўзгаришларнинг мураккаб мажмуи билан боғлиқ. Жумладан дераза ўрнида асосан ягона дераза бўлган маълум тўсиққа ўтиш янги амалий эҳтиёжларнинг, дунёни янгича тушунишнинг, янги эстетик қарашмаларнинг ривожланишига янги материаллар ва конструкциялардан фойдаланишга асосланган эди. Бундай ўзгаришлар янги тизимлар, янги йўналишларнинг (Тошкент маркази, Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат қўмиталари бинолари) қарор топишида ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, бутун архитектура учун узоққа боровчи оқибатларга эга бўлади.

Фазовий тузилмага унинг бирламчи топологик сифатларини белгилаб берувчи моддий элементларни қўшиб киритиш қоидалари ҳам етарлича мустаҳкамдир. Шу билан бирга улар асосида ҳаётий вазифалар турларига

жавоб берувчи игшоотларнинг жуда кўп турлари ривожланмоқда. Бу турларни антик даврдан янги давргача табақаларга ажратиш аста – секин ва бир текис бўлган. Биноларнинг янги турлари тез – тез вужудга келавермаган, уларнинг кичик турларга ва кўринишларга ажралиши ҳам секин ривожланувчи жараён бўлган (бу ривожланишга муфассал тарихий тадқиқотлар, шу жумладан, Н. Гевзнернинг фундаментал асари «История типов зданий»). Функционал турлар сонининг кўчкисимон ортиб бориши XIX асрнинг иккинчи ярмида саноат революцияси оқибатида юзага келган урбанизация билан бирга бошланди; замонавий архитектура амалга ошираётган қурилишларнинг турлари ва кичик турларининг умумий ҳажми деярли илғаб бўлмайдиган, таснифлаш қийин бўладиган даражага етди. Бироқ улар асосида аввалгидек бирламчи элементлар турларининг ва улар бир – бирига қўшилишлари қоидаларининг чекланган миқдори ётади.

Уларни архитектура композициясининг нормал тили «луғати» ва «синтаксиси» маълум бир гумбазида ҳисоблаб чиқиш қанчалик қизиқарли бўлмасин нотўғри конфигурацияларнинг бир – бирига қўшилиши уларнинг тасвири амал қилиш соҳасига аниқ мос келишига зоришиш мумкин бўлган тежамкорликдан ошиб кетувчи фазо йўқотилишига олиб келди. Табиийки, шунинг учун фазони йўқотишлар билан боғлиқ бўлмаган қўшилишлари умумлашган чизгиларига вазифа бажарувчи (функционал) ҳудудларни киритиш табиийдир. Бунда якка тартибдаги нарсалар умумий билан алмаштирилади, бу эса тузилмадан фойдаланишнинг универсалликнинг маълум даражасини белгилайди.

Шу билан архитектура композициясининг реал «синтаксиси»нинг муҳим принципи – тизимни элементларни яхлит (бутун)нинг маълум бир конфигурациясига тежаб ва зич қилиб «жойлаш»ни таъминловчи геометрик яшаш қонунига бўйсундириш берилади.

Бу принцип модуль координациясини қабул қилишда энг оддий ва аниқ ифодасини топади. Иншоот тузилмаси дастлабки ўлчов – модулни такрорлаш билан ҳосил қилинган тўғри бурчакли фазовий панжарага киришиб кетади. Бунда ҳар қандай катталаиклар модульга қаррали қилиб – йирикларни кўпайтириш билан майдалари майдалаш билан қабул қилинади.

8 илова

Композициянинг модуль тизимлари

Модуль сифатида тузилмани шакллантиришда алоҳида роль ўйновчи моддий элементнинг катталалигини қабул қилиш мумкин. Бундай модуль фақат бита мазкур архитектура асарининг ичидаги ўлчовдошликнинг асоси (Рим антиклинининг ордер композицияларидаги каби, у ерда асосий ўлчамлар колоннанинг пастки диаметрига қаррали қилиб қабул қилинар эди) ёки архитектура объектлари тури учун универсал бўлиши мумкин. Рус халқ меъморчилигида бундай универсал модуль сифатида ғўла (хода)нинг ўртача

ўлчами хизмат қилган. Япон классик архитектурасида бионинг горизонтал ва вертикал бўйича истаган катталиги ҳисоблаб чиқариладиган модули сифатида «татоми» циновкаси (95x190см) хизмат қилар эди. Полнинг бутун майдонига ана шундай циновкалар тўшалар эди. Циновка фозонинг минимал бўлинмас бўғини катталигини ифодалар, циновкаларнинг бирикмаси эса режанинг асосини ифодалар эди. Вертикал бўйича ўлчамлар ҳам унга қаррали бўлар, устунлар ва тўсинларнинг кесимлари ҳам у билан мувофиқлаштирилар эди.

Ўлчамли модулар янада универсалдир, уларнинг катталиги аниқ моддий элементлардан обстракцияланган ўлчов бирликларида аниқланади. Бундай модулар қадимда архитектурада ҳам кўп фойдаланилган. Қадимги Русда, асос сифатида ўлчов ва қия сажень қабул қилинган эди. Замонавий қурилишда индустриал методларнинг қўлланилиши билан вужудга келган бир хиллаштириш масалаларининг хилма – хиллиги метрик системада ифодаланган модулнинг айнан ўлчамли шаклига мурожаат қилишга сабаб бўлди. Бизда модул системасининг асоси учун 10см қабул қилинган бўлиб, ундан йириклаштирилган модулларнинг ягона қатори келиб чиқади. Модулли ўлчамлар фазовий панжараларга жойлаштирилиб, уларга архитектура асарлари ва уларнинг элементлари чизилади.

Бу панжаралар тўғри тўртбурчакли. Тўғри тўртбурчакли параллелепипед - архитектура фазосининг энг кўп қўлланиладиган тасвирдир. Тўғри бурчакли элементлар ихчам гуруҳларга осон бириктирилади: улар энг кўп тарқалган мавжуд конструкциялар тизимларидан фойдаланишни осонлаштирилади. Шу билан улар асосланган горизонтал ва вертикал элементларнинг бирга қўшилиши гравитация мажбур этадиган фазодан фойдаланиш шартларга тўғри келади. Элементларни зич «жойлаштириш» учун яроқли бўлган учбурчаклар, ромблар, олтиёқлар, одатда фақат режа текислигини ташкил этишда фойдаланилади.

Учбурчакли модулга бўйсинган «учинчи ўлчов»ни ташкил этиш – сейсмик фаол ҳудудларда конструктив жиҳатдан фаол бўлган усул параллел вертикал текисликлар қаторини бўлақларга ажратиш сифатида фойдаланилади (яъни икки перпендикуляр кесимларда тўғри тўртбурчакни сақлашда), акс ҳолда фазодан фойдаланишда жиддий ноқулайликлар вужудга келар эди.

Цилиндр сингари геометрик жисмлар фазони йўқотмасдан кўп қарра такрорланувчи тарзида фойдалана олмайди; сферик кўринишга эга ҳажмларнинг қўшилиши янада кўпроқ қийинчилик туғдиради. Эгри чизиқли сиртлар билан чегараланган ҳажмлар ячейкаларни такрорлашга асосланган тузилмаларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Одатда, бундай шаклларнинг қўлланилиши, одатда, йирик, яхлит фазолар учунгина ёки эгри чизиқли шакллар бир – бирига яқинлашмайдиган жойларда самаралидир,

Элементар ячейкалар ҳеч қандай йўқотишларсиз «жойлаштириладиган» яхлит (бутун) муаммоси, элементар хужайралардан ташкил топган жонли организм ва архитектура объекти тузилмаси

ўртасидаги ўхшашликни ўз ичига олади. Шу муносабат билан архитектура композицияси учун муҳим бўлган яхлит (бутун) шаклининг тугалланганлиги тўғрисидаги масала вужудга келади.

Европа маданий анъаналарида тугалланганлик (яқунланганлик) мукамалликнинг қиммати билан айнанлаштирилар эди. Бу тасаввурнинг ифодаси саводли зарур композициянинг саводли белгиси бўлиб ҳисобланган камайтириш ҳам, қўиши ҳам керак эмас» формуласи бўлди. Бироқ бу мезон мутлақ эмас.

Қурилишлар композицияси ҳар бир мазкур ҳолда ташкил этилганлиги, қонуниятга бўйсунганлиги билан янги талабларга мувофиқ қўшимчалар киритиш, давом эттириш имкониятини назарда тутар эди. (Тошкент шаҳридаги аквапарк, Дедеман меҳмонхонаси ва бошқалар мисол бўлиши мумкин).

«Классик» Европа архитектурасига амалда маълум бўлмаган очик системалар шаҳар қурилишида умуман шаҳар тузилмаларини шакллантиришида ҳам, айрим ансамбллари шакллантиришда ҳам етарлича кенг тарқалди. Замонавий индустриал турар жой қурилишида уларни ўзлаштириш долзарб масала бўлиб қолди. Бу бир томондан, элементар «катакларни» қўшиб боришга асосланган системалар органик бўлган эркин уй қурилиши билан тайёрланган бўлса, иккинчи томондан, шаҳар организмнинг (микрорайон, турар жой райони) йирик тузилмовий бирликларини функционал ва конструктив яхлитликларига истиқболли айлантириш билан тайёрланган – бунда архитектура ва шаҳар қурилиши ўртасидаги чегара йўқолиб кетади. Бундай ўта иншоотларни бир вақтда амалга ошириш мумкин эмас – бошланғич ядрони аста – секин орттириб бориш усуллари топиш зарур бўлиб, бунда организм ривожланишининг барча босқичларида ташкилий яхлитлик билан берган бўлар эди.

«Очик шакллар»нинг хусусияти кенг ташкил этувчилар учун фақат ҳаракатда, бинонинг алмашинадиган нукталарининг навбатлашиб келишида идрок қилиниши мумкин.

9 илова

Блиц-сўров саволлари

1. Архитектура объектини яхлитликка келтиришда қандай муаммолар ҳал этилади?
2. Архитектура композициясида нотўғри конфигурацияларнинг кўшилиши қандай оқибатларга олиб келади?
3. Архитектура фазосининг элементларининг энг кўп қўлланиладиган шакллари қандай?

10 илова

Адабиётлар

1. «Функция, форма, образ в архитектуре». А.В. Иконников. Москва, Стройиздат, 1986г.

2. «Архитектурный орнамент Узбекистана». История развития и теория построения. Л.И. Релепель. Узбекистан бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент 1961й.

3. «Архитектура гражданских и промышленных зданий». Т.2. Основы проектирования. Москва, Стройиздат, 1976. В.М. Предтеченскийнинг умумий таҳририда.

2-МАВЗУ	Биноларнинг архитектура – композиция ечимлари усуллари
----------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Бинонинг ички фазоси композицияси. 2. Бинонинг ташқи ҳажмлари композицияси. 3. Ташқи ҳажмлар композицияларини кўриш усуллари
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни биноларнинг архитектура – композиция ечимлари усуллари билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Бинонинг ички фазоси композицияси билан таништиради	Бинонинг ички фазоси композицияси ҳақида билади
Бинонинг ташқи ҳажмлари композицияси ҳақида гапириб беради	Бинонинг ташқи ҳажмлари композицияси ҳақидаги саволларга жавоб беради
Ташқи ҳажмлар композицияларини кўриш усуллари намоён этади	Ташқи ҳажмлар композицияларини кўриш усуллари намоён этади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Биоларнинг архитектура – композиция ечимлари усуллари” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1. Янги мавзуга кириш учун эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова). 1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова). 2.3. Бинонинг ички фазоси композицияси билан таништиради (4-илова). 2.4. Бинонинг ташқи ҳажмлари композицияси ҳақида гапириб беради (5-илова). 2.5. Ташқи ҳажмлар композицияларини кўриш усуллари намоён этади (6-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўткази (7-илова).	Саволларга жавоб берадилар

1-илова

“Эркин ёзиш”

Ўқитувчи талабаларга беш минут вақт давомида “Композиция” ҳақида билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун қолган талаблар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

Маъруза режаси

1. Бинонинг ички фазоси композицияси.
2. Бинонинг ташқи ҳажмлари композицияси.
3. Бинолар қисмларининг бир – бирига бўйсунуш принципи.
4. Ташқи ҳажмлар композицияларини кўриш усуллари

Таянч иборалар

Ички фазо, ташқи ҳажм, бир-бирига бўйсунуш принципи, ташқи ҳажмлар композицияси, қуриш усуллари.

БИНОНИНГ ИЧКИ ФАЗОСИ КОМПОЗИЦИЯСИ

Биноларнинг бадий ифодали бўлшига архитектура композицияси ёрдамида, яъни функционал, канструктив тузилма ва эстетик сифатларнинг бирлигини ўрнатувчи қурилиш (бинони ёки иншоотни) ёрдамида эришилади.

Архитектура композициясини яратишнинг мураккаб жараёнига бинонинг ҳажмий – режалаштириш ечимини ва конструктив схемасини ишлаб чиқиш, унинг интерваллари ва ечимларини ишлаб чиқиш, ташқи қиёфа ва интерьерлар ўртасида, бинонинг ташқи қиёфаси ва атроф – муҳит билан ўзаро алоқасини ўрнатиш киради.

Шундай қилиб, умуман бинонинг композицияси ўз ичига унинг барча қўшилувчи элементларини: ташқи ҳажмлар ва ички фазолар, фасадлар ва интерьерлар бинонинг алоҳида қисмлари, деталлари ва ҳ.к.ларни олади.

Архитектура композицияси бинонинг кўринадиган қисмлари, унинг деталлари, айрим ҳажмлари уйғун равишда, яъни ўлчовдош ҳолда, келишиб бир – бири билан мос тушиб, бадий жиҳатдан узлуксиз яхлитликни ташкил этганда, у муваффақиятли яратилган ҳисобланади.

Архитектура композицияси фақат бадий қонуниятларгагина (симметрия ва асимметрия, ритм ва ҳ.к) асосланмай, балки функционал қонуниятларга ёки биноларда кечувчи технологик жараёнларга ва унинг конструктив ечими билан боғлиқ техник қонуниятларга асосланади. Ундан ташқари, архитектура композициясида маълум бир функционал ва техник сифатлар баъзан бадий қонуният ифодаси бўлиши мумкин. Масалан, қулай ёруғ хонага маълум бир эстетик сифатлар доим мос келади. Ёки танлаб олинган конструкция шакли композицияда фақат конструктив бўлиб қолмай балки асосий бадий элемент ҳам бўлиши мумкин. Бинонинг архитектура композициясининг асосий компонентлари унинг ички фазоси ва ташқи ҳажми ҳисобланади. Бу икки компонентнинг бирига қўшилиши бинонинг ҳажмий – фазовий тузилмасини ташкил этади.

Бинонинг ташқи томонидан кўринадиган ҳажми турли ҳил шаклда бўлиши мумкин ва ҳар бир мустақил ҳажмни ифодаловчи битта ёки бир неча қисмдан иборат бўлиши мумкин.

Бинонинг ички хоналари ва ташқи қиёфасининг архитектура композицияси доимо фазовийдир. Ички фазо ва ташқи ҳажм бмр – бири билан боғлиқ, чунки ташқи ҳажм ички фазонинг ўлчамларига ва шаклига боғлиқ. Ички фазо ва ташқи ўртасидаги ўзаро алоқалар жуда хилма – хилдир. Улар бинонинг функционал вазифаси мумкин бўладиган техник ечимлар ва бадий вазифалар мувофиқ лойиҳалашда ҳар бир аниқ ҳолат учун белгиланади.

Бунда бинонинг ички фазоси ва унинг ташқи ҳажми ўртасида композицион бирлик мажбурий шарт бўлиши керак. Одатда бирликка ташқи ҳажмнинг ўлчамлари ва шакли ички фазонинг ўлчамлари ва шаклига мос келмаганда, ёки аксинча, ички фазо ташқи қиёфасида тегишли композицион ифодани олмаганда эришиб бўлмайди.

Бундай бирликнинг бузилишига мисол қилиб, Москвадаги ГУМни келтириш мумкин. Унда савдо пассажирларининг улкан ички фазолари ташқи қиёфасида акс этади, майда деталларга кучли тарзда ажратилган ва майда деталлар билан тўлиб тошган фасадлар ўз композициясида бу йирик жамоат иншоотининг ички тузилмасини ифодалайди.

Ёки яна бир мисол, Тошкентдаги Олой бозори бош савдо павильонининг улкан ички фазосидаги майда савдо қаторлари майда деталлар билан тўлиб тошган. Тор, кўримсиз, қоронғу савдо дўконларига айланган, фасадлар ўз композициясида бу йирик жамоат иншоотининг ички тузилмасини ифодаламайди.

Шу билан бирга, шундай ҳоллар бўлиши мумкинки, ички фазо ташқи ҳажмга нисбатан жуда арзимас ўлчамларга эга бўлиши ёки бутунлай бўлмаслиги мумкин, шунингдек ички фазо кўринадиган ташқи ҳажмсиз мавжуд бўлиши мумкин.

Ички фазосиз иншоотларга меъмориал иншоотлар (хайкаллар) киради, унда композицияда етакчи ўринни голвий – бадий ифода эгаллайди.

Ташқи қиёфаси бўлмаган иншоотларга ер ости иншоотлари (метрополитен станциялари) киради.

Ички фазоси у мавжуд бўлса – да, лекин идрок қилиши учун имкони йўқ ёки имкони кам бўлган бино ва иншоотлар алоҳида гуруҳни ташкил этади (иссиқлик электр станциялари, қозонхоналари, уларнинг ички фазоси технологик қурилмалар билан банд, сочилувчи материаллар, суюқликлар омборлари ва ҳ.к.). аммо бу ҳолда ҳам ички фазо ва ташқи ҳажмли ўртасидаги композицион бирлик бутилмаслиги керак. Масалан, Тошкент ГРЭСи, янги Ангрен ГРЭСи, Сирдарё ГРЭС ива бошқалар.

Бинонинг ички фазолари композицияси ҳар бир хонанинг ва уларнинг бир – бири билан функционал алоқасининг, конструктив структура ва бадий ифодасининг функционал мақсадга мувофиқлиги бирлигига асосланган хоналарнинг тузилишидан иборат.

Ҳар бир ўлчамлари ва шаклига ва уларнинг ўзаро алоқасига асосланган асосий қонуният – функционал ёки технологик жараёндир. Унга мувофиқ режалаштиришнинг у ёки бу тизими (коридорли, анфилот ва бошқ) қабул

килинади. Режада энг кенг тарқалган хоналар шакли оддий геометрик фигуралардир (квадрат, тўғри тўртбурчак, доира бошқ.) Ички фазо шакли деворлар, устёпманинг қобул қилинган конструкцияга боғлиқ ва битта ёки иккита ҳажмдан иборат бўлиниши мумкин. Ички фазоларнинг композицияси функционал ва конструктив ечимларга боғлиқлиги мавжуд бўлгани учун ва унинг бинонинг ташқи қиёфаси билан бирлигини таъминлаш зарур бўлгани учун ички фазолар композициясини излаш бинонинг ташқи ҳажмлари композициясини излаш билан бир вақтда олиб борилади.

Бинонинг ҳажмий – фазовий тузилмаси ички фазонинг композициясини ҳам белгилайди. Агар хона ҳар томондан деворларнинг ясси ёки сферик шакллари ва горизонтал конструкциялар билан ўраб олинган бўлса, у ҳолда ички фазо композицияси берк бўлиб қолади. Деворлардаги бўшлиқларнинг орттирилиши ички фазоларнинг ўзаро алоқаларига имкон беради. Деворларни алоҳида турувчи таянчлар (устунлар) билан алмаштиришда фазолар бирлашади. Ички фазони кўринма кенгайтириш ҳам ташқи фазо билан бевосита алоқани таъминловчи дераза ўринлари сонини орттириш йўли билан ҳам яратилади.

Хоналар ўртасида деворлар кўринишидаги ва барқарор тўсиқлар кўринишидаги аниқ чегараларнинг бўлмаслиги сурилувчи, ўзгартирилувчи тўсиқлар, қурилган мебель ва ҳ.к. билан зарур бўлганда ажратилувчи ички фазоларнинг эркин композициясини ҳосил қилиш учун шароит яратилади.

Интерьерларнинг «фазовийлигини» аниқлашга хоналарни кўриб идрок қилишнинг асосий йўналишлари бўйича уларнинг чуқурлигини таъкидлаш билан ҳам эришилади.

Интерьерларнинг чуқурлиги, аввало, бинонинг тузилишига боғлиқ. Масалан, режалаштиришнинг анфимед системасида интерьернинг чуқурлиги эшик, дераза проёмларини бир ўқ бўйича жойлаштириб очиб берилади. Бунда бир қатор хоналар, перспектив қисқарувчи эшик ўринлари ва дераза кўриниб, дераза орқали нигоҳ бинодан ташқарига қаратилади. Иккинчи бир усул – фазони эркин очи шва уни масофани ва бинобарин чуқурликни таъкидловчи хонанинг бирор ўзига хос элементлари ёрдамида айрим участкаларга ажратиш йўли билан чуқурликни яратиш. Фазонинг чуқурлиги шунингдек, кузатувчи томондан кетиб борувчи текисликларнинг мавжудлиги билан ёки интерьерни кўриб идрок қилиш йўналиши бўйича иккинчи ўринда турган нарсанинг шакллари қисман тўсиб турувчи биринчи ўриндаги шаклларнинг мавжудлиги билан таъкидланади.

Архитектура тарихидан маълумки, қурилиш техникаси такомиллашиб борган сари биноларнинг конструкциялари узлуксиз енгиллаштирилиб борилди, ички фазолар эса кенгайтирилди. Қурилиш конструкцияларида металл ва темирбетоннинг қўлланилиши билан ҳамда каркасли тузилмаларнинг ривожланиши билан яхлит шишалаштиришдан фойдаланиб, ички фазонинг чуқурлигини чексиз ривожлантириш, гўёки уни ташқи фазо билан қўшиб юбориш имконияти пайдо бўлди. Замонавий фазовий

конструктив тизимлар фазовий чуқурлиги перспектив қисқартирилишлар ва ҳаво перспективаси ҳисобига қоплаш имкониятини беради.

Интерьерлар композицияси шунингдек, танланган конструкцияларнинг тури ва шаклига, хонани чегараловчи сиртларнинг рангига, қурилмаларга ва ҳ.к.ларга боғлиқ.

5 илова

БИНОНИНГ ТАШҚИ ҲАЖМЛАРИ КОМПОЗИЦИЯСИ

Бинонинг ташқи ҳажмлари композицияси функционал вазифа, конструктив ечим ва бадиий ифодалилиқнинг бирлигига асосланган ҳажмий қурилмадан иборат.

Айрим ташқи ҳажмлар шакли ички фазолар шакли каби хилма – хил бўлиши мумкин, аммо кўпинча оддий геометрик жисмлар (куб, параллелепипед, цилиндр, ярим цилиндр, яримсфера) кўринишида учрайди. Замонавий оммавий қурилишда стандарт, тайёрлашда топилишда ва монтаж қилишда қулай бўлган осон ташкил этилувчи тўғри бурчакли шакллар кенг тарқалган. Бироқ янги конструктив тизимларнинг оддийлари билан бирга қўлланилиши муносабати билан янада мураккаброқ ҳажмлар ҳам ривожланади.

Ташқи ҳажмий композициянинг ички фазолар композициясидан фарқ қилувчи хусусияти унинг одам томонидан идрок қилинишининг бошқа шароитлари ҳисобланади. Агар ички фазонинг композицияси айрим қисмлари билан идрок қилинса, у ҳолда ташқи ҳажмлар композицияси одам томонидан ташқаридан бутунча ва дарҳол идрок қилиниши мумкин.

Бошқа муҳим хусусият – ташқи ҳажмий композициянинг шаклланишига табиий ёки фазовий шароитларнинг таъсири.

Табиат ўраб олганда бино ҳажмлари эркин ҳолда композицияга архитектура ташкилий, бинога ёндошган очиқ фазо, кўк ўсимликлар, кичик тонлар ва ҳ.к.лар билан бирга жойлашиши мумкин.

Ўраб турган табиат билан ўзаро алоқада қурилган, эркин ташкил этилган композицияга мисол тариқасида «Истиклол» саройи биносини, Олий Мажлис биносини келтириш мумкин.

Шаҳар шароитида, айниқса бинолар қурилиш зич жойлашганда композицияни ихчам, ажратилган майдондан тежамкор равишда фойдаланиб, бу майдоннинг чегараларига бино режасини бўйсундириб қуришга тўғри келади.

Биноларнинг ташқи ҳажмлари композициясини учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин: оддий – битта ҳажмдан иборат; мураккаб – икки ва ундан ортиқ ҳар хил ҳажмлардан иборат, бир – бирига бевосита яқин ёки уланувчи элементлар билан боғланган; комплекс – ягона архитектура мажмуига боғланган бир неча алоҳида бинолардан иборат.

Оддий композиция бошқа тенг шароитларда одатда анча тежамлидир. Шунинг учун мураккаб бўлмаган функционал жараёнли бино кўпинча битта ҳажмдан иборат бўлади. Бу ҳолатни оммавий қурилишда ҳисобга олиш мумкин, бунда индустриаллик ва иқтисод ҳал қилувчи омиллардир. Шу

сабабга кўра масалан, кейинги йиллардаги уй – жой қурилишида Г ёки П ҳарфи кўринишидаги уйлар композициясидан тўлиқ воз кечилди, бундай кўринишдаги уйлар айрим ҳажмлар қўшиладиган жойларда нотиповий конструкцияларни талаб этар ва у сабабли режада оддий шаклда (тўғри тўртбурчак кўринишида) бўлган уйларга нисбатан камроқ тежамли бўлади.

Замонавий архитектурада, шунингдек ўлчамлари бўйича катта бинолар композицияси ҳам кенг тарқалди. Уларга асосан йирик заллари бўлган бинолар тегишли бўлиб, уларни шакли қопламанинг конетруктив шаклдан келиб чиқади (масалан: Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги Цирк биноси ва усти ёпиқ бозор).

Бино учун асосий функционал жараён битта ҳажмда бирлаштирилган хоналарда ташкил этилади; ёрдамчи функционал жараёнлар – асосийсига нисбатан бўйсинувчи аҳамиятга эга бошқа ҳажмларда. Бино қисмларининг бир – бирига бўйсиниши принципи ҳажмий композициянинг бирилигига эришишига имкон берувчи асосий омиллардан биридир. Бунга А. Навоий номидаги кино саройи (собик панарама кинотеатри), Киночилар уйи ва бошқалар, унда бош қункционал жараён (тамоша) тамоша залининг битта катта ҳажмида тўпланган, унга томошабилага хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўпчилиги ёрдамчи функционал жараёнлар ташкил этган хоналар ёндошган (фойе ва кулуарлар, буфетлар гуруҳи, ресторан, вестибюл, гардероб билан.)

Саҳналар гуруҳи композицияси ҳам шунга ўхшаш қурилади, бунда бош ҳажм атрофида (саҳна қутиси) артистлар, декорациялар хоналари ва ҳ.к. бўлган ёрдамчи ҳажмлар жойлашади. Масалан, «Туркистон», Ўзбек Миллий драма театри. Мураккаб архитектура композициялари мураккаб функционал жараёнли катта бинолар учун асосдир. Бу ҳолда архитектура иншоотини алоҳида ҳажмларга ажратиш функционал жараёнини тўғри ташкил этиш шартларига бўйсинади.

6 илова

Ташқи ҳажмлар композицияларини кўриш усуллари

Ташқи ҳажмлар композициясини қуришнинг турли хил усуллари мавжуд: центрик, фронтал ва чуқур. Центрик композиция марказий ҳажмининг пайдо бўлишини назарда тутиб, унинг ёнида ўлчамлари бўйича бир хил унга бўйсинувчи ҳажмлар гуруҳланади. Бўйсинувчи ҳажмлар, одатда, катта марказий хонага эга режалаштириш тизимига жавоб беради.

Центрик композиция асосан, бош фасади бўлмайдиган ва барча томондан идроқ қилиниши мумкин. Ҳозирги вақтда бундай композициялар асосан марказида катта хонаси бўлган биноларда қўлланилади (Цирк, усти берк бозор).

Фронтал композиция деб ҳажмлари бир йўналишда ривожланган имтиёзларга айтилади. Агар бош фасад бўрттирилган композицион ўққа эга бўлса, у ҳолда композиция фронтал – ўқли дейилади. Масалан Тошкент шаҳри Навоий кўчасидаги маданият вазирлиги ва давлат матбуот қўмитаси биноси.

Чуқур композиция бино фронтига перпендикуляр йўналишда ривожланган. Бундай композициялар ички фазолари бойлама ўқли ясалган бинолар учун хосдир. (масалан театрлар).

Бинолар асосий ўлчамларининг вертикал ёки горизонтал бўйича нисбати композициянинг баландликни ёки горизонтал – чўзилган характерини белгилайди.

Баландликли композициялар деб вертикал ўлчами горизонтал ўлчамидан катта бўлган композицияларга айтилади.

Архитектура амалиётида кўпинча турли хил композицион (баландликли центрик билан, чуқурликли фронтал билан ва х.к.).

Эркин композиция одатда жиддий геометрик қонуниятларга бўйсунмайди. Ўз ўлчамлари ва шакли бўйича ҳажмлар ҳоналар ўртасидаги энг қулай функционал алоқага амал қилиб, ўзаро қўшилади. Табиий омиллар, жумладан тоғли рельеф, кўл, дарё, яшил массивлар ва бошқ., мавжуд бўлганда эркин композициялар ўзининг қурилишида рельеф бўйича эркин жойлашиб, сув ҳавзаларнинг чегараларини такрорлаб кўпинча бу омилларга бўйсинади.

Мураккаб ҳажмли композицияларининг алоҳида турини компонентлар сифатида биноларнинг алоҳида қўшилувчи ҳажмлари эмас, балки биноларнинг ўзи иштирок этади. Унга катта бўлмаган алоҳида турувчи бинолар гуруҳи, квартал, микрорайон, кўча ёки кўча қисми, шаҳар майдони ва х.к., архитектура мажмуи бўлиши мумкин, улар ўзининг қурилишининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, уларни ўрганиш шаҳар қурилишининг бўлимларидан бирини – шаҳарларни куриш назарияси ва амалиёти ташкил этади.

Ҳажмий – фазовий композициясининг ифодаланганлигига бир қатор композицион воситалар – симметрия ва асимметрия, ритм, пропорция, масштаб, масштабlilik ва бошқ. ёрдамида эришилади.

Бир хил архитектура шакллари ва ҳажмларининг композиция марказидан ўтувчи ўқ ёки текисликка нисбатан қонуний жойлашиши симметрия дейилади. Симметрия умуман бино ҳажмига нисбатан (центрик симметрия) ёки фақат битта вертикал тексликка нисбатан бўлиши мумкин (фронтал симметрия). Масалан, асосий ҳонаси катта томоша залидан иборат кинотеатрлар бинолари бош фасадда аниқ ифодаланган ўқли фронтал симметрик композицияни ифодалайди.

Кўп ҳонадонли турар жой уйи уни алоҳида секцияларга бўлинишига мувофиқ ажратилган такрорланувчи элементли фасадга эга. Симметрия ўқи композицион жиҳатдан ифодаланмаган бўлса. Фасада юзаки равишда бўлса ҳам симметрия ўқи ўтказилса, аммо композицияда симметрияси таъкидланмаган.

Композицияда симметрия кўпинча конструктив ечим билан боғлиқ бўлади. Конструкциянинг шакллари уларнинг статистик иши шароитларига кўра маълум геометрик қонуниятларга, шу жумладан симметрияга бўйсинади.

Бозор биносининг центрик композициясида уни белгиловчи омил – гумбаз шаклидаги устёпма конструкцияси, геометрик сирт бўлиб, у центрик симметрияга бўйсунди. (Чорсу бозори).

Симметрик композициялар ансамбль қурилишида катта аҳамиятга эга. Масалан, агар бош бинони ажратиш ва унга атрофдаги фазони бўйсундириш керак бўлса, кўпинча симметрик композицияга мурожаат қилинади (Тошкентдаги А. Навоий номидаги опера ва балет театри ва ҳ.к.).

Симметрик композициялар қатори асимметрик композициялар ҳам қўлланилади (Тошкентдаги собиқ панорама кинотеатри ва бошқ.).

Архитектурада асимметрияни ихтиёрий, тасодифий композиция усули деб қарамаслик керак. асимметрик композицияда симметрик композициядаги каби архитектура шакллари уйғун ва қонуний қурилиши керак. Лекин симметрик композициядан фарқли равишда у геометрик тенглик қонунларига ва бино қисмларини унинг ўқиға нисбатан такрорлашга эмас, балки архитектура шакллари ва фазода ҳамда текисликда носимметрик жойлашган бўлақларнинг уйғун бадиий бирлиги принципига асосланади.

Кейинги вақтларда асимметрик композициялар нисбатан мураккаб функционал жараёнга эга биналарда айниқса кенг тарқалди. Бундай композициялар кўпчилик ҳолларда хоналарнинг функционал ўзаро алоқасини қулайроқ ташкил этишга, рельефнинг хусусиятларидан фойдаланишга, бинонинг атроф фазо билан боғлашга имкон беради.

Тошкент шаҳридаги юқорида эслатиб ўтилган собиқ Панорама кинотеатри биноти асимметрик композицияга мисол бўлиши мумкин, бунда бинони алоҳида ҳажмларга ажратилгани аниқ кўринади, лекин улар функционал ва эстетик талабларни яхши қаноатлантиради.

Архитектура композициясининг муҳим воситаси – ритмдан фойдаланишдир.

Ритм (грек сўзи бўлиб, бир текис такрорланишни англатади) архитектурада бир хил ва бир хил хусусиятли меъморий шаклларнинг ва бўлақларнинг ёки улар орасидаги оралиқларнинг қонуний навбатлашувидир. Ритмли қурилмалар горизонтал бўйича ва вертикал бўйича такрорланиши мумкин.

Ритмли қурилмаларнинг энг содда шакли бир хил шакллар ва бўлақларнинг аниқ такрорлашга асосланган метрик қурилиш хизмат қилиши мумкин, масалан, горизонтал ва вертикал бўйича бир хил такрорланувчи турар жой уйида деразалар ва деразалар орасидаги деворларни жойлаштириш.

Симметрик композицияда ритмли қурилиш унинг ўқини марказга қараб ортиб боровчи бўлақлар ритми билан уни бўрттириб кўрсатиши ёки аксинча, симметрия ўқини йўқотиши ҳам мумкин. Масалан, секцияли турар жойда фасада бўрттириб кўрсатилан киришлар ва зинапояларнинг метрик такрорланиши бутун фасаднинг симметрия ўқини тўла йўқотиб, композицияга кўп ўқли бўлақланишни киритади.

Архитектурада ритмли қонуниятлар композицияларнинг бадиий хилма – хиллигининг бой манбаи бўлиб хизмат қилади.

Архитектура композицияларини қуришда пропорциялар (нисбатлар) (лотинча сўз бўлиб, ўлчовдошлик, маълум ўзаро муносабат) катта аҳамиятга эга. Архитектурада пропорциялар деб элементлар геометрик ўлчамларининг (бўйи, эни, баландлиги) ва архитектура шакллариининг бир – бири ўртаси ва бутун билан бўлинишлари нисбатларига айтилади. Архитектура композициясининг бадиий ифодаланганлиги уларга боғлиқ. Хоналарнинг, дераза ва эшик ўринларининг ўлчамлари, бино ҳажмларининг шакли ва умумий габаритлари функционал талаблардан келиб чиқиб танланади, аммо уларнинг бадиий англаниши берилган талаблар чегарасида архитектура композициясининг шундай пропорционал нисбатларини, шундай уйғунлигини аниқлаш йўли билан юз берадики, бунда у бино тўғрисида барча жиҳатларда тугалланган яхлит архитектура асари деган тасаввурни яратсин.

Архитектурада пропорционал муносабатлар асосида математик қонуниятлар ётади. Бироқ улар пропорционал муносабатларни ўрнатишда касбий композицион тажрибага ва бадиий маҳоратга асосланган уйғунликни интуитив излаш билан доим қўшилиб кетади, чунки бирорта ҳам математик тизим аниқ композицион масаланинг кўп томонлилигини ҳисобга ола олмайди, лекин бундай ўлчовдошликларнинг ўрнатилиши учун восита бўлиб хизмат қилади.

7 илова

Саволлар

1. Бинонинг архитектура композициясининг асосий компонентлари нима?
2. Бинонинг ташқи ҳажмлари композицияси нимадан иборат?
3. Ташқи ҳажмлар композициясининг қуришининг қандай усуллари мавжуд?

3-МАВЗУ	Архитектура композицияси воситалари
----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Бинони композицион қуришда архитектура масштабнинг роли. 2. Архитектура композициясининг ўзига хос воситаси – пропорция. 3. Муносабатлар турларини сифатловчи айрим тушунчалар – айният, нюанс, контраст. 4. Ритм эстетик таъсир кўрсатишнинг, бадиий шаклни яратишнинг воситаларидан бири. 5. Симметрия – архитектурада ритмик асоснинг намоён бўлишининг кенг тарқалган шаклларида бири
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни архитектура композицияси воситалари билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Бинони композицион қуришда архитектура масштабнинг роли ҳақида гапириб беради	Бинони композицион қуришда архитектура масштабнинг роли ҳақида билади
Архитектура композициясининг ўзига хос воситаси – пропорция ҳақида тушунча беради	Архитектура композициясининг ўзига хос воситаси – пропорция ҳақида тушунчага эга бўлади
Муносабатлар турларини сифатловчи айрим тушунчалар – айният, нюанс, контрастларга изоҳ беради	Муносабатлар турларини сифатловчи айрим тушунчалар – айният, нюанс, контрастларга изоҳ беради, мисоллар келтира олади
Ритм эстетик таъсир кўрсатишнинг, бадиий шаклни яратишнинг воситаларидан бири эканлигини кўрсатади	Ритм эстетик таъсир кўрсатишнинг, бадиий шаклни яратишнинг воситаларидан бири эканлигини тушунади

Симметрия – архитектурада ритмик асоснинг намоён бўлишининг кенг тарқалган шаклларида бири эканлигини исботлайди	Симметрия – архитектурада ритмик асоснинг намоён бўлишининг кенг тарқалган шаклларида бири эканлигини ҳис қилади
<i>Ўқитиш воситалари</i>	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
<i>Ўқитиш шакллари</i>	<i>жамоада ишлаш</i>
<i>Ўқитиш шароити</i>	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>оғзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Архитектура композицияси воситалари” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1. Янги мавзуга кириш учун эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова). 1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова). 2.3. Бинони композицион қуришда архитектура масштабининг роли ҳақида гапириб беради (4-илова). 2.4. Архитектура композициясининг ўзига хос воситаси – пропорция ҳақида тушунча беради (5-илова). 2.5. Муносабатлар турларини сифатловчи айрим тушунчалар – айният, нюанс, контрастларга изох беради (6-илова). 2.6. Ритм эстетик таъсир кўрсатишнинг, бадий шаклни яратишнинг воситаларидан бири эканлигини кўрсатади (7 илова). 2.7. Симметрия – архитектурада ритмик асоснинг намоён бўлишининг кенг тарқалган шакллари билан бири эканлигини исботлайди (8-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (9-илова)	Саволларга жавоб берадилар

1-илова

“Эркин ёзиш”

Ўқитувчи талабаларни уч гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳ талабаларига беш минут вақт давомида “Эркин ёзиш” топшириғини беради. Биринчи гуруҳ талабаларига пропорция, иккинчи гуруҳ талабаларига – ритм, учинчи гуруҳ талабаларига эса симметрия сўзига оид билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун қолган талаблар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

2-илова

Маъруза режаси

1. Бинони композицион қуришда архитектура масштабнинг роли.
2. Архитектура композициясининг ўзига хос воситаси – пропорция.
3. Муносабатлар турларини сифатловчи айрим тушунчалар – айният, нюанс, контраст.
4. Ритм эстетик таъсир кўрсатишнинг, бадиий шаклни яратишнинг воситаларидан бири.
5. Симметрия – архитектурада ритмик асоснинг намоён бўлишининг кенг тарқалган шакллари билан

3-илова

Таянч иборалар

Архитектура масштаби, пропорция, айният, нюанс, контраст, бадиий шакл, ритм, ритмик асос, симметрия.

4 илова

Бинони композицион қуришда архитектура масштабнинг роли

Масштаб. Умумқабул қилинган аҳамиятда масштаб деганда объектни (бино, буюм, ер участкаси ёки ҳудудни) чизмада ёки картада тасвирлашда, макетда ёки моделда бажаришда унинг ўлчамларини камайтириш даражаси тушунилади. Бу маънода масштаб объектнинг хоссалари билан боғлиқ бўлмаган соф миқдорий тушунча ҳисобланади ва техник ролни ўйнайди. Архитектура композицияси соҳасида масштаб тушунчаси ёки баъзида гапирилганидек – архитектура масштаби иншоотнинг алоҳида қисмлари ўлчамлари, уларнинг бутунга нисбати билан боғлиқ композицион қуриш хусусиятларини, архитектура шаклини умумлаштириш ва бўлақларга ажратиш даражасини, унинг пластикаси ва деталларга ажратиш хусусиятини ифодалайди. Архитектура масштаби иншоотнинг атроф – муҳитга нисбати ва одамга ўлчовдошлиги билан белгиланади.

Кўрсатиб ўтилган омилларга боғлиқ ҳолда, ҳамда бошқа бир қатор иншоотнинг вазифаси, стилистик хусусиятлар, қурилиш материаллари ва

конструкциялари хусусияти каби ҳолатларга боғлиқ ҳолда иншоотнинг айрим хоссаларини акс эттирувчи масштабнинг хусусияти ёки масштаби тузилма шаклланади, у йирик масштаби ёки майда масштаби бўлиши мумкин.

Йирик масштаби иншоотлар анча умумлашган архитектура шакли билан ифодаланади. Бу умуман иншоотга нисбатан ҳам, инсонга нисбатан ҳам анча умумлашган ва йирик деталлари бўлган йирик бўлинишларга эга ёки бўлинишлари унча катта сонда бўлмаган бинолардир.

Майда масштаби бинолар айрим қисмлари ва ажратмаларининг анча бўлинувчан хусусиятига, анча майда деталларга эга. Бундай тушунчада масштаб иншоотнинг сифатига оид хусусиятларини акс эттирмайди. Йирик масштаби бинолар каби, майда масштаби бинолар ҳам тенг архитектура афзаллигига эга бўлиши мумкин. «Масштабни мумкин эмас» тушунчасини иншоотнинг табиий ўлчамлари тўғрисидаги тасаввурлар билан, «катта масштаби иншоот» дейилганда тушуниладиган унинг катталаги билан тенглаштириш (айнанлаштириш) керак эмас.

Йирик масштаби иншоотга мисол тариқасида Тошкент шаҳри Навоий кўчасидаги Давлат матбуот кўмитаси ва Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бинолари шунингдек, Рус ёш томошабинлар театри биносини келтириш мумкин. Табиийки, турли хил вазифани бажарувчи бинолар учун масштаб тузилиши ҳар хилдир: турар жой бинолари масштаби жамоат бинолари масштабидан бошқачадир. Одатда, турар жой бинолари йирик масштаби бинолар тоифасига кирмайди. Бу турар жой биносининг тузилмаси билан белгиланиб, у унинг ташқи қиёфасида акс этади – ички фазонинг унча баланд бўлмаган кўп миқдордаги майда хоналарнинг бўлакларга ажратилганлиги, кичик ўлчамдаги тез – тез жойлаштрилган деразаларнинг катта миқдори. Ички фазоларнинг катта ўлчамлари, ёруғлик тушадиган, катта ўлчамдаги эшик, дераза ўрнларининг анча эркин гуруҳланиши жамоат биноларининг анча йирик масштаби бўлишини тақозо этади. Бироқ бу умумий қоида зарур қоида ҳисобланмайди.

Масштаби тузилма бинонинг у ёки бу иншоотнинг турига мансублиги билангина белгиланмайди, балки асосан композицион қурилиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Йирик шаклларда ҳал қилинган турар жой биноси майда бўлакларга ажратилган ва деталлар билан майдалаштирилган жамоат биносига нисбатан анча йирик масштаби бўлиши мумкин.

Масштабни йириклаштириш ва майдалаштириш маълум чегараларга эга бўлиб, бу чегаралардан ташқарида масштаб тузилмасининг бузилиши ёки бошқа масштаб тоифасига ўтиш юз беради. Масалан, одатда майда масштаб тасаввурини яратадиган бинони бир хил элементлар билан ажратиб модулировка қилиш, бўлакларга ажратилган сиртларнинг ўлчамларини ва мос равишда элементлар миқдорини орттирганда сиртларнинг ўзига хос тўрсимон тузилмаси каби идрок қилина бошлайди. Айрим қисмлар мустақиллигини йўқотади ва у тузилманинг элементлари бўла бошлайди. Бино йирик масштаби бўлади. Бу қоидани замонавий кўп қаватли турар

жойлар ваш у турдаги бошқа бинолар мисолида осон тасвирлаш мумкин. Масштабни ҳаддан ортиқ майдалаштириш ёки йириклаштириш масштабли ўлчовдошликнинг, номасштаблиликнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Масштаблилик – архитектура иншоотининг сифатли хусусиятларидан бири ва архитектура композициясининг муҳим воситаси бўлиб, иншоотнинг қисмлари, бўлақларга ажратилиши ва деталлари ўлчамларининг шундай нисбатини белгилайдики, у уларнинг инсон ва атроф – муҳит ўлчамлари билан уйғун қўшади, шунингдек бинонинг ҳақиқий ўлчамлари тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Масштаблиликни бузишнинг ўзига хос ҳоллари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Катта бинога хос композицион усул кичик иншоотга нисбатан қўлланилган. Бундай ҳолда бино макет тасаввурини беради. У шакллар ва деталлар бўйича майдалашгандек кўринади, улар катта бино учун тўла ўринли бўлган бўлар эди.

2. Кичик иншоот учун хос усул катта ўлчамдаги иншоот композициясига нисбатан қўлланилганда. Бундай бинода композицион қурилиш унинг абсолют ўлчамлари билан зиддиятга киришади, у етарлича бўлақларга ажратилмаган, шакллари ва деталлари бўрттирилган бўлиб туюлади.

3. Айрим элементлар ёки деталларнинг иншоотнинг умумий масштабли тузилмасига мос келмаслиги.

4. Бино масштабининг атроф – муҳитга мос келмаслиги.

Масштаблилик тушунчаси фақат архитектура иншоотларига эмас, балки турли хил композицион қурилишларнинг кенг соҳасига ҳам – шаҳар қурилиши, боғ ва парклар қурилиши, монументал ҳайкалтарошлик ва рассомлик, бидий ишлаб чиқариш буюмлари ва мебель ҳам тааллуқлидир. Масштабли тузилмани шакллантиришда иншоотнинг атроф – муҳит билан ўзаро алоқаси, унинг қўшни бинолар, кўчалар, майдон, яшил экинлар билан масштабли алоқаси катта аҳамиятга эга.

Шаҳар қурилиши амалиётида ривожлантирилувчи элементларнинг – микрорайонлар, даҳалар, ўтиш йўллари, майдонларнинг масштаблилиги тушунчаси, шунингдек у ёки бу турдаги биноларни қуриш масштаблилиги тушунчаси мавжуд.

Масштаб тўғрисидаги тасаввурлар объект тушиб қолган вазиятга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Майдон учун мўлжалланган ҳайкал унча катта бўлмаган берк ҳовлида номасштабли кўринади, шаҳар майдонига қўшилган кичиккина боғ ҳайкали ўйинчоқдек бўлиб кўринади. Монументал сарой мебелли, кичик ўлчамли хона шароитида масштабсиз бўлиб кўринади, улкан тош тортерлар ва вазалар Эрмитаж залларида мутлақо масштабли бўлиб кўринади.

Одатда бинонинг ташқи архитектура масштаби интерьер масштабига караганда йирикроқ деб ҳисоблаш мумкин, чунки ички фазо нисбатан кўпроқ

чекланган ва бўлақларга ажратилгандир. Кўпчилик биноларда бундай нисбат ҳам мавжуддир. Бироқ истиснолар ҳам бўлади. Кўпчилик ўрта аср готика ибодатхоналарининг интерьерлари кўпинча бинонинг ташқи архитектурасига нисбатан анча йирик масштабга эга, чунки бу иншоотларнинг ички фазолари кучли модуллаштирилган ва бўлақларга ажратилган фасадларга нисбатан анча умумийроқ ҳал қилинган.

Био пластикаси – иншоотнинг масштаби қурилиши асоси бўлиб, унинг масштаби идрок қилинишининг шартидир. Бироқ, баъзида масштабнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўладиган иншоотнинг умумий ҳажмий – фазовий қурилиши ва асосий бўлақларга ажралишга амал қилиб, био масштабни ва унинг ўлчамларини инсонга нисбатан етарлича аниқликда аниқлаш қийин бўлади.

Маълум одатдаги ўлчамлар билан боғлиқ бўлган бинонинг қисмлари масштабилиликни баҳолашда катта аҳамиятга эга ва масштаб кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ўлчамлари амалий талаблар ёки умум қабул қилинган меъёрларга асосланган ва нисбатан тор чегараларда ўзгариши мумкин. Булар: замонавий турар жойлардаги зинапоялар, таянчиқлар, балконлар, қаватларнинг бардошлигидир. Аммо масштабилиликнинг асосий ўлчови бўлиб инсоннинг ўзи, унинг жисмоний ўлчамлари ва масштабни тасаввурлари билан хизмат қилади. Инсон гўёки масштабнинг бош кўрсаткичи ҳисобланади. Лойиҳалаш жараёнида иншоотнинг масштабилигини тушунтириш учун лойиҳа чизмасида (фасад ёки перспективада) чизма масштабида одам фигураси тасвирлаш усули кенг тарқалган, бу архитектура композициясининг масштабилиги тартибини дарҳол кўргазмали қилади. Масштабилиликни текширтиршнинг бошқа бир усули – лойиҳадаги шундай ўлчамдаги одам фигурасини чизиб бўлиб, бунда у чизмада тасвирланган био тасвири билан уйғунлашсин. Агар чизилган фигура мазкур чизма маштабида инсон ўлчамлари билан мос тушса, бу ҳол лойиҳада композицион ечимнинг масштабилиги тўғри топилганини аниқлатади.

Масштабилилик тушунчаси билан «модулли архитектурага» қарама – қарши қўйилаётган «масштабли архитектура» тўғрисидаги тасаввур боғланган. Биринчиси, иншоотнинг масштабилиги ўлчови бўлиб хизмат қилувчи инсон ўлчамлари билан таққосланиши мумкин бўлган композицияларнинг шундай тузилишида, ҳажмларнинг бўлинишига асосланади. Иккинчиси иншоотнинг ўлчамига боғлиқ бўлмаган ҳолда у ёки бу муносабатларнинг мустақамлиги ғоясига асосланади. Модулли архитектурада ўлчаш асоси модуль, яъни иншоотнинг организмига кириб боровчи ва унинг қисмини таққословчи катталиқ ҳисобланади.

Архитектурада масштабни принципга мисол тариқасида асосан услубнинг ривожланиши даврида Уйғониш даври архитектура иншоотлари, Европа ўрта аср архитектура асарлари, Ғарбий Европа ва рус классицизми бинолари хизмат қилиши мумкин. Модулли принципнинг устунлиги Греция ва Римнинг антик архитектураси иншоотлари учун хос бўлиб, унда

композиция модулли муносабатлар қонуни бўйича қурилади. Готика ибодатхона фасадининг композицион қурилиши бўрттирилган вертикал ажратмалари қатори аниқ горизонтал ажратмаларга ҳам эга: иншоотнинг ўлчамлари қанчалик катта бўлса, горизонтал ажратишларнинг сони шунча кўп бўлади, бунда алоҳида бўлақларнинг ўлчами одатда тахминан бир хил бўлиб қолади. Антик саройда композицион схема иншоотнинг ўлчамига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгармас бўлиб сақланиб қолади. Бу ҳолда фақат умумий композициягагина тегишли бўлмай, балки деталларга ҳам тегишлидир. Жумладан, барча готика ибодатхоналарда, улар ҳоҳ катта ёки ҳоҳ кичик бўлсин кириш эшикларининг ўлчови амалий жиҳатдан одамга ўлчовдош бўлиб, тахминан бир хил сақланади. Антик ибодатхонада порталнинг катталиги одамнинг ўлчамларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бионинг ўлчамларига ва нисбатлари иншоотнинг ўлчами бутунча ортганда ёки камайганда механик ўзгармайди. Гап умумий ўлчамлар ўзгарганда асосни сақлаб қолувчи композиция принципи тўғрисида боради.

Масштабилилик тўғрисида гапираётганда, шуни таъкидлаш керакки, «масштабли» ва «масштабсиз» тушунчаларига киритилаётган сифат тасаввурларидан ташқари архитектура амалиётида кўпинча у ёки бу архитектура сифатларини аниқлаш ёки таъкидлаш (бўрттириш) учун онгли равишда масштабилик бузилади. Бундай амалиёт алоҳида иншоотларга нисбатан ҳам, архитектуранинг ривожланиши тарихидаги бутун бир даврлар учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Жумладан, Римдаги Авлиё Пётр ибодатхонасида масштабиликнинг бузилиши, албатта, меъморларнинг хатоси ёки маҳоратининг етишмаслиги натижаси эмас, балки онгли равишда фойдаланилган усул ва ҳатто маълум бир архитектура тафаккурининг белгиси ҳисобланади. Бунга ўхшаш усул Римдаги Сан Жованни ин. Латерано базиликасида чегарадан ошириб юборилган, унда ҳақиқий ўлчамлар гўёки тўғри келади, лекин шу билан бирга архитектура образининг ортикча кучланганлиги, ошириб юборилган архитектура шакллари нафаси берилади. Архитектура шакли анча майдароқ бўлиб, бошқача самарага эришилади. Бионинг бўлақларга ажратилганлиги ўлчам тўғрисида тасаввур яшайди, шу туфайли готика ибодатхоналар аслидаги ҳолидан кўра ўлчамлари бўйича янада каттароқ биноларнинг тасаввурини беради. Архитектура масштаби тўғрисидаги тасаввурлар мутлақ ҳисобланмайди. Улар давр, усул, анъаналар ва эстетик қарашларга боғлиқ равишда ўзгаради. Хусусан, қадимги Миср архитектурасида масштабни хусусият ва монументаллик тўғрисидаги тасаввур ўрта аср архитектурасининг готика давридагига нисбатан – мутлақо бошқача эди; эҳромлар – улкан ўлчамларига қарамай, бўлинишлардан ҳоли бўлган ниҳоятда умумлаштирилган шакл. Готика ибодатхона майдалаштирилган шаклларнинг ягона бутунга бирлашишидир. Ҳатто бир даврда битта усул йўналиши чегараларида ҳам масштабнинг хусусияти иншоотнинг вазифасига, унинг жойига, ғоявий мазмунига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Масштабни тузилманинг шаклланишига ҳам композицион усул, ҳам

конструктив ечим ва қурилиш материалнинг хусусияти таъсир кўрсатади. «Ғиштли архитектура» биноти ўзининг масштаби ифодасига эга, тош териб чиқиш тошли иншоотларнинг масштабилиги тўғрисидаги машхур, одатдаги тасаввурлар билан боғлиқ. Қурилиш амалиётида йирик блокли ва йирик панели биноларнинг пайдо бўлиши уларнинг масштаби ифодасини топишда янги муаммоларни қўяди ва янги масштаби тасаввурларнинг шаклланишига имкон беради.

5 илова

Архитектура композициясининг ўзига хос воситаси – пропорция

6 илова

Муносабатлар турларини сифатловчи айрим тушунчалар – айният, нюанс, контраст

7 илова

Ритм эстетик таъсир кўрсатишнинг, бадиий шаклни яратишнинг воситаларидан бири

8 илова

Симметрия – архитектурада ритмик асоснинг намоён бўлишининг кенг тарқалган шаклларида бири

4-МАВЗУ	Архитектуранинг бадий воситалари
----------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Архитектура ансамблларнинг ғоявий бадий мазмунини очишда монументал рассомлик ва ҳайкалларнинг роли. 2. Архитектура асарларида композициянинг роли . 3. Фактура, ранг, ёруғлик ва соя
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни архитектуранинг бадий воситалари билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Архитектура ансамблларнинг ғоявий бадий мазмунини очишда монументал рассомлик ва ҳайкалларнинг роли ҳақида гапириб беради	Архитектура ансамблларнинг ғоявий бадий мазмунини очишда монументал рассомлик ва ҳайкалларнинг роли ҳақида билади
Архитектура асарларида композициянинг ролини кўрсатади	Архитектура асарларида композициянинг ролини очиб беради, мисоллар келтира олади
Фактура, ранг, ёруғлик ва соя ҳақида тушунча беради	Фактура, ранг, ёруғлик ва соя ҳақида тушунчага эга бўлади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Архитектуранинг бадиий воситалари” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш учун эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова). 1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова). 2.3. Архитектура ансамблларнинг ғоявий бадиий мазмунини очишда монументал рассомлик ва ҳайкалларнинг роли ҳақида гапириб беради (4-илова). 2.4. Архитектура асарларида композициянинг ролини кўрсатади (5-илова). 2.5. Фактура, ранг, ёруғлик ва соя ҳақида тушунча беради (6-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўткази (7-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (8-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

“Эркин ёзиш”

Ўқитувчи талабаларни уч гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳ талабаларига беш минут вақт давомида “Эркин ёзиш” топшириғини беради. Биринчи гуруҳ талабаларига ранг, иккинчи гуруҳ талабаларига – ёруғлик, учинчи гуруҳ талабаларига эса соя сўзига оид билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун қолган талаблар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

Маъруза режаси

1. Архитектура ансамблларнинг ғоявий бадиий мазмунини очишда монументал рассомлик ва ҳайкалларнинг роли.
2. Архитектура асарларида композициянинг роли .
3. Фактура, ранг, ёруғлик ва соя.

3-илова

Таянч сўзлар

Монументал рассомлик, ҳайкаллар, композиция, фактура, ранг, ёруғлик, соя.

4-илова

Архитектура ансамблларнинг ғоявий бадиий мазмунини очишда монументал рассомлик ва ҳайкалларнинг роли

Архитектура ва шаҳар қурилишига барча тасвирий санъатларнинг синтези керак. Архитектура усули халфчилик руҳи билан сингдирилган бўлиши керак. Ва даврнинг бу муқаррар талаблари халқ ижодиётининг мангу барҳаёт булоқларига яна ва яна бизни қайтаради.

Муҳаббатли рассомлик ва ҳайкалтарошлик архитектура ансамблининг ғоявий – бадиий мазмунини янада аниқ очиб бериш имкониятини беради. Баъзида архитектура билан синтезда маҳобатли ҳайкалтарошлик ансамбл композициясининг асоси бўлиб қолади. Масалан, Тошкентдаги Амир Темир ва А.С. Пушкин ҳайкаллари маҳобатли ҳайкалтарошлик бутун фазовий композициянинг ажралмас таркибий элементи бўлган яхлит архитектура асосининг яратилиши қийин ижодий масала ҳисобланади ва фақат архитектура ансамблини қўриш асосларини ҳисобга олиб ҳал қилиниши мумкин. Бу, маҳобатли ҳайкалтарошлик фазовий композициянинг ясалишига мувофиқ жойлаштирилиши, у бу фазога қв атрофдаги биноларга ўлчовдош бўлиши керак. Фақат шу шартлар бажарилгандагина ҳайкалтарошлик архитектура композициясига органик сингиши мумкин. Шаҳар қурилиши ниятининг ажралмас қисми бўлади. Архитектура ансамблининг фазосида маҳобатли ҳайкалтарошлик атрофий билан органик тарзда қўшилиб кетмаса, шаҳарнинг мазкур қисмининг архитектура қиёфаси ёмонлашуви юз беради. Архитектура ансамбларини ҳал этишнинг замонавий тажрибаси маҳобатли ҳайкалтарошлик, ҳуди қадимда бўлгани каби шаҳарнинг архитектура ансамблини бойитади, архитектура композициясининг ғоявий – бадиий мазмунини очиб беришга имкон беради.

Мозаика ёки йирик витраж кўринишида бажарилган маҳобатли рассомлик борган сари кўпроқ қўлланилмоқда. Истиклол саройи, Авиасозлар маданият ва ижод саройи, Туркистон саройи, метро станциялари ва бошқа интерьерлардаги маҳобатли панно шундай мисол бўлиши мумкин.

Ўзбекистон меъморчилигида бинолар декорида орнамент композициясига ижобий мисоллар кўп. Идрок қилишда орнаментациянинг роли жуда катта. Композицион жиҳатдан у бинони уни ташкил этувчи қисмларга ажратиши ва аксинча, унинг тузилмасини билинтирмай қўйиши мумкин. Архитектура асарларида композиция бадиий воситаларининг ўзаро алоқасини белгилайди.

Ўзбекистоннинг миллий маданиятининг ривожига кейинги йилларда Ўзбекистон архитектураси ва унинг билан боғлиқ монументал – декоратив санъат сезиларли ўрин эгаллади. Бу ерда ўзбек меъморларининг қуриш санъати муваффақиятлари тўғрисида гапиришнинг зарурияти йўқ. Архитектура иншоотлари қурилишининг улкан миқёслари, янги турдаги биноларнинг пайдо бўлиши, кўп миллатли Ўзбекистон архитектурасини шакллантириш учун муҳим бўлган бир қатор техник – иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилиниши, тарихий тажрибанинг янги техника талаблари билан бирлаштирилиши ва асосийси, республика аҳолисининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиниши – буларнинг барчаси ҳозирги кун архитектурасининг бадиий қиёфасида ўз аксини топмай қолмас эди.

Ўзбекистонда эски халқ усталари – ҳишт ва декоратив – безак ишлари мутахассислари инқилобнинг биринчи кунларидан бошлаб тарихий ёдгорликларни тиклашда фаол иштирок этишди. Улар Калон минорасида (XII аср) терракотдан қилинган столактит ва қопламаларни тиклаш бўйича жуда мураккаб ишлар амалга оширилди, Магоки Атори (XII аср) масжидида ғиштин мозаикани қайта қуриш ишлари, Шердор (XVII аср) мадрасасида улкан портал гумбазини қайта териб чиқиш, Абдулазизхон (XVII аср) мадрасасида ганчли порталида столактитларни тиклаш ва ҳ.к. ишлар амалга оширилди. Улар Бухоро шаҳридаги Сомонийлар (XI – X асрлар) мақбарасининг ғиштли безакли қопламаларини тиклашда катта санъат намуналарини намоён этишди ва ҳ.к. Халқ усталари Бутун иттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасидаги Ўзбекистон павильонини безатишда иштирок этишди, кейин эса Тошкент шаҳридаги Рус ёш томошабинлар театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театр ива А.Навоий номидаги Академик опера ва балет театри каби масъул иншоотларни қуришда декоратив – безаш ишлари билан машғул бўлишди.

Ўзбекистон халқ усталарига умуман архитектура декорини ишлаб чиқишда ва айлантира ёғоч, ганч, тош ўймакорликда масштаблилиқнинг кенг ривожланган ҳисси хосдир. Рельефнинг чуқурлиги, композицияни ташкил этган безакнинг безакнинг элементлари ўлчами уста томонидан бажарилаётган буюмнинг умумий масштабларига мувофиқ ва бу буюмнинг бино архитектурасида эгаллаган ўрни билан ёки ўймакорлик билан қопланадиган буюмнинг ўлчамлари ва шакли билан аниқланади.

Архитектура асарларида композициянинг роли

Архитектура асарларида композиция бадий воситаларнинг ўзаро алоқасини белгилайди.

Архитектура асарларида композиция бадий воситаларнинг ўзаро алоқасини белгилайди. Ўймакорлик учун ифодалашнинг ўзига хос, асосий ва бадий воситаси бу унинг шаклини – тиктоникани ташкил этишдир. Тектоника – материал ва конструкциянинг бадий ифодасидир. Бу фазодаги иккита ўзаро боғлиқ воситалар ва унинг архитектура асаридаги ташкил этувчи аҳамияти узилмасдир.

Ўймакорликда фазони ташкил этиш функционал – техник ва эстетик талабларга бўйсунди. Бу ерда одамнинг идеал – эстетик ифодасигина эмас, балки унинг психфизиологик ҳолати ҳам жавоб бўлиши мумкин. Бу архитектура ривожининг барча босқичларида шаклларнинг методларини, мазмунини аниқлаштириш демакдир.

Симметрия ва асимметрия, фарқ ва контраст, ритм қисм ва пропорция ҳамма нарса ичида бундай метод билан мослашиш ва тикланишнинг маълум усули бўлиши мумкин.

Масштаб архитектурада образли ифодалилиқка, яъни иншоотни одам билан таққослашга катта таъсир кўрсатади. Бу хусусият яна одамнинг психофизик механизмининг идрок қилинишига ҳам боғлиқ. Ўймакорликнинг бадий воситалари, яъни буюмнинг ташқи томонига ишлов бериш, унинг ранг фактурасини ҳам тўлдиради.

Архитектура шаклини идрок қилишда инсоннинг идрок қилиш қобилиятлари, яъни оптик иллюстрациянинг пайдо бўлиши ҳисобга олиниши керак. Оптик иллюстрация – катталиқни нотўғри баҳолаш ва шакл ҳамда масофани нотўғри идрок қилишдир. Оптик кўзнинг пайдо бўлиши ва рухий тизимнинг идрок қилини оғоҳлантириш тузатилиши ёки ақл билан фойдаланиши керак. Акс ҳолда ўйланган эстетик самара бузилиши мумкин.

Фазовий тизим ва тектониканинг қурилиши – бу архитектуранинг асосий композицион воситаси бўлиб, у функционал тузилмани ва унинг конструкция билан узлуксиз алоқасини белгилайди.

Симметрия ва асимметрия, фарқ ва контраст, ритм, мослик, қисмлар ва пропорциялар рангни, материални, фактурани ва фазовий шаклни топиш учун хизмат қилади. Улар ёрдамида қабул қилиш ўз таркибида эстетик хоссалар ва бадий фикрларни ташкил этиб, психофизик қонунчилиқка олиб келади.

Фазовий шаклни ташкил этиш воситалари, фақат архитектурагагина хос бўлиб қолмай, балки санъатнинг бошқа турларида ҳам фойдаланилади: фарқ, симметрия, ритм алоқанинг пропорционал тизимини аниқлаш, биз табиий шаклларда қонуний кузатишимиз мумкин.

Архитектурада ҳар бир бадиий восита алоҳида ҳолда аҳамиятга эга эмас ва алоҳида яшай олмайди, улар фақат композиция таркибидагина фойда келтиради.

6-илова

Фактура, ранг, ёруғлик ва соя

Архитектура композициясининг асосий воситалари – масштаблилик, пропорциялар, ритмлик қуриш қатори ҳар қандай архитектура шаклига хос бўлган табиий сифатлардан келиб чиқувчи қўшимча воситалар мавжуд. Бу воситалардан тегишлича фойдаланилганда улар архитектура образи шаклланишининг муҳим омили, архитектура композициясини уйғунлаштириш воситаси бўлиб қолади. Бу фактура, ранг, ёруғлик ва соядир.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай архитектура иншооти шу хоссаларга эга, чунки у бирор фактура билан ва у ёки бошқа ранг билан, шунингдек табиий ёруғлик билан ёритиладиган ёки сунъий ёруғлик билан ёритилиши моддий сиртлар билан ташкил этилади.

Фактура – буюм, предмет ёки иншоот сиртининг сифатли ҳолати фактуранинг қуйидаги турлари фарқ қилинади:

1. Сиртнинг ҳолати материалнинг маълум хоссаларига боғлиқ бўлмайди, балки кўпроқ кўриш ёки сезиш хислари билан боғлиқ – текис, ғадир – будур, донадор, силлиқланган, хира ва ҳ.к., бундай фактурани абстракт деб аташ мумкин. Турли хил материаллар ёки ишлов берилган сиртлар абстракт фактурага эга бўлиши мумкин.

Аниқ бир материал учун хос бўлган ва унинг сифатларига боғлиқ бўлган табиий фактурага шиша, шишасимонлар, пемза, туф (тишли) ва ҳ.к.лар киради.

Сиртнинг ҳолати унга ишлов бериш хусусиятига ҳам эга. Бундай ҳолда айнан битта материал турлича фактурага эга бўлиши мумкин, масалан, табиий, ишлов берилмаган, гранитнинг юза сирти «қоя» ёки «пўстин» деб аталувчи дағал, рассомлик фактурасига эга. Шунингдек, турли хил йирикликдаги чарх тош билан ишлов берилган гранит йирик донли ёки майда донли, ғадир – будур ёки эгатсимон фактурага эга бўлиши мумкин. У битта усул билан ишлов берилган оҳактошда, трювертин ёки гранитда ҳар хилдир.

4. Фактура сирт тузилишига ёки унинг пластик ечимига – рельефни ишлаб чиқиш, бўлаклар, майда бўлаклар, дераза – эшик ўринларини бўлишга боғлиқ бўлиши мумкин.

Табиий фактурага эга ёки турли хил усулларда ишлов берилган материалларни қўлланиб, уларни турли хилда жойлаштириб, архитектор фактурани иншоотнинг образли ифодасини кучайтирувчи воситалардан бири сифатида фойдаланиши мумкин.

Ранг. Ҳар қандай архитектура иншоотига у ёки бу ранг туси хосдир, чунки ҳар қандай материалга тўғри келади. Бироқ архитектурада ранг у ёки бу материалнинг пассив хоссаси ҳисобланмайди, у иншоотнинг бадиий

ифодалилигини кучайтиришга имкон берувчи фаол композицион восита сифатида фойдаланилиши мумкин. Шунинг учун лойиҳалаш жараёнида бўлажак иншоотни материалда, яъни унинг ранги ва фактурасини тасаввур қилиш зарур.

Архитектурада рангдан фойдаланишнинг қуйидаги асосий ҳолларини кўрсатиш мумкин:

1. Табиий (табиатдаги) рангдаги материалларнинг қўлланилиши, масалан, тош, бетон, ғишт, натурал ёғоч.

2. Бўёвчиларни қўшиш йўли билан хилма – хил тусга кирадиган ҳар хил рангдаги сунъий қопловчи материаллардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш, ингредиентларни танлаш йўли билан ва ҳ.к., масалан, рангли сувоқ, бетон ва керамик қоплама плиталар, фактураланган бетон панеллар, турли хил рангдаги қоплама ғишт.

3. Биоларни битта ёки иккита калера билан сувоқ, бетон, ғишт ёки ёғоч устидан бўяш.

4. Композицияга рассомлик панноси, мозаикалар, фрескалар, рангли керамика кўринишида рангли, декоратив ва рассомлик элементларини киритиш.

Архитектура иншоотида композициянинг ранг асосидаги ечими санаб ўтилган усулларнинг бири билан ёки уларнинг қўшилиши билан эришилади.

Замонавий қурилиш амалиёти ҳар хил рангдаги ва тусдаги терразит сувоқ ва қоплама фактураланган плиталарнинг, керамик ва шиша плиталардан панеллар, керамик қопламаларнинг қўлланилишига жуда кўп мисол беради. Ҳозирги вақтда биоларнинг ташқи сиртини «алюко бонд» ва бошқа турдаги алюминийли қоплама плиталар билан қоплаш бошланди. Ранг одамга жўшқин таъсир кўрсатади, бу унинг идроки психожисмоний хусусиятлари билан изоҳланади. Бу ҳолат интерьерларни бўяш учун, айниқса касалхона, санатория, дам олиш уйлари, аудиторияларни, шунингдек, саноат биолари интерьерларини бўяш калерни танлашда муҳим ҳисобланади. Бу ерда ранг интерьерда мос «рангли муҳитни» яратиб, муҳим функционал ролни ўйнайди.

Ранг архитекторга архитектура шаклини аниқлашга ва унинг ҳиссий таъсирини кучайтириш учун кенг имкониятлар беради. Ранг ёрдамида биони бўлақларга ажратиш, аксинча, бирлаштириш, умумлаштириш текисликларни бўрттириш ёки пластикани аниқлаш, алоҳида деталларни ва элементларни сўндириш ёки ажратиб (бўрттириб) кўрсатиш, нисбатларга кузатиш киритиш мумкин. Бу айниқса йирик масштабда масалалар ечишда, масалан, шаҳардаги йирик магистралларни бўяш лойиҳасини тузишда муҳимдир. Санкт – Петербургнинг Невский шоҳ кўчаси ва бошқа магистралларини бир вақтда ансамбль тарзида бўяш бўйича бир неча бор ўтказилган тажриба шуни кўрсатадики, кўча архитектурасини идрок этиш хусусиятини ранг гаммаси билан қанчалик даражада ўзгартириш мумкинлигини кўрсатади.

Ёруғлик – соя. Иншоотнинг пластик хусусиятларини аниқлашда (намоён этишда) ёруғлик катта аҳамиятга эга. Архитектура шакли, пластикасини кўриб идрок этиш унинг ёритилганлиги, ёритилган ва соя жойларининг зиддияти билан белгиланади. Ёруғлик – соя ёрдамида шаклни бўрттириш ва таъкидлаш, ҳажмни ёки бино сиртини умумлаштириш ёки ажратиб юбориш мумкин, чунки ёруғлик – соя иншоотни ҳажмий – фазовий ташкил этиш, унинг пластикаси билан бевосита боғлиқ.

7-илова

Саволлар

1. Ансамбль композициясининг асоси нима бўлиши мумкин?
2. Ўзбекистоннинг миллий маданиятида монументал – декоратив санъат қандай аҳамиятга эга?
3. Архитектура композициясининг қандай қўшимча воситалари мавдждуд?

8-илова

Адабиётлар

1. Архитектурный орнамент Узбекистана. История развития и теория построения. Л.И. Ремпель. Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент. 1961.
2. Функция, форма, образ в архитектуре. А.В. Иконников. Москва, Стройиздат, 1986.
3. Главный архитектор города. Н.Ф. Баранов. Стройиздат. 1973.

5-МАВЗУ	Архитектурада тектоника тушунчаси
----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Архитектурада тектоника тушунчаси. 2. Цех, маъмурий – маиший корпуслар, шунингдек ёрдамчи биноларнинг ҳажмий – режавий ечимлари чизиқли композицияси. 3. Ёрдамчи объектларнинг ихчам ва фазовий композицияси
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни архитектурада тектоника тушунчаси билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Архитектурада тектоника тушунчасининг маъносини очиб беради	Архитектурада тектоника тушунчасининг маъносини билади
Цех, маъмурий –маиший корпуслар, шунингдек ёрдамчи биноларнинг ҳажмий –режавий ечимлари чизиқли композицияси ҳақида гапириб беради	Цех, маъмурий –маиший корпуслар, шунингдек ёрдамчи биноларнинг ҳажмий – режавий ечимлари чизиқли композицияси ҳақидаги саволларга жавоб бера олади
Ёрдамчи объектларнинг ихчам ва фазовий композициясини тушунтиради	Ёрдамчи объектларнинг ихчам ва фазовий композициясини билади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Архитектурада тектоника тушунчаси” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1. Янги мавзуга кириш учун тектоника сўзига “Синквейн” тузиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг тузган “Синквейн”ларини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Архитектурада тектоника тушунчасининг маъносини очиқ беради (3-илова). 2.4. Цех, маъмурий –маиший корпуслар, шунингдек ёрдамчи биноларнинг ҳажмий –режавий ечимлари чизиқли композицияси ҳақида гапириб беради (4-илова). 2.5. Ёрдамчи объектларнинг ихчам ва фазовий композициясини тушунтиради (5-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (7 илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Архитектурада тектоника тушунчаси.
2. Цех, маъмурий –маиший корпуслар, шунингдек ёрдамчи биноларнинг ҳажмий –режавий ечимлари чизиқли композицияси.
3. Ёрдамчи объектларнинг ихчам ва фазовий композицияси.

Таянч сўзлар

Тектоника, цех, маъмурий –маиший корпуслар, ҳажмий –режавий ечим, чизиқли композиция, ихчам композиция, фазовий композиция

Архитектурада тектоника тушунчаси

Конструкция ва материалнинг бадий хусусиятлари тектоника дейилади. Архитектура ва қурилиш техникаси бир-биридан ажралмасдир.

Архитектуранинг бадий шакл, тузилмавий хусусиятлар, танланган материалнинг иш қобилияти (ишчанлиги) бир-бирига муаносиблигидан далолат беради. Бинонинг конструктив тизими бадий жиҳатдан уйғун бўлиши керак.

Қадимги архитекторлар мутаносибликка интилишган (қадимги Греция, Готика). Қадимги Нрецияда яратилган ордер тизими, барча бинолар ва унинг қисмлари бир –бирига яқинлашиб, ягона шаклга келтирилган. Агар ордер тизим яратилган вақтдан бери бутун бир аср ўтиб кетган бўлса, қурилиш методларини, тектоника конструкцияларини жоррий қилиш учун тахминан ўн йил сарфланади.

Фан ва техниканинг ривожланиши янги материаллар: пўлат, темирбетон, синтетик материаллар, алюминий, самарали иситкичлар ва бошқаларнинг жорий қилинишига олиб келди. Иншоотлар тектоникаси конструкцияларда вужудга келади ва қурилманинг унумдорлиги билан узлуксиз боғлиқ.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, конструкциялар тектоникасини таҳлил қиламиз: деворлар конструкциялари, устунлар, тўсинлар, каркас тизим, фазовий конструкциялар тектоникаси ва улар қатори арklar ва гумбазлар тектоникаси.

Санъатда тектоника деганда бадий асар тузилмаси, унинг архитектура иншоотини қурилишга хос бўлган қонуниятларига мувофиқ қурилиши.

Архитектурада тектоника тушунчаси иншоот шаклини унинг конструктив моҳиятига мувофиқ пластик яшашни англатади. Архитектура иншооти тектоникаси бинонинг умумий тузилшидан келиб чиқадиган унинг қисмларининг жойлашуви ва бир бирига бўйсиндирилишига боғлиқ.

Ҳар бир конструктив тизимига маълум бир тектоник шакллар ва қурилиш усуллари хосдир. Тектоник тизимларнинг хилма хил турларини ажратиш мумкин – устун – тўсин конструкциялари, деворий, тсинчли ёки гумабзли конструктив тизимлар тектоникаси. Бу тузилмалар чегарасида

тектоник шакллар баъзида ўхшаш бўлмаган, материал ёки қурилиш технологиясига боғлиқ турли хил мавсифларга эга бўлиши мумкин. Масалан, темирбетон ёки металлдан ишланган замонавий синчли иншоотларнинг тектоникаси ёғроҳ бруслардан тайёрланган синчли фахверкли иншоотларнинг анъанавий шакллари билан фарқ қилувчи шакл ташкил этиши билан тавсифланади; тош ёки ғиштли гумбазлар замонавий юпка деворли гумбаз-қобикдан ёки гумбазли армоцементли элементли гумбазларга корхонада бошқача текторник ифодага эга.

Архитектура иншоотининг шаклланиш жараёнида конструктив ва қурилиш усулларимухим рол ўйнаб, улар улар маълум даражада унинг тектоник шаклини белгилайди, ҳажмий-фазовий ва режавий ечимга таъсир қилади. Ўз навбатида конструкция техника даражасига, қўлланилаётган материалнинг хусусияти ва хоссаларига боғлиқ бўлади. Масалан: Карнакдаги (Миср) Амон саройининг катта гипостиль залида томли устёпамли диаметри 2,5 ва 3,5 м бўлган 134 та устун кўтариб туради, улар зал майдонининг деярли 25% ини эгаллайди. Усутнлар зич қилиб сурилган, чунки тошли тўсин билан нисбатан унча катта бўлмаган равоқли ёпиш мумкин. Зал фазоси фақат қисмларга ажратиб жуда чекланган чегараларда идрок қилиниши мумкин.

Манзара Римнинг Мансенция базиликасида кескин (жуд оз) ўзгарди, бунда бетон равоқлар унча кўп бўлмаган бақувват ҳам оралик таянчсиз йиғма армоцемент элементларидан иборат гумбаз билан ёпилган Туриндаги кўргазма павильонида фазо мутлақо бўшайди.

4-илова

Цех, маъмурий –маиший корпуслар, шунингдек ёрдамчи биноларнинг ҳажмий –режавий ечимлари чизиқли композицияси

Конструкцияларнинг хусусияти фақат умумий ҳажмий –фазовий ечимигина таъсир кўрсатмай, балки айрим элементларнинг шаклини ташкил этишга, уларни ўлчамларига нисбатларига таъсир қилади. Агар устунда янада мукаммал ифодаланган тош таянчлар диаметрнинг баландлигига максимал нисбати 1:10 га эга бўлса, у ҳолда темирбетон ёки металл устунларнинг нисбати 1:30 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Архитектура иншооти унинг шакллари қурилиш тузилмасининг қонуниятларини, унинг конструктив асосини қай даражада ифодаланишига боғлиқ ҳолда кўп ёки кам даражада тектоник бўлиши мумкин. Архитектура тарихида тектоник аниқлиги ва ифодаланганлиги билан ажралиб турадиган иншоотлар гуруҳини, ва ҳатто бутун бир даврларни ажратиш мумкин: масалан, антик Греция архитектураси, византия ва готик архитектура. Шу билан бир қаторда декоратив асоси усутнлиги билан аниқлигига эга эмас: уларда конструктив моҳияти айрим боровко усулидаги архитектура

иншоотлари ёки ҳинд декоратив **** кучайтириш мақсадида тўла очиб берилмайди.

Био лойиҳаси устида ишлашда бир томондан, архитектура ғоясини таъминлаш, иккинчи томондан, маълум даражада аниқлаши керак бўлган техник ва конструктив имкониятларни ҳамда усулларни доимо ҳисобга олиш керак. Француз архитектура назҳариятчиси Катрмер де Кенсидундай таъкидлаган эди: архитектор учун энг муҳими, у ўз композицияси устида ишлаётганда бу фикрини домий равишда ўз ғояларини ҳаётга тадбиқ этадиган усулларда тўплашдир. Шунинг учун ёш архитекторларда ўз композицияларида бажариш усулларига бўйсундириш кўникмасини қанчалик илгарироқ тарбиялашни бошласак, шунчалик яхшидир.

Саноат корхоналарини лойиҳалаш соҳасида ишловчи архитектор кенг ихтисосли мутахассис ҳисобланади, чунки корхоналар жуда кўп ишлаб чиқишларни ўз ичига олади. Технологик жараённинг хусусияти ҳудудинир томонига ва режалаштиришига, архитектуравий – фазовий ва конструктив ечимга, биолар ва иншоотлар тектоникасига, муҳандислик жиҳозланишига жиддий таъсир қилади.

Бироқ бу барча корхоналар хилма – хиллигини ишлаб чиқариш – технологик белгилари бўйича бир неча гуруҳга келтиришга имкон берувчи саноат корхоналарини жойлаштириш ва гуруҳлаш, шаҳар саноат районлари ва бўғинларини шунингдек саноат ва **** қурилишини архитектура-композицион ўзаро боғланиш тектоникаси ва қурилишни индустриаллаштириш масалаларини ҳал этиш муносабати билан айланиш муҳимдир.

Саноат архитектурасида цех ичи транспортининг у ёки бошқа турини танлаш кўп жиҳатдан бионинг турига ва унинг асосий қурилиш параметрларига ва тектоникага таъсир кўрсади. Масалан, кўприкли кранларининг қўлланиш бионинг равоқли тузилишига муқаррар сабаб бўлади, кроннинг ўлчамига ва баландлигига, қадами ва кесимига таъсир қилади.

Ишлаб чиқариш биносининг архитектура композициячи қуйидаги омиллар билан белгиланади: бионинг функционал-техник вазифаси ва ишлаб чиқариш хоналаридаги иш тартиби; қурилиш райони муҳити ва бионинг атроф қурилишдаги ҳолати; қурилишни индустриаллаштириш бир хиллаштириш шароитидаги архитектура- композицион усуллар.

Саноат корхоналарининг техник ва қурилиш тақомилини таъминлашдан ташқари архитектуравий лойиҳалаш ва зифасига ишлаб чиқаришда ишловчиларга уларнинг маиший турмушини, дам олиш ва бўш вақтимни ташкил этиш билан боғлиқ юқори даражада қулай хизмат кўрсатишни таъминлаш, эстетик жиҳатдан ўйлаб қилинган муҳитни яратиш масалалари ҳам киради.

Тектоникани қуришнинг энг яқин вазифаси саноат корхоналарининг ёрдамчи биолари конструктив ечимларини бундан кейин тақомиллаштиришдан иборат бўлиб, бу вазифаси бу вазифани

архитекторлар, конструкторлар, тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ходимлари ҳал этишлари керак. Бу вазифалар йириклаштирилган 6х9м устнлар тўрини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади. 9м ли равоқнинг йўлланилиши йирик градеробли блокларнинг, мажлислар залларининг ва ошхоналарнинг режалаштирилишини ҳал қилишда афзаллик беради.

9м ли равоқнинг қўлланилиши қават баландлигининг 3.3м дан 3.6м баландликка ўтказилиши билан боғлиқ, бунда у 60см га тенг ягона вертикал модулга бўйсиниши туфайли ишлаб чиқариш биноларининг қаватлари баландликлари билан яхшироқ боғланади. Бу ташқи тўсиқ панели, деразалар, зинапоялар ва саноат корхонаси барча биноларининг бошқа элементларини бир хил шаклга келтириш имконини беради, бунда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларнинг архитектуравий биринчи даражаси ортади.

Тектоникани ҳал этишнинг бошқа бир вазифаси ташқи тўсиқ панеллари кесилмаларининг янги схемаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Қурилишда кўпроқ ишлатиладиган панелларни осишнинг горизонтал схемасидан ташқари вертикал, этажлар бўйича қадамба қадам осиш ва йиғма консрукциялардан кўтариладиган ёрдамчи бинолар архитектура ифодаси, тектоникасининг қўшилишини қўлланиши.

5-илова

Ёрдамчи объектларнинг ихчам ва фазовий композицияси

Функционал, муҳандислик қурилиш бадий ва иқтисодий жиҳатдан баҳоланган ёрдамчи бинолар ва хоналар пировард натижада саноат корхонаси ёки корхоналар гуруҳи лойиҳасида маълумбир композицион ечимга келтирилиши керак. Ёрдамчи биноларнинг ва хоналарнинг энг кенг тарқалган комплзициялари – чизиқли, ихчам ва фазовий.

Чизиқли композиция цех, маъмурий –маиший корпусларнинг ҳамда замонавий заводларнинг ёрдамчи бинолари анча узун ва чуқурликдаги корпусларнинг ҳажмий-режалаштириш ечимлари учун хосдир.

Ихчам композиция унча катта бўлмаган корхоналарда кичик ва ўртача ҳажмдаги ёрдамчи объектларни режалаштириш учун хосдир.

Амалиётда ихчам композицияга қўшимча ёруғлик фронтини очишга ва кў миқдоридаги хоналарни табиий ёруғлик билан таъминлашга имкон берувчи ички ховлилар ваярим ховлиларни киритишдан катта ҳажмдаги ёрдамчи объектларнинг ривожланган таркиби учун ҳам қўлланилади.

Фазовий композиция ҳам чизиқли, ҳам ихчам композиция элементларини ўзида мужассам этади. Фазовий композицияда энг қулай даражада турли хил гуруҳдаги хонгаларнинг функционал талабларини қаноатлантириш, уларнинг зоналаштирилишини енгиллаштириш, ёрдамчи объектларнинг режалаштирилишини турли хил қилиб қуриш, ёрдамчи

бинолар ва хоналар мужмуини ташкил этувчи шахсий композицион сифатлардан тўлароқ фойдаланиш мумкин.

Заводларнинг ёрдамчи (жамоат) бинолари композицияси ва тектоникаси учун ўзига хос бўлган жиҳатлар шундан иборатки у умуман саноат корхонаси композицияси билан бир пайтда ва биринчи навбатда унинг ишлаб чиқариш бинолари композицияси билан шакллантирилади. Ёрдамчи ва ишлаб чиқариш бинолари битта композициясининг ажралмас элементларидир.

Бу масалани мукамал эстетик ҳал қилиш учун архитектура композициясининг бадиий воситалари ўлчов арсеналидан ҳар бир аниқ ҳолатда энг керакли воситаларни танлаб олиш ва қўлланиш кўникмаси катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу мақсадда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларнинг шакллари ўзаро таъсирлашганда вужудга келадиган контраст бирикмалардан (ҳажмлар, габритлар, конструкциялар режалаштиришлар ва ҳ. к.), ишлаб чиқариш корпусларига нисбатан ёрдамчи бинолар ҳажмини жойлаштиришда ритм, пропорциялар ва фактура нисбатлари ва ҳ.к.лар кенг қўлланилади.

Архитектор Мисс Вандер Роэ 50-йилларнинг бошларида пўлат ёки алюмин синчли (гардишли) узлуксиз шиша қобик сифатдаги ташқи тўсик вариантыни ишлаб чиқди. Ўз бирикмаларида ифодаланган (бўриттирилган) ва катталаштирилган бу синч тектоник метафора ролини бажарган, фасадга қобик билан яширилган элтувчи конструкция гўёки проекцияланган (шунга ўхшаш метафора сифатида ренессанс ёки классик қурилишдаги пилястрлар бўлиб, улар тош деворга қўйилиб, унга маълум бир маданий ассоциялар билан боғланган усутнли –тўсинли конструкция кўринишини берган).

1960-1967 йилларда шиша деворли бинолар хатто Тошкент, Алма-Ати, Тбилиси каби шаҳарларда ҳам қурилган. Шиша деворларнинг кенг тарқалиши кўп жиҳатдан уларнинг тектоник символикаси (рамзи)нинг ортиши билан белгиланади. Конструкциянинг ўзи массив деворга қараганда анча қиммат ундан фойдаланиш, бундан ташқари бундаги ҳавони кондиционалштириш (совутиш) қурилмалари билан жиҳозлашни назарда тутар эди.

Дастлабки ойнаванд бинолар пластика ёки кубнинг элементар шаклларига эга эди. Бироқ ойнанинг ярқираш ва аксланувчи хоссаларини самарали тарзда намоён бўладиган шаклларини издлаш табиий ривожланиш бўлди (Тошкентдаги НБУ, Дедеман, Пойтахт меҳмонхоналари, Ҳукумат уйи бинолари, Ўт ўчириш бошқармаси, Ўзавтойўл ва кўпгина бошқа бинолар).

Енгил панеллар ёки гиштдан қилинган осма деворларнинг тектоник ўзлаштириш ҳам оддий масала эмас. Бундай конструкциянинг энг оддий варианты тасмасимон деразалар ва ёпиқ тасмаларнинг навбатланиб келишидир.

Бизнинг амалиётимизда оммавий тус олган деразаларни ўз ичига олган, бир қават баландлигидаги панелда ташқи деворларни кириб чиқиш деворни бирор мавҳум (абстракт) тексилик сифатида идрок қилишини назарда тутди.

Ритм ва пластика бунда сургичларлар маҳкамлагичлар, қўйма лоджиялар - этажеркалар, балконлар ёки саф декоратив воситалар ёрдамида яратилади. Икки қаторли қирқим анча тектоникдир, у ерда белбоғ панеллар ва икки эшик ёки деразха ўртасидаги деворларнинг айрим жиҳатидан фарқи намоён бўлади (бу фарқ конструктив нуқтаи назардан ҳақиқийсига қараганда шартлидир).

6-илова

САВОЛЛАР

1. Архитектурада тектоника тушунчаси нимани англатади?
2. Саноат биноларида бино тектоникасига нималар таъсир қилади?
3. Пўлат ёки алюмин синчли (гардишли) узлуксиз шиша қобик сифатидаги ташқи тўсиқ варианты биринчи марта ким томонидан ва қачон ишлаб чиқилган эди?
4. Шиша деворни бинолар жанубий шаҳарларда биринчи марта қачон ва қаерда пайдо бўлса бошлади?

7-илова

Адабиёт

1. Главный архитектор города Н.Ф. Боронов Москва. Изд-во ***** по строительству. 1973 й.
2. Основные понятия архитектурного проектирования. Изд-во Ленинградского университета, 1976.
3. Архитектура гражданским и промышленных зданий. Гражданские здания Н.Н. Миловидов, Б.Я. Орловский, А.Н. Белкин. Москва. Высшая школа, 1987 й.

6-МАВЗУ	Архитектура шакллари ва конструкциялари ўртасидаги мутаносиблик
----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Архитектура шакллари ва конструкцияларининг мутаносиблиги. 2. Тектоника, унинг айрим элементларининг бино композициясидаги муҳим роли
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни архитектура шакллари ва конструкциялари ўртасидаги мутаносиблик билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Архитектура шакллари ва конструкцияларининг мутаносиблигини очиб беради	Архитектура шакллари ва конструкцияларининг мутаносиблигини билади
Тектоника, унинг айрим элементларининг бино композициясидаги муҳим ролини кўрсатади	Тектоника, унинг айрим элементларининг бино композициясидаги муҳим ролини ҳис қилади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Архитектура шакллари ва конструкциялари ўртасидаги мутаносиблик” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова). 1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова). 2.3. Архитектура шакллари ва конструкцияларининг мутаносиблигини очиб беради (4-илова). 2.4. Тектоника, унинг айрим элементларининг бино композициясидаги муҳим ролини кўрсатади (5-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (7 илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

“Эркин ёзиш”

Ўқитувчи талабаларни икки гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳ талабаларига беш минут вақт давомида “Эркин ёзиш” топшириғини беради. Биринчи гуруҳ талабаларига шакл, иккинчи гуруҳ талабаларига – конструкция сўзига оид билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун қолган талаблар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

Маъруза режаси

1. Архитектура шакллари ва конструкцияларининг мутаносиблиги.
2. Тектоника, унинг айрим элементларининг бино композициясидаги муҳим роли.

Таянч сўзлар

Архитектура шакллари, архитектура конструкциялари, архитектура безаги, тектоника, тектоника элементлари, тектоник шакл, бино композицияси

Архитектура шакллари ва конструкцияларининг мутаносиблиги

Архитектура хусусиятлари шакллантиришига боғлиқ ҳолда турлича бўлади.

Ўзлаштирилган бадий воситалар ва ҳар бир даврга хос бўлган конструкциялар мавжуд. Бироқ техника ва санъатнинг ўзаро боғлиқлигида, конструкцияларнинг ривож мантиқий шакли асосидаги самарали натижага ягона бадий ечим орқали эришилади.

Ҳажмлар тектоникаси хисоблашлар натижаси эмас, балки, аксинча, бу архитекторнинг кашфиёти (ижоди) ва архитекторларнинг узоқ вақт давомидаги ижодининг шаклланиши натижасидир. Архитектура шакллари ва конструкцияларининг пропорционаллиги (мутаносиблиги) миураккаб ва хилма хилдир.

Тектоникани 2 асосий турга ажратиш мумкин:

1. Архитектура ҳажми, агар у конструктив габаритлар билан тушади, бунинг воситасида фойдаланиш учун материалифдан самарали фойдаланиш ва тўлақонли имкониятини яратиш бадий кўрилишини утилитар конструкцияга пластик айланишдай ҳимоя қилади.
2. Агар архитектура шакли конструктив хоссалар билан уйғунлашса, конструкция кўринмайди, аммо у шшаклнинг яратилишини ва материалдан фойдаланишини яхшилайди.

Архитектуравий безаш асосий мақсадни назарда туталди. Ўзини оқламайдиган архмитектура безатилишидан, стил ташкил этишдан кўра бадий ҳақиқат яхшироқдир. Ҳар бир даврни ўзига хос тектоник методи бўлган. Бироқ табиатнинг ўзи яратиб берган метод бизга туртки бўлади. Тектоник шакллар ва конструкцияларнинг узлуксиз алоқаси эркин бўлмаса ҳам ўзгармайди, грек ордерлари сингари конструкция сифатида

фойдаланилиши мумкин. Аввалаги даврларда, тош тартибсиз равишда фойдаланиш тартиби ва ривожланишнинг намунавий мисоли бўлиб қолди.

Кейинчалик гўзаллик, ҳатто функционал вазифаларини бажармаса ҳам соддалаштириш сифатида бу вазифаларни архитектура безатилиши бетакрор эди. Хулоса бундай: тектоник шакл архитектура безатилиши шаклига айланди.

Қурилишнинг тектоник имкониятлари кўтарилади. Ҳозирги вақтда “тектоник имкониятлар йўлқўйилмайди” деган сўзларни ишлатиш ўринли эмас. Айрим архитекторларнинг ҳисоблашича, архитектура муҳитининг асосий вазифаси – архитектура композициясидир.

Бошқа бир архитекторлар асосий вазифа деб тектоникани ҳисоблашади. Бироқ энг самаралиси архитектура муҳитини ва тектоникани бирлаштиришдир. Муҳандисларнинг кашфиётлари ҳозирги вақтда ажойиб ва бетакрор архитектура шакллариининг “алифбоси” бўлди.

Конструкцияларни қўлланиш натижасида, унинг пластикаси, ритми, модул симметриясининг мувозанати ёрдамида архитекторлар эстетик диднинг пайдо бўлишига эришмоқдалар. Конструкцияни ижодий ўрганиш натижасида тектоник шакл туғилади. Кўпчилик машҳур бинолар ва иншоотлар бунга мисол бўла олади. Битта иншоотда турли хил конструкциялардан катта миқдорда қўлланиш архитекторни кенг ва бой тектоник шакл яратишга олиб келади.

Янги архитектура шаклини бино конструкциясининг мантиқини чуқур ўрганмасдан топиш эклектикага олиб келиши мумкин.

Демак, бадиий қобилият ва ташқи кўриниши, архитектура шакллариини асослашнинг асосийси – тектоникадир.

5-илова

Тектоника, унинг айрим элементларининг бино композициясидаги муҳим роли

Архитектура композициясининг муҳим элементи – тектоника бадиий мақсадларда аниқланган ва фойдаланган архитектура иншоотнинг конструктив тузилишидир. Тектоникани билиш бинолар конструкциясини яратувчи муҳандис қурувчилар учун айниқса муҳимдир.

Бино конструкцияси унинг вазифаси, об-ҳаво шароитлари қурилиш жойи, бинони ўраб турган муҳим, материаллар ва ҳ.к., шунингдек, композицион ғояга боғлиқ ҳамда маълум бир бадиий мақсадга ёки тектоникага эга бўлиб, у иншоотнинг архитектура шаклида унинг конструктив ечимларини илғор олиш имконини беради.

Бино композициясида унинг алоҳида элементларининг тектоникаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қурилишнинг индустриал методларига жавоб берувчи замонавий деворлар янги тектоник қурилишни ҳосил

қилишда ва девор ишининг ҳақиқий вазифаси ҳамда хусусиятини акс эттиради. Ёки жамоат биноларини лойиҳалашда усутнлар хонанинг баландлигига, конструкциялар оралиғига мутаносиб бўлиши керак. Агар талаблар ҳисобга олинмаган бўлса, усутнлар (ёк таянчлар) “филларнинг оёқлари” сингари кўринади ва хонадаги анча катта майдонни эгаллайди ҳамда анча қимматлашишига, металл, бетон, пардозлаш материалларининг ва ҳ.к. ларнинг ортиқча сарфланишига олиб келади. Ва аксинча, агар усутнлархаддан ортиқ ингичка ва хона баландлигига пропорционал бўлса, у ҳолда улар “тугурт чўплари” сингари кўриниб, ишонсизлик (кучсизлик) тассавурини беради. Бошқа бир мисол агар, усутнлар орасидаги оралиқ унча катта бўлмаса ва тўсинлар хонага номутаносиб равишда хаддан ортиқ йўғон бўлса, улар бу хонадондаги одамга босим бериб тургандек тассавурни яратади. Хатто бинони, хонани интерьерини безатиш элментлари ҳам (карнизлар, кессонлар) хоналарнинг баландлиги, майдонига ўлчовдош, пропорционал бўлиши керак – интерьерни ҳал этишда ёритгичлар, люстралар ҳам каттагина аҳамиятга эга. Осма *****, турли хил шаклдаги ва ўлчамдаги осма элементларни бажаришда хоналарнинг кейин қоладиган баландлигини, унинг хона баландлиги, юзи билан мутаносиблигини, шунингдек усутнлар ва тўсинлар билан мутаносиблигини ҳисобга олиш зарур. Интерьда архитектура элементларини хаддан ортиқ катталаштириб юбориш монотонликка (бир хиликка), салбий эстетик идрок қилинишига ва объектнинг ўзини оқламайдиган даражада ошириб юборилишига олиб келиши мумкин.

6-илова

Саволлар.

1. Тектоникани нечта асосий турга ажратиш мумкин?
2. Тектониканинг асосий масаласи нима?
3. Бинонинг алоҳида элементлари унинг композициясини ҳал қилишда қандай таъсир кўрсатади?

7-илова

Адабиёт

1. Функция, форма и образ в архитектуре, А.В. Иконников Москва , Стройиздат 1986 г.
2. Основные понятия архитектурного проектирования. Изд-во Ленинградского университета, Ленинград, 1976 г.

7-МАВЗУ	Квартираларнинг ҳажмий –фазовий ечими
----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Квартира турар жой уйининг асосий элементи. 2. Турар жой хоналари квартираларининг ҳажмий-фазовий ечими асоси
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни квартираларнинг ҳажмий – фазовий ечими билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Квартира турар жой уйининг асосий элементи эканлигини кўрсатади	Квартира турар жой уйининг асосий элементи эканлигини ҳис қилади
Турар жой хоналари квартираларининг ҳажмий-фазовий ечимини асослаб беради	Турар жой хоналари квартираларининг ҳажмий-фазовий ечимини билади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Квартираларнинг ҳажмий –фазовий ечими” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Ўтилган мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова). 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова). 2.3. Квартира турар жой уйининг асосий элементи эканлигини кўрсатади (4-илова). 2.4. Турар жой хоналари квартираларининг ҳажмий-фазовий ечимини асослаб беради (5-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўткази	Саволларга жавоб берадилар

1-илова

Беш дақиқали эссе

Беш дақиқали эссе – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулотида охирида 5 дақиқа оралиғида олиб борилади.

Ўқитувчи таклиф этади:

- «Мен бу ... ҳақида нимани ўйлайман» ёки «Нима учун, менинг фикримга кўра ...» саволларига жавоб беринг;
- ўқув машғулотида берилган талабалар учун янги саналган ғояни тавсифлаш ва шарҳлаб бериш;

- олинган билим, кўникмалар қаерда амалиётда қўлланилишини тавсифлаш.

Ушбу кўринишдаги эссе баҳоланмайди. Ўқитувчи 2-3 та эссени танлаб текширади, овозини чиқарган ҳолда шарҳлайди, талабалар билан муҳокама қилади ва хулоса қилади.

Ўтилган мавзуни мустахкамлаш мақсадида “Тектоника ва унинг аҳамияти” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар.

2-илова

Маъруза режаси

1. Квартира турар жой уйининг асосий элементи.
2. Турар жой хоналари квартираларининг ҳажмий-фазовий ечими асоси.

3 илова

Таянч сўзлар

Квартира, ётоқхона, ошхона, даҳлиз кириш, санитария узели, омбор ва шкафлар

4 илова

Квартира турар жой уйининг асосий элементи

Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва қишлоқ қурилиши учун турар жой бинолари лойиҳаларини ҳудудларининг табиий об-ҳаво ижтимоий – демографик шароитларини, аҳолининг миллий турмуш хусусиятларини ва унинг маданий анъаналари ҳамда эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлаб чиқиш лозим.

Турар жой биноларини лойиҳалаш Ўзбекистон Республикаси, ҳудудини зоналарга ажратиш ҚМҚ 208.01.99 га мувофиқ (у I,II ва III зоналарга бўлинган) амлага оширилиши керак.

Турар жойни лойиҳалашнинг асосий вазифаси одамларнинг турар жойга қўядиган турли хил талабларини тўла қаноатлантириш ҳисобланади.

Оилаларнинг турмуш тарзи оиланинг сон ва ёш таркибига , оила аъзоларини ишлаб чиқаришда бандлиги даражасига, машғулотлари хусусиятига ва бошқа асбобларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ҳар бир тоифадаги оила учун биринчи навбатда катталиги ва хоналари сони бўйича фарқ қилувчи уларнинг эҳтиёжларига энг мақбул даражада жавоб берувчи турар жой турларини назарда тутиш керак.

Квартира (хонадон) турар жой уйининг асосий элементи ҳисобланадди ва оила ҳаётини ташкил этишини таъминловчи бир қатор хоналардан иборат бўлади. Унда одам вақтнинг катта қисмини ўтказди – дам олади, ишлайди, бошқа кишилар билан муносабатда бўлади. Хонадонда умумий ҳаёт, умумий қизиқишлар ва умумий хўжалик билан яшовчи ягона организм бўлиб ҳисобланса-да, оиланинг ҳаёти кечади, лекин шу билан бирга бир – бирига яқин бироқ бир вақтда ёши ва машғулоти турига кўра турли хил одамлар учун табиий бўлган, баъзан қарама қарши дид ва турмуш тарзига эга турли одамлар жамоаси билан бирга кечади.

Миқдори ва ёш таркиби бўйича фарқ қилувчи турли хил оилаларнинг ҳаёти шароитини ҳисобга олиш ва янада қулай ҳамда соғлом одамнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига ёрдам берувчи ҳамда оила ҳаётини ташкил этувчи замонавий квартираларни яратишда асосий вазифа ҳисобланади.

Квартиранинг катталигига боғлиқ бўлмаган ҳамда уни режалаштиришни ҳал этишда унда кечадиган барча ҳаётий жараёнларини: оила аъзоларининг дам олиши ва шахсий машғулотларини, уй хўжалигини юритишни, оила аъзоларининг ўзаро ва бошқа кишилар билан муносабатда бўлишларини ҳамда шахсий гигиенанинг сақлаб юришларини ҳисобга олишловим. Бундан хонадонда яшовчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берувчи ундаги хоналарининг таркиби ва ўлчамлари белгиланади. Кўп хонадондаги уйларда бир кишига (хоналарни ҳисобга олмаган ҳолда) 16 м^2 миқдорида қабул қилиш керак (минимал ҳисобдаги турар жой майдони - 10 м^2 / киши бўлганда).

Турар жой хоналарининг полдан шипгача баландлигини камида: I – II зона шароитида 3 м; III зонада -2,7м (турар жой қаватларининг полдан шипгача баландлиги мос равишда 3,3м; 3,0м).

Ҳар бир хонадонда қуйидаги хоналар бўлиши керак: турар жой хоналари, ошхона, даҳлиз, ваннахона (душхона), санузел, қурилган шкафлар, хўжалик омбори, балкон ва айвон.

5 илова

Турар жой хоналари квартираларининг ҳажмий-фазовий ечими асоси

Турар жой хоналари турли хил вазифани бажаради ва умумий ҳамда ётадиган хоналарирга бўлинади. Кўп хонали хонадонларда (бир киши бошига турар жой майдони етарлича юқори нормада бўлганда) умумий хонага қўшимча равишда бир неча ётоқхона, шунча санитария узели, гардероб хоналари, кабинет ва ҳ.к. назарда тутилиши мумкин.

Қуйидаги жойлар табиий равишда ёритилишга эга бўлиши керак: турар жойхоналари, ошхоналар, канализация ўзтказилмаган ҳожатхоналар, зинапоякатаклари, даҳлизли турдаги турар жой биноларидаги умумий

дахлизлар, шунингдек ётоқхоналардаги жамоатчилик вазифасини бажарувчи хоналар, қариялар ва ногиронлари бўлган оилаларнинг турар жойлардаги хоналар.

Бунда барча турар жой хоналари, ошхона ва ётоқхоналарда ёруғлик тушадиган жойлар юзаларининг шу хоналар умумий майдонига нисбати, одатда, 1:55 дан ошмаслиги керак. Минимал нисбат I ва III зоналарда камида 1:10, II зонада 1:8 бўлишўи керак.

I ва II зоналар учун лойиҳалайдиган биноларда хонадонлар, одатда, тўғридан тўғри, бурчаклиостида ёки вертикал ҳолда шамоллатиш билан таъминланиши керак бунда ҳавонинг бир хонадондан истиснор қилиш керак. Вертикал шамоллатишдан фойдаланишда ҳар бир вентиляция шахтасига биттадан ортиқ бўлмаган хонгадонни улашга рухсат этилади.

Хонадонларни (блок- хонадонларни) битта ёки икки учта қариндош оилалар билан жойлаштириш шароитидан келиб чиқиб лойиҳалаш лозим. Бир оилали хонадонлар турлари хоналар сони ва умумий майдони ўлчамлари бўйича (ёзги хона майдонини ҳисобга олганда) 1 – жадвалга кўра қабул қилиш лозим:

Хонадонлар тури	Оиланинг ўртача таркиби, киши	Ёзги хоналарни ҳисобга олмаганда хонадонларнинг умумий юзи, м ²
1 хонали	2	36
2 хонали	3	48
3 хонали	4	64
4 хонали	5	80
5 хонали	6	96
6 хонали	7-8	114

Ёзги хоналар юзини хонадонларнинг умумий юзининг камида 20% га тенг қилиб қабул қилиш лозим (блок-хонадонлар).

Хонадонларнинг (блок квартираларнинг ҳамда алоҳида жойлашган бир оилали уйларнинг турар жой ва ёрдамчи хоналарнинг минимал таркиби ва ўлчамлари) турар жой қурилишини маблағ билан таъминлаш манбааларига боғлиқ бўлмаган ҳолда 2 –жадвалдаги маълумотларга кўра қабул қилиш лозим.

2-жадвал

Хоналар тартиби	Квартиралар (блок-квартиралар) туралари хоналарнинг минимал юзи, м ²					
Турар жой:	1	2	3	4	5	6

		хонали	хонали	хонали	хонали	хонали	хонали
1	Умумий хона	20	16	16	16	18	18
2	Ота–оналар ётоқхонаси	-	14	14	14	14	14
3	1 кишилиқ ётоқхона	-	-	10	10	10x2	10x2
4	2 кишилиқ ётоқхона	-	-	-	12	2	12x2
Минимал турар жой		20	30	40	52	64	76
Ёрдамчи хоналар:							
1	Дахлиз кириш	4	4	8	10	10	12
2	Ошхона	8	8	8	10	10	10
3	Санитария узели	3,5	4	6	6	9	12
4	Омбор ва шкафлар	1	2	2	2	3	4
Минимал умумий юз		36	48	64	80	96	114

Алоҳида меҳмонхонанинг зарурлиги лойиҳалашга тўғриқ билан белгиланади. 1 А ва 1 Г зоналар ости шароитида умумий хонанинг юзи 1-3 хонали хонадонларда эса 24м² кам бўлмаслиги, 4-6 хонали хонадонларда эса 24м² дан кам бўлмаслиги кераккерак.

Турар жой хоналари. Умумий хона хонадонда асосий ҳисобланади ва юзи бўйича энг катта бўлади. 2-3 хонали хонадонларда умумий хонанинг юзини камида 24м² қилиб олинади.

Умумий хона орқали хонадоннинг бошқа хоналарига ўтиши мумкин бўлиб, бу хонадон ичи ўтиш хоналари ва дахлизларнинг юзини камайтириш ҳисобига хонадоннинг анча тежамлаштиришни олишга имкон беради. Умумий хонанинг энг яхши нисбатлари яъни уни энининг бўйича нисбати 1:1 дан 1:1,5 чегараларида бўлади.

Катталиги бўйича катта хона узун томони билан фасад бўйлаб жойлаштириши мумкин, бу хонанинг ёритилганлигини яхшилади ва унинг майдонидан дам олиш машғулотлар ўтказиш, овқатланиш столини жойлаштириш ва ҳ.к. учун жой ажратиш йўли билан унумли фойдаланиш учун шароит яратади.

Ётоқхона ётадиган жой сонига қараб бир кишига, икки ва уч кишига (охирги ҳолда ота –оналар ва боласм учун) турли ўлчамларда лойиҳаланади.

Икки хонали хонадонда ётоқхонанинг ва уч, тўрт ва беш хонали хонадонларда ётоқхоналардан бирининг минимал юзи эни камида 3,2 бўлганда 14м² бўлганда 14м² бўлиши керак. Ҳамма ётоқхоналар бошқа хоналарга у орқали ўтиб бўлмайдиган қилиб лойиҳаланади. Ётоқхоналарнинг бу юзаларига ўрнатиладиган шкафлар юзи киритилмайди.

Айрим ҳолларда ётоқхоналар нисбати умумий хоналар нисбатига қараганда анча узунлаштирилган бўлади. Бироқ ётоқхонанинг чуқурлиги энининг икки каррасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ётоқхоналар ўзининг асосий вазифасидан ташқари (дам олиш ва ухлаш жойи) бир қатор бошқа вазифаларни ҳам бажаради, айниқса болалар ётоқхонаси, улар ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажаришлари, ўйнашлари ва ҳ.к. лар учун фойдаланилади. Шунинг учун майдон етарлича катта бўлса, унинг энг яхши ёритилган қисмини ишчи столлар, шкаф ёки китоблар ва дарсликлар учун полкаларни жойлаштириш учун жойни назарда тутиш мақсадга мувофиқ ва ҳ.к.

Турар жой хоналари деразаларини I ва II зоналарининг ғарбий қисмига 200-299⁰ чегараларида мўлжаллашдан қочиш лозим. Горизонтнинг кўрсатилган қисмига: икки хонали хонадонларда – биттахонани уч хонали хонадонларда – кўпи билан икки хонали қурилмалари мавжуд бўлганда турар жой хоналарининг кўпи билан 25% ини мўлжаллашга йўл қўйилади.

Турар жой биноларини жойлаштириш ва мўлжаллаш 22 мартдан 22 сентябргача камида 2, соат хоналарни узлуксиз инсоляция қилинишини таъминлаши керак. Кўп қаватли қурилиш шароитида турар жой хоналарининг бир марталик инсоляция узилишига унинг йиғинди давомийлиги кун давомида 0,5 соатга орттиришда йўл қўйилади.

Инсоляция бир, икки ва уч хонали хонадонларда камида бир хонада; тўрт, беш, олти хоналиларда камида икки хонада таъминлаши керак. Ётоқхоналарда камида 60% турар жой хоналари инсоляция қилиниши керак.

Ошхона. Ошхонада овқат тайёрлаш, идиш ювиш ва бошқа маиший жараёнлар билан боғлиқ турли хил ишлар амалга оширилади. Ошхонада уй бекаси уй вақтининг кўпчилик қисмини ўтказadi. Шунинг учун квартирани лойиҳалашда ошхонани режалаш ва жиҳозлашга энг жиддий диққат эътибор қаратилиши керак.

Ошхоналар уларнинг турларига боғлиқ бўлмаган ҳолда одатда, барқарор ошхона қурилмалари ва мебель билан жиҳозланади. Ошхона жиҳозларининг асосий буюми ошхона плитаси (газли ёки электр) ҳисобланади.

Ошхона – овқатхона деб овқатланиш столини жойлаштириш учун жой ажратилган жойга айтилади. Бу турдаги ошхоналарнинг қўлланилиши унча катта бўлмаган хонадонларда айниқса мақсадга мувофиқдир, унда ошхона-овқатхона хонадоннинг қўшимча хонасига айланади.

Бир қатор илоийҳавий ечимларда овқатланиш столи жойлаштирилган ошхона – овқатхонани турар жой хонаси билан ойнаванд боғланади, бу ҳам маиший қулайликлар яратади, ҳам хонадоннинг анча қизиқарли фазовий ечимини яратади.

Санитария бўғин (узел) лари. Водоровод ва композиция билан билан таъминланган турар жой уйларда хонадонларнинг ўлчамига боғлиқ ҳолда турли хилдаги санитария бўғини бўлиши мумкин.

Бир хоналди хонадонларда кичик оилали ва яккалар учун замонавий санитария бўғинларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ, у ерда битта хонада унитаз, ювингич ва ванна жойлаштирилади.

Оила таркиби катта бўлган оилалар учун мўлжалланган хонадонларда алоҳида санитария бўғинларини (унитаз алоҳида хонада жойлаштирилади) қўлланиш тавсия этилади.

Санитрия бўғинларини жиҳозлаш учун турли хил ўлчамдаги ванна душлардан фойдаланилади: 0,75x 1,7; ўлчамли ўтирибювинадиган ванналар 0,8x0,8м; 0,9x0,9м таликка эга ду.

Санитория бўғинини лойиҳлашда уни жиҳозлаш тўплами ва габаритларинигина эмас, балки қурилмалар орасидаги масофани, қурилмадан деворгача бўлмаган масофани ҳам ҳисобга олиш зарур.

Этик ташқарига очилганда битта унитаз жойлаштирилган санитария бўғинининг ўлчами камида 0,8x1,2 бўлиши эшик ичкарига қараб очилганда эса камида 0,8x1,4м бўлиши керак.бачоги пастга жойлаштирилган унитазда бўйи мос равишда 1.3-1,5 м гача ортиради.

Ёрдамчи хоналарнинг энг камида: ошхонанини –жиҳозларнинг икки томонлама жойлаштиришда – 2,3м; кирверишники – 1,6м; турар жой хоналарига олиб борувчи даҳлизларники – 1,1м.

Умумий юзи минимал бўлган бир ва икки хонали хонадонларда қўшилган санитария бўғинини жойлаштиришга рухсат этилади.

Унитаз ўрнатилган хонага бевоситаошхонадан ва турар жой хоналаридан кириш (ногиронлари бўлган оилалар учун мўлжалланган турар жой хоналаридан ташқари) рухсат этилмайди.

8-МАВЗУ	Ўртача қаватли турар жой уйлари хонадонларининг композицион ечими
----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Хонадонларнинг ечими ҳақида тушунча 2. Иқтисодий талабларнинг хонадонлар ечимига таъсири 3. Хонадонларни қулай режалаштириш. 4. Уйлар турларининг хонадонларининг режалаштириришга таъсири
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни ўртача қаватли турар жой уйлари хонадонларининг композицион ечими билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Хонадонларнинг ечими ҳақида тушунча беради	Хонадонларнинг ечими ҳақида тушунчага эга бўлади
Иқтисодий талабларни хонадонлар ечимига таъсири кўрсатади	Иқтисодий талабларнинг хонадонлар ечими таъсирини ҳис қилади
Хонадонларни қулай режалаштириш бўйича тавсиялар беради	Хонадонларни қулай режалаштириш бўйича мустақил равишда тавсиялар беради
Уйлар турларининг хонадонларининг режалаштириришга таъсири ҳақида гапириб беради	Уйлар турларининг хонадонларининг режалаштириришга таъсири ҳақида билади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Ўртача қаватли турар жой уйлари хонадонларининг композицион ечими” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Ўртача қаватли турар жой уйлари ҳақида нималарни биласиз?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Хонадонларнинг ечими ҳақида тушунча беради (3-илова). Иқтисодий талабларнинг хонадонлар ечимига таъсирини кўрсатади (4-илова). Хонадонларни қулай режалаштириш бўйича тавсиялар беради (5- илова). Уйлар турларининг хонадонларининг режалаштиришга таъсири ҳақида гапириб беради (6- илова).	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (7-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (8-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Хонадонларнинг ечими ҳақида тушунча
2. Иқтисодий талабларнинг хонадонлар ечимига таъсири
3. Хонадонларни қулай режалаштириш.
4. Уйлар турларининг хонадонларининг режалаштиришга таъсири.

Таянч сўзлар

Хонадонларнинг ечими, иқтисодий талаблар, хонадонларни қулай режалаштириш, уйлар турлари.

Хонадонларнинг ечими ҳақида тушунча

Хонадонларни тарихий ечимининг асосий сифати хоналарни шунга жавоб беувчи вазифасига кўра аниқ табақалантириш, уларни гуруҳларга ажратиш ва турар жой хоналарининг хонадонининг ёрдамчи хоналар билан қулай алоқаси ҳисобланади.

Хонадон қанчалик катта бўлса, хонадондаги хоналарни уларнинг вазифаларига кўра гуруҳларга ажратиш мумкин. (Ётоқхона, умумий хона, ёрдамчи хоналар). Аммо унча катта бўлмаган оила яшаш учун мўлжалланган хонадонда алоҳида хоналарнинг уларнинг функционал вазифаларига кўра жойлаштиришларига интилиш зарур.

Ётоқхонани хонадоннинг шовқин манбаи бўлиб ҳисобланган. зинопоё котоги ва ошхонадан иложи борица узоқроқдаги анча тинч қисмига жойлаштирамиз, уларнинг санитария бўғини билан қулай алоқасини таъминлаш лозим. Умумий хона кириш ва кириш хонасига бевосита яқин жойга жойлаштирилади. Агар умумий хона доимий равишда ошхона сифатида фойдаланилса, у ҳолда униг ошхона билан қулай алоқасини назарда тутиш зарур, бунда уй бекасининг меҳнати анча енгиллашади.

Унча катта бўлмаган хонадонларни лойиҳалашда ҳаётий жараёнларнинг барча хилма-хилликларини синчиклаб ҳисобга олиш лозим. Бир хонали хонадонларда ётоқхонани синчиклаб ажратинг, овқатланадиган стол учун иш ўрнини назарда тутиш лозим бўлиб, бир қатор ҳолатларда у ошхона – овқатхонага чиқарилади.

Бироқ қулай хонадон яратиш учун хоналарни ва уларнинг ўзаро алоқасини фақат функционал тўғри ташкил этишнинг ўзи етарли эмас. Қулай ва чиройли хонадонларни яратишда айрим хоналарнинг кинфигурацияси ва нисбати, хонадоннинг безатилиши ва жиҳозланиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Турар жой хоналарининг ўлчамлари хонадон ҳисобланган оила учун зарур миқдордаги мебелни қулай жойлаштириш имконини таъминлаши керак. Бунда эшик ўринларининг жойлашиши катта аҳамиятга эга. Уларнинг муваффақиятли жойлаштирилиши хонадонни қурилмалар ва мебеллар билан жиҳозланиши ҳисобга олганда унинг маиший сифатларини яхшилашга имкон беради. Хоналарда тасодифий чиқиқлар, пилетр ва ҳақозолар қочиш керак, чунки хоналар шаклининг оддийлигини бузади, мебелни жойлаштиришга ҳалал бериши, пардозлаш ишларини муракаблаштириши ва қимматлаштирилиши мумкин.

Ҳар бир хонадон унинг мутлоқ ўлчамларига боғлиқ бўлмаган ҳолда эркин, сиқилмаган, хоналари чиройли ва ёруғ бўлиб кўриниши жуда муҳимдир.

Хонадонларга битта оилани кўчириб жойлаштириладиган шароитларда хоналарни каттароқ хажмий фазовий бирлашувини яратишга имкон берувчи алоҳида хоналарни изоляция қилишга, очиқ эшик-дераза ўрнини яратишга, сурилма тўсиқлар ўрнатиш, кенг ойнаванд эшиклар ўрнатиш ва бошқа бир қатор усуллар қўлашга камроқ интилиш мумкин бўлади. Хонадонларни лойиҳалашда мебелнинг ва хонадон ичида қуриладиган қурилмаларнинг габоритларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Масалан, секцияли мебелни турли габарит ва нисбатга эга хоналарга миқдорий таркиби турлича бўлган оилаларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб қулай равишда жойлаштириш мумкин.

4-илова

Иқтисодий талабларнинг хонадонлар ечимига таъсири.

Хонадонларни лойиҳалашда тежамкорлиги омилини ҳисобга олиш бизнинг турар жой қурилишининг улкан режаси бажарилишини таъминланиши мумкин бўлган асосий шартларди биридир. Ҳар қандай хонадонни лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар оилаларнинг миқдорий ва ёш таркиби ҳамда ҳар бир кишига турар жой майдонининг (ёки фойдали майдонининг) нормаси ҳисобланади.

Турар жой майдони нормаси хонадоннинг умумий ўлчамларини, алоҳида хоналарнинг ўлчамларини олдиндан белгилаб беради ва хонадонлар ечимининг композицион усулига таъсир кўрсатади. Масалан, ҳар бир кишига турар жой майдони нормаси 10 м^2 бўлганда хонадондаги ҳар бир хона, одатда, ётоқхона сифатида фойдаланилган. Шунинг учун умумий хонада ҳам ётадиган жойни жойлаштириш учун қулай жой назарда тутилар эди. Норма $20\text{-}24 \text{ м}^2$ бўлганда умумий хона фақат асосий вазифаси бўйича фойдаланиши мумкин, бу унинг режалаштирилувчи ечимига таъсир этади. Норма бундан кейин ҳам орттириб борилганда турар жой хоналарни вазифасига кўра янада кўпроқ табақалаштириш мумкин; хонада махсус вазифани бажарувчи алоҳида хоналар – ошхона, ишчи кабинет ва ҳақозолар назарда тутилиши мумкин.

Хонадонлар ва турар жой уйлариининг архитектура - режалаштириш ечимларининг тежамкорлигини аниқлаш учун асосий коэффициентлар K_1 ва K_2 қабул қилинган.

K_1 коэффициент хонадонда, секцияда ёки улушда турар жой юзининг тегишли фойдали майдонга нисбатини ифодалайди:

$$K_1 = \frac{\text{Турар жой майдони, } \text{м}^2}{\text{Фойдали майдон, } \text{м}^2}$$

Бу коэффициент билан биринчи навбатда хонадонларнинг ўзининг қабул қилинган режалаштириш ечимининг тежамкорлиги аниқланади.

K_2 коэффициент турар жой уйи кубатурасининг (ҳажмининг) унинг йиғинди турар жой майдонига нисбатини тавсифлайди ва ҳажмий коэффициент деб аталади.

$$K_2 = \frac{\text{м}^2 \text{ ҳисобида кубатура}}{\text{Тура ржой майдони (юзи), м}^2 \text{да}}$$

У 1 м^2 турар жой майдонига тўғри келадиган уй ҳажмининг м^3 миқдорини белгилайди. K_2 катталики қуйдаги омилларга боғлиқ:

- хонадоннинг режалаштирувчи ечимининг тежамкорлиги даражалари (K_2);
- секцияда ва уйда хонадонга тўғри келадиган вертикал ва горизонтал коммуникациялар (зинапоёлар, лифтлар, вестибюллар ва ҳакозолар) миқдори;
- конструкцияларнинг хусусияти ва тури (деворлар қалинлиги, устунлар қалинлиги ва ҳакозолар);
- ҳавонинг баландлиги.

Юқорида айтиб ўтилгандек хонадонни режалаштиришнинг тежамкорлиги кўрсаткичлари учун K_1 коэффициент қабул қилинган. У қўшимча (ёрдамчи) майдонни режалаштиришнинг тежамкорлиги деб аталади. Бироқ ёрдамчи хоналар (киравериш, даҳлизлар ва ҳакозолар) юзини камайтириш оиланинг нармал ҳолатда яшаш шароитларини бузмаслиги керак.

Хонадонларнинг ёрдамчи майдонини камайтириш (айниқса даҳлизларнинг) турли хил режалаштириш усуллари билан эришиши мумкин, уларнинг барча хилма-хиллиги икки нарсага камайтириши мумкин:

- Умумий хонасидан ўтиб кетиб бўлмайдиган хонадонлар;
- Умумий хонасидан ўтиб кетиш мумкин бўладиган хонадонлар, ундан фақат ётоқхоналарга ва айрим ёрдамчи хоналарга, ётоқхоналарга ва барча ёрдамчи хоналарга кириш қурилиши мумкин.

Иккинчи режалаштириш схемаси даҳлизларнинг юзасини анча қисқартириш имконини беради, бу билан ёрдамчи майдонни камайтириб, хонадоннинг тежамкорлигини оширади. Бироқ умумий хонаси ўтиб кетиш мумкин бўлган хонадон бир қатор ҳолларда ҳам ўзининг маиший сифатларига кўра умумий хоналари ўтиб кетиб бўлмайдиган хонадонга нисбатан орқада қолади ва оиланинг яшаши учун ноқулай бўлиши мумкин.

Бир қатор режалаштириш усуллари умумий хонаси ўтиб кетиш мумкин бўладиган хонадонларнинг етарлича тежамкорлигини сақлаган ҳолда уларнинг қулайлигини ошириш имконини беради. Бунга умумий хонага кирмасдан хонадоннинг қолган хоналарига ўтишга имкон берувчи ўтиувчи ёрдамчи хоналарни ташкил этиш йўли билан эришилади.

Амалда бундай ечимларнинг энг хилма хил мисоллари учрайди. Масалан, умумий хонадон ошхонага асосий ўтиш йўлини қуришда ошхонага, ваннахона ёки душхона орқали қўшимча ўтиш йўли назарда тутилади; ётоқхонага умумий хонадан асосий киришдан ташқари ваннахона ёки ошхона орқали қўшимча кириш йўли мавжуд. Турар жой хоналарига қўшимча кириш йўлининг ошхона-овқатхона орқали бундай қурилиши кенг қўлланилади.

Бундай барча ечимлар хонадоннинг ёрдамчи майдоннинг дахлизларни ва кераксиз ўтиш йўллари йўқотиш ҳисобига хонадонларнинг ётарлича қулай ҳолда ташкил этилишини таъминлашга имкон беради. Хонадонларнинг нархи ошхона ва санитария бўғинларининг режалаштирилишига ва қурилмаларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро жойлашиши санитария-техник трубопроводларнинг жойлаштирилиши ва узунлигига таъсир қилади. Уларнинг қўшма ҳолда жойлашиши энг тежамли ҳисобланади, бу индустриал қурилишда заводда тайёрланган санитария-техник кабиналардан ва ошхона санитария блокларидан фойдаланишга имкон беради. Бир қатор ҳолларда айниқса кўп хонали квартираларда энг кўп маиший қулайликлар яратиш мақсадида ошхона ва санузелларни алоҳида ўрнатиш қўлланилади, хожатхонани эса ваннахонадан алоҳида жойлаштиришади ёки қўшимча хожатхона қуришади.

Аммо шуни ҳам назарда тутиш керакки, ошхона ва санитария-техника қурилмаларини бир жойда гуруҳлаштириш барча санитария-техника ишларини максимал индустриаллаштиришга ва қурилиш майдончасидаги монтаж ишларини минимумга келтиришга имкон беради.

Хонадоннинг иқдисодига турар жой хоналарининг баландлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Оммавий турар жой қурилиши жаҳон амалиётида турар жой хоналари баландлигининг 2,5 м дан 3,3м гача ва ундан юқоригача катта ўзгаришлар кузатилади. Кўпчилик мамлакатларда бу баландлик 2,5 м дан ошмайди.

Хоналар баландлигининг пасайтирилиши зарур санитария-гигиеник шароитларни сақлаб қолган ҳолда турар жой қурилиш қийматини пасайтиришга имкон беради.

1958 йилда Собиқ Иттифоқнинг барча иқлимидаги районларида (IV иқлим районини ҳам ҳисобга олганда) 2,5 м ли баландликка ўтишга қарор қилиниб, бунда иссиқ ҳудудларда хоналарнинг ўта қизиқ кетишидан форрон шамоллашини ташкил этиш ва очилувчи макизлар, желюзалар ва бошқа қуёшдан химоя қилувчи воситаларни қўланилиб сақланар эди.

5-илова

Хонадонларни қулай режалаштириш

Ўзбекистонда оммавий турар жой қурилишининг фарқ қилувчи хусусияти унинг сейсмикликни ҳисобга олган ҳолда бинонинг узоқ вақт давомида яшашни таъминловчи темирбитон ва бошқа узоқ муддатга чидамли материалларнинг қўлланилиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, одамларни жойлаштириш нормаларини ошириш, хонадонлар техник қурилмалари даражасини доимий ошиб бориш ва энг муҳими, маиший хизматни янгича ташкил этиш билан ҳаётнинг замонавий шаклларига ўтиш квартиранинг “маънавий эскиришни” белгилайди, бу ҳолат бинонинг амортизация муддатидан анча аввал юз бериши мумкин. Хонадонларни “ қулай” режалаштириш принципи хонадоннинг умумий юзини

сақлаб қолган ҳолда хоналарнинг ўзаро жойлашишини миқдори ва ўлчамларини ўзгартириш имконини беради, мунтазам яхшиланиб бораётган ҳаёт шароитларига, мамлакатимизда аҳолини жойлаштириш нормаларини оширишга мос келади. Хонадоннинг режалаштириш тузилмасини ўзгартириш, унга жамиятимиз ривожидан келиб чиқадиган янгиликни киритиш имконияти замонавий турар жой масаласини ҳал этишда муҳим муаммо ҳисобланади.

Турли хил оилалар таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, миқдорий таркиби бўйича ҳар хил оилалар хонадоннинг режалаштиришига ҳар хил талаблар қўйишади.

Уч кишидан иборат оила – боласи, олтиёшгача бўлганда ота-оналар хонасида жойлаштирилиши мумкин. Хоналарнинг минимал сони – иккита (умумий ва ётоқхона). Ёши анча каттароқ бўлган фарзанд учун алоҳида хона талаб этилади, шунинг учун бундай ҳолда хонадоннинг турар жой хоналари сони ушанча миқдордаги оила учун учтагача ортиши керак.

Габаритлари бўйича бир хил хонадонлар доирасида турар жой хоналари сонини ошхона ва санитария- техника қурилмаларининг жойлашишини ўзгартирмасдан, оилаларнинг ёш таркибига боғлиқ ҳолда ўзгартириш мумкин.

Қурилиш амалиётида кўпинча ўзгарувчи тўсиқларни қуриш йўли билан битта хонани икки хонага бўлиш усулидан фойдаланилади. Янада мукаммал ошхона қурилмасидан фойдаланилганда ёки аҳолига жамоат хизмат кўрсатиши ошганда алоҳида хона сифатидаги ошхона кераксиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. (Ошхона- ўйчаннинг ташкил этилиши етарли, бунинг ҳисобига эса умумий хона кенгайтирилиши мумкин). Хонадонни турли оилаларнинг ҳар хил талабларига онсон мослаштиришга имкон берувчи хонадонларни “қулай” режалаштиришнинг чет эл лойиҳалари анча катта қизиқиш уйғотади. Масалан, Гётеборгдаги (Швеция) экспериментал уйнинг кўп хонали хонадонни режалаштириш вариантини кўриб чиқамиз. Унда хоналар сони хонадонни ижарага олувчиларнинг турли хил шахсий талабларига кўра хонадонни режалаштирилишини мослашга имкон берувчи йиғма ажратма тўсиқлар ва шкаф – тўсиқларни қўлланиш йўли билан учтадан бештагача ўзгартирилиши мумкин.

Йирик қадамли вертикал элтувчи конструкцияларининг (кўндаланг деворлар ёки синч) замонавий конструктив ечимлари турар жойлар қурурилишига “мослашувчан” режалаштирилиши хонадонларни ривожлантириши ва жорий қилиш учун асос яратади. Бундай хонадонларда фақат ошхона ва санитария узели учун доимий сақланади. Уларни жойлаштириш санитария техник блокларнинг жойлашувига боғлиқ.

6-илова

Уйлар турларининг хонадонларининг режалаштиришга таъсири

Хонадонлар композитциясининг уларнинг тузилишига таъсир қилувчи шароитлардаги юқорида кўриб чиқилган асосий принциплари фақат турар жойнинг барча турлари учун умумий бўлган масалаларгагина тегишли бўлади.

Турли хил уйларда хонадонларни режалаштириш эса ўзига хос жихатларга эга бўлиб, ҳар бир турдаги уйда кўринишини ўзгартиради. Масадлан, “хонадон” ва “турар жой уй” тушунчалари мос тушадиган бир хонали уйларда хонадонларнинг режалаштириш ечимлари ҳам анча катта ўзгаради. Бир хонали ва хонадон олди участкали бўлган тўсилган уйларда хонадонга иккита кириш йўли қуриш ҳосдир. Бундай турдаги уйларда кўпинча хоналарни икки сатҳда жойлаштирилган хонадонлар қўлланилади. Бу уйнинг узунасига давомийлигини ва қурилиш майдонини қисқартиришга ва шу билан унинг тежамкорлигини оширади. Хонадонларни икки сатҳда ҳал қилиш усули секцияли, галереяли ва дахлизли турдаги кўп қаватли уйларда учрайди. Охирга икки турдаги уйларда бу горизонтал коммуникациялар майдонлари (дахлизлар вагалереялар) қисқартириш имкон бериб, бу билан уларни тежамкорлигини орттиради. хонадонларни режалаштирилувчи ечимига бир томонлама ва икки томонлама мўлжал олиш талаблари, шунингдек хонадонга киришнинг уй тўрига боғлиқлиги катта таъсир кўрсатади.

Санитария – техника қурилмаларининг хонадонларининг архитектура режавий ечимига таъсири.

Хонадонларнинг режалаштирилишига унинг қулайлиги даражаси, санитария – техника қурилмаларининг қўлланилаётган турлари: исситиш, вентеляция (шамоллатиш), совуқ ва иссиқ сув таъминоти ва ҳакозолар.

Тўла даражада қулай бўлган турар жой уйларида қуйидаги асосий исситиш тизимлари қўлланилади:

1. Марказий сув билан исиш.

2. Хонадон бўйича исситиш тизими (иссиқлик элтувчи – сув ёки иссиқ ҳаво). Сув билан марказий исситиш тизими марказий исситиш манбаидан (уйда ўрнатилган қозонхона, туман қозонхонаси, иссиқлик электромаркази).

Марказий сув исситиш маркази билан жихозланган кўп қаватли ва кам қаватли уйларда оч холда ёки ариқчаларга берк монтаж қилинади. Очиқ усулда ўрнатилганда вертикал қурлар (стояклар) иложи борица хонанинг бурчагида жойлаштирилиши керак.

Иситувчи радиаторлар одатда дераза тагига жойлаштирилади. Хоналарда фақат битта ёруғлик тушувчи оралик, у бир пайтда ҳам балкон эшиги вазифасини бажарганда, шунингдек радиаторларнинг зарур миқдордаги секциялари хонада мавжуд дераза остига сиғмаган бурчакдаги хоналарда деворга ўрнатиш рухсат этилади. Турар жой қурилишида, шунингдек деворларда тўсиқларда ёки устёпмаларда жойлаштирилган исситилувчи панеллар ёрдамида амалга ошириладиган иситиш тизими ҳам қўлланилган эди. Бундай панеллар кўпинча темирбетон плита ичига ўрнатиладиган пўлат трубалардан илон (изисимон) иситувчи элемент кўринишида тайёрланар эди.

Асосан кам қаватли уйларда қўлланиладиган хонадонма –хонадон бўйлаб иситиш тизимида ошхонага ёки уй ертўласига унча катта бўлмаган қозон ўрнатилади. Хоналарни иситиш марказий тизимидаги каби иситиш асбоблари ёрдамида амалга оширилади.

Саволлар

1. Хонадонлар ва уйларнинг архитектуравий ечимининг тежамкорлиги қандай аниқланади?
2. Мослашувчан режалаштириш имкониятлари – нимадан иборат?
3. Уйнинг тури хонадонларнинг режалаштирилишига қай тарзда таъсир кўрсатади?

Адабиётлар

1. М.О. Берш, М.В. Лисицин, С.П. Тургенев, Н.В. Фёдорова “Архитектурное планирование жилых зданий”. Издательство Литературы по строительству. Москва. 1964 г.
2. Ф.М. Фирсанов. Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климате. Москва. 1971 г.

9-МАВЗУ	Хонадонларнинг блок секцияларининг архитектура – фазовий тузулиши
----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Республика шаҳарларида қўлланиладиган турар жой уйларининг асосий турлари. 2. Уйларнинг секцияли турлари. 3. Уйларнинг дахлизли турлари. 4. Уйларнинг галереяли турлари 5.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни хонадонларнинг блок секцияларининг архитектура – фазовий тузулиши билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Республика шаҳарларида қўлланиладиган турар жой уйларининг асосий турлари ҳақида гапириб беради	Республика шаҳарларида қўлланиладиган турар жой уйларининг асосий турлари ҳақида билади
Уйларнинг секцияли турлари билан таништиради	Уйларнинг секцияли турлари билан танишади
Уйларнинг дахлизли турлари билан таништиради	Уйларнинг дахлизли турлари билан танишади
Уйларнинг галереяли турлари билан таништиради	Уйларнинг галереяли турлари билан танишади
Ўқитиш воситалари	маъруза матни, компьютар слайдлари, доска
Ўқитиш усуллари	ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш
Ўқитиш шакллари	жамоада ишлаш
Ўқитиш шароити	техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки савол-жавоб

1.2. “Хонадонларнинг блок секцияларининг архитектура – фазовий тузулиши” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Турар жой уйларининг қандай турлари мавжуд?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Республика шаҳарларида қўлланиладиган турар жой уйларининг асосий турлари ҳақида гапириб беради (3-илова). Уйларнинг секцияли турлари билан таништиради (4-илова). Уйларнинг дахлизли турлари билан таништиради (5- илова). Уйларнинг галереяли турлари билан таништиради (6- илова).	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўткази (7-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (8-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Республика шаҳарларида қўлланиладиган турар жой уйларининг асосий турлари.
2. Уйларнинг секцияли турлари.
3. Уйларнинг дахлизли турлари.
4. Уйларнинг галереяли турлари.

Таянч сўзлар

Турар жой, секцияли уйлар, дахлизли уйлар, галереяли уйлар

Республика шаҳарларида қўлланиладиган турар жой уйлари
асосий турлари

Турар жой бинолари турли хил об- хаво ва шаҳар қурилиши шароитида барпо этилади. Бу хажмий ва композицион ечимга таъсир кўрсатади. Биз, масалан асосан қурилатган биноларни камайитишимиз мумкин.

Периметри бўйича жойлаштирилган турар жой бинолари. Улар чизиқли шаклдаги турар жой биноларидан иборат. Улар ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, уларда берк ёки ярим берк ҳовлилар бўлади. Бундай турдаги қурилишнинг бошланиши бизнинг квартал бўйича (даҳа) қуришдан бошланган. Бундай турдаги уйлар собиқ иттифокда 20 йиллардан бери қурилиб келинади. Бу уйларда ўзига яраша камчилик мавжуд: шовқиннинг таъсири бўлиб, улар асосан фасади билан магистралга қаратиб қурилади. Биноларнинг бундай қурилиши шаҳарнинг яқка тартибдаги қурилишига таъсир кўрсатади.

Периметрли қурилиш ўрнига 70- йиллардан бошлаб, кварталли (даҳали) қурилиш қўлланила бошлади. Бундай турдаги қурилишни турли геометрик шаклда учратиш мумкин – “тўр” кўринишидаги қурилиш. У асосан кўп хонали уйлардан биттадан тўртагача тўсилган, секцияли, дахлизли ва галереяли уй турларидан яратилар эди. Ички ҳовлилар рекреация вазифасини бажарар эди. У асосан бир-икки қавтли блок-квартирали уйлардан, ўз ҳовлилари билан бирга яратилар эди. “Гиладель” қурилиш уйларида геометрик шакллар кўринишидаги, масалан, Г шаклидаги қурилиш яратилади. Мисол тариқасида қишлоқдаги ҳовли жой қурилишни келтириш мумкин.

Республика шаҳарларидаги қурилишларда қўлланиладиган турар жой уйлари асосий тури турли хил қаватлиликка эга кўп хонадонли уйлар ҳисобланади. Уларга секцион, дахлизли, галереяли нуқтали турдаги уйлар киради. Улар режалаштирилишига кўра бир нечта бир хил ёки ҳар хил секциялардан иборат ва бир-биридан қавати ва давомийлиги (узунлиги) бўйича фарқ қилиши мумкин.

Уйларнинг секцияли турлари

Секцияларнинг асосий кўринишлари - қаторли, четки. Ниҳоятда кам ҳолатларда шаҳар қурилиши шароитлари бўйича бурчакли уйлар ёки мураккаблаштирилган шаклдаги уйлар қурилишида бурчакли секциялардан фойдаланилади.

Республикадаги замонавий турар жой қурилишида қўлланиладиган секцияларнинг режали қурилиши жуда хилма хилдир. Ўзаро хоналарнинг ктталиги ва таркиби бўйича, қулайлик даражаси бўйича ва маиший хизмат кўрсатилиши бўйича техник жиҳозланганлиги ва ҳакозлар бўйича фарқ

килувчи хонадонлар ва секцияларни режалаштириш усуллари қурилишни амалга оширишнинг ва ҳаётнинг турли хил иқтисодий ва ижтимоий шароитларини ақс эттирувчи турли шароитларга боғлиқ.

Секция туридаги уйлар шу билан ўзига хоски, битта секциянинг барча хонадонлари (2,3,4,5,6) вертикал коммуникациялар бўғини атрофида - зинапоаялар ёки кўп қаватли уйларда зинапоаялар ва лифтлар атрофида гуруҳланади.

Хонадонга кириши зинапоая майдончалари орқали амалга оширилади. Секцияли уйлар ичидан бир секцияли уйлар алоҳида гуруҳга ажратилиши мумкин. Бир секцияли уйларда ташқи деворлар периметрининг нисбати орттирилиши ва шу муносабат билан инсоляция хонадонларни шамоллатиш шароитларининг яхшиланиши бундай уйлардаги хонадонларнинг режавий ечимлари учун алоҳида қулай шароит яратади.

Секцияларнинг архитектура – режавий ечимларини кўп даражада белгилаб берувчи шароитлардан бири секциядаги хонадонлар сони ҳисобланади.

Икки хонадонлисекциялар уйдаги барча хонадонларнинг икки томонлама мўлжалланиши билан тавсифланади, бу фаррон (тўғридан - тўғри) шамоллатишни ва қурилишда уйнинг истаган мўлжалдаги ҳар бир хонадоннинг яхши инсоляция шароитини таъминлайди (уйнинг эркин мўлжал олиниши).

Хонадонларнинг юқори санитария – гигиеник сифатлари туфайли бу турдаги секциялар қурилишда кенг қўлланилмоқда, айниқса, хонадонларни фаррон шамоллатиш жанубий туманларда мажбурий ҳисобланган. Икки хонадонли секцияларнинг режавий қурилиши симметрик бўлиши мумкин, бунда одатда, иккала хонадон симметрик ҳал қилинади ва носимметрик бўлиши мумкин.

Катталиклари бўйича ҳар хил бўлган носимметрик хонадонлар.

Хонадонлардан бирининг юзи иккинчисиникидан зинапоая катаги қаршисида жойлашган хона ҳисобига катта бўлади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, икки хонадонли секцияларда турар жой майдонининг нархи, одатда хонадонлари кўп миқдорда бўлган секцияга қараганда анча юқоридир. Бунинг сабаби, шу билан изоҳланадики, юзи икки, уч ва тўртхонадонли секцияларда бир хил бўлган ёки бироз ўзгарадиган зинапоаянинг қиймати турли миқдордаги хонадонларга тақсимланади.

Уч хонадонли секциялар.

Уч хонадонли секцияларнинг икки хонадонли секцияларга қараганда анча тежамкорлиги, айниқса унча катта бўлмаган хонадонларда ва ёруғлик томонлари бўйича уларда мўлжал олишнинг етарлича эркинлиги уларга бизнинг турар жой қуришимизда ҳам, хоржий турар жой қурилишида ҳам кенг тарқалишини таъминлади.

Тўрт хонадонли секциялар.

Инсоляция шароитларига кўра хонадонли секциялар икки асосий гуруҳга бўлинади:

- Мўлжал олиш чекланган секциялар (хонадонлар шарққа ва ғарбга томон йўл қўйиладиган нормалар чегарасида оғиш билан мўлжал олинган). Лойиҳалаш амалиётида бундай секциялар меридионал деб аталади. Бундай секциялар ташкил этилган уйларнинг бўйлама ўқи йўналиш меридианларнинг йўналиши билан мос тушади ёки унга яқин;

- Мўлжаланиши қисман чекланган секциялар, уларда фасадлардан бири горизонтнинг шимолий қисмига мўлжал олинмаслиги керак. Тўрт хонадонли секцияларнинг асосий камчилиги – кўп сондаги хонадонларни форрон шамоллатишнинг мавжуд эмаслиги ва бу секцияларнинг икки ва уч хонадонли секцияларга нисбатан шаҳар қурилиши мoneвpлигининг камлигидир.

Четки ва бурчакдаги секциялар.

Турар жой уйларининг четки секциялари оддийларидан шу билан фарқ қилади, уларда иккита ўринга учта ташқи девор бўлади. Бу секциялар турлича ҳал этилади.

1. Оддий секцияларнинг режавий ва конструктив ечимларини тўла такрорлайди, фақат ташқи четки деворининг конструкциясини ўзгартириш билан чекланилади. Уйнинг четки девори берк, дераза ўринларисиз ёки уйнинг четида жойлашган хонадонларнинг хоналари ёритилганлигини яхшиловчи деразали қилиб ишланади.

Бундай ечимларнинг афзалиги уйнинг барча секциялари конструктив ечимларининг ягоналигини янада тўлароқ сақлашдир.

2. Четки секцияларда ташқи периметрнинг катталаштирилишидан фойдаланиб, оддий секцияларнинг режаланишини ўзгартирадилар. Четки деворлар ёнида жойлашган хонадонларда оддий секция гоборитлари сақланган ҳолда хоналар сони орттирилиши мумкин.

Мураккаб конфигурацияли секциялар.

Кўпчилик хонадонларни форрон ёки бурчакли шамоллатиш сақлаб қолиш билан секциялардаги хонадонлар миқдорини ошириш учун, улар инсоляциясини яхшилаш учун, шунингдек қурилишнинг аниқ шароитларидан келиб чиқадиган мулоҳазалар бўйича бир қатор ҳолатларда секцияларнинг мураккаб конфигурацияси қўлланилади.

Мураккаб конфигурацияли секцияларда хонадонлар сони ҳар қилиб қабул қилинади.- бинонинг қаватлигига, уйлар мўлжал қилинган участкаларда турар жой уйларининг жойлаштирилишига ва ҳақозоларга боғлиқ ҳолда участкадан ёки етти –саккизтагача қабул қилинади. Масалан, уч турли ва149 секциялар қаватдаги турар жой майдонини оширишга имкон берувчи тўртта –олтита ва ундан ортиқ хонадонлар билан, нисбатан кичикроқ давомийлигида асосан лифтлар билан жиҳозланган кўп қаватли уйларни қуриш учун фойдаланилади.

Т – симон ёки уч нурли конфигурациядаги уч хонадонли секциялар хонадонларнинг шамоллатилиши ва инсоляцияси учун қулай шароитларни таъминлайди. Табиий ёритишдан маҳрум бўлган секцияларнинг марказий зонасида оддатда вертикал коммуникациялар бўғини ва қаватлараро вестибюллар жойлаштирилади, бу секцияларнинг бутун ташқи периметрининг

турар жой хоналарининг жойлаштириш учун самарали фойдаланишга имкон беради. Бундай секцияларнинг камчилиги йиғма конструкцияларда амалга ошириш қийин бўладиган уларнинг конструктив схемасининг мураккаблиги, шунинг уларда жойлашган турар жой хоналарининг қоронғилаштирувчи, кирувчи бўғинларининг мавжудлигидир.

Келтирилган мисоллардан кўринадик, кўпчилик зинапоялар, шунингдек хонадонларнинг бир қатор хоналари мураккаб шаклга эга, бу эса одатдаги секцияли уйларда қўлланиладиган умумий элементлардан фойдаланишга имкон бермайди. Кўпинча бу турдаги бинолар монолит конструкцияларда бажарилади.

5-илова

Уйларнинг дахлизли турлари

Дахлизли турдаги турар жой уйлари учун очик зинага чиқишини дахлиз бўйлаб, зинапоя-лифт бўғинидан ўтиб ўрнатиш лозим.

Дахлизли (коридорли) ва галереяли уйлар хонадонларга киришларни ҳар бир қаватдаги дахлизлар ва галереялардан қуриш билан тавсифланади, бу эса хонадонларни режалаштиришнинг ўзига хос характериға олиб келади. Бу турдаги уйлар асосан унча катта бўлмаган хонадонли қилиб лойихаланади. Галереяли уйлар машқ ва иссиқ об-ҳаволи жойларда кўпроқ қўлланилади, чунки уларда барча хонадонларни форрон шамоллатиш таъминланади.

Дахлизли (коридорли) уйлар.

Дахлизли уйлар хонадонлар уларни бир, икки ёки ундан кўпроқ зинапоялар билан бирлаштирувчи дахлиз бўйлаб жойлаштирилган. Зинапоялар орасидаги масофа ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мос бўлиши керак.

Турар жой хоналари эшикларидан ташқарига чиқиш жойигача ёки зинапоя катагигача йўл қўйиладиган энг катта масофа, шунингдек зинапоялар миқдори ва зинапоя мортларининг йиғинди эни нормалар билан белгиланади.

Дахлизли уйлар асосан кам оилали ва яккалар учун унча катта бўлмаган хонадонларни жойлаштириш учун, шунингдек кўп қаватли биноларда катта ўлчамли хонадонларни жойлаштиришга мўлжалланади. Турар жой уйларини режалаштиришнинг дахлизли тизими ниҳоятда кўп қаватли (тўққиз қаватдан ортиқ бўлганда) айниқса, тежамлидир, норма бўйича ҳар бир хонадон икки зинапояга чиқадиган йўлга эга бўлиши ва иккита лифт хизмат қилиши талаб этилади. Беш қаватгача бўлган уйларда бу усул бир ёки икки кишини жойлаштиришга мўлжалланган унча катта бўлмаган хонадонларни жойлаштиришда мақсадга мувофиқдир.

Дахлизли уйларнинг камчилигига хонадонларнинг секцияли уйларга нисбатан изоляцияланганлиги камлиги киради. Дахлиз шовқин манбаи ҳисобланади, шунинг учун турар жой хоналарининг товуш изоляциясига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Уйларнинг галереяли турлари

Галерияли уйларда хонадонларга кириш бир ёки бир неча зинапоё бўйлаб кетувчи очиқ галереялардан қилинади, кўп қаватли уйларда эса шунингдек лифтлардан қилинади. Галереяли уйларнинг қўлланилиши асосан юмшоқ ёки илиқ об-ҳаволи туманлар билан чекланади. Галереяли уйлар бир қатор афзалликларга эга:

- битта ёки иккита лифтли зинапоёлар жуда кўп миқдордаги хонадонларга хизмат қилиши мумкин, галереяларнинг қисмати эса нисбатан катта эмас;

- кўп қарра такрорланувчи режавий бирликлардан иборат конструктив схемаларнинг оддийлиги; бунда зинапоё тшрлари ва лифтларнинг бино габаритлари ташқарисига чиқариш мумкин;

- фаррон шамолатиш ва турар жой хоналарининг дунё томонлари бўйича қулай мўлжалланиши таъминланган хонадонларнинг юқори санитария техник сифати, бу об-ҳавоси иссиқ ва нам бўлган туманлар учун айниқса муҳимдир;

- галерея томонидан асосан фақат ёрдамчи хоналарни: киравериш, ошхона, турар жой хоналарини эса қарама-қарши томонга жойлаштиришга имкон берувчи хонадонларни қулай ва тежамли режалаштириш. Кўпчилик ҳолларда санитария бўғинини табиий ёруғлик билан ёритиш ва унинг яхши шамоллатишишини таъминлаш имконияти мавжуд бўлади.

- Баландлиги тўрт қаватгача бўлган даҳлизли ва гелерияли турдаги турар биноларида ҳар бир қавтдаги хонадонларнинг умумий майдони 500 м^2 ва ундан ортиқ бўлганда умумий даҳлизларнинг (гелереяларнинг) ташқи ёнғинга қарши нарвонларга чиқишни назарда тутиш керак.

Даҳлиз ва галереяли уйларда зинапоё катаклари ва лифт холлари эшик ёнлари зичлаштирилган ёпқичлар билан жиҳозланган эшиклар билан ажралиши керак.

Қаватлилиги бўйича шаҳар типдаги турар жой бинолари учта асосий гуруҳга бўлинади: кам қаватли (бир, икки, уч қаватли) ва кўп қаватли (Тўрт, тўққиз қаватли) ва жуда баланд қаватли уйлар (ўн ва ундан юқори). Турар жой биносининг қаватлилиги биноларнинг архитектура – режавий ва конструктив ечимига, шунингдек қўлланилаётган қурилиш материалларини танлашга таъсир қилади. Турар жой уйининг қаватлари сонига боҳлиқ ҳолда ҳозирги вақтда ҚМК 2.08.01-94 қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК) билан тартибга солинувчи архитектура – гигиеник талаблар ўзгаради. Турар жой уйларининг режавий ва хажмий – фазовий ечимига, биринчидан, ёнғинга қарши талаблар, ва иккинчидан, лифтларнинг мавжудлиги энг жиддий таъсир кўрсатади. Беш ва ундан юқори қаватли турар жой биноларида ва икки қаватдан уйларида қариялар ва ногиронлар учун лифтлар назарда тутилиши керак. Лифтларнинг машина хонасини бевосита турар жой хоналари устига,

шунингдек уларнинг ёнига жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Лифтларнинг шахталари турар жой хоналар ёнига жойлаштиришмаслиги керак.

Ҳар бир лифт қурилмаси махсус шахтага эга бўлиши керак. Ҳар бир хонадонга одамларни ва юкларни (шу жумладан замбилда касалларни) ташишга яроқли кириш таъминланиши керак битта ёки ундан ортиқ лифтда.

Етти ва ундан ортиқ қаватлибинолар ва баландлиги уч ва ундан ортиқ қаватли қариялар ва ногиронлар уйлари ахлатни тушурувчи қувурлар билан жиҳозланиши керак. Ахлат ташкичларнинг қувури ҳаво ўтказмайдиган, товуш чиқармайдиган бўлиши керак ва турар жой хоналарига яқин бўлмаслиги керак. Шаҳар қурилишида конструктив ечими унча мураккаб бўлмаган, тежамли ва мисол учун зарур қулайликларни таъминловчи, тўрт, беш қаватли уйлар энг кўп тарқалган. Бундай уйлар қурилиш майдонидан ва ер ости коммуникацияларидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Жуда баланд уйлар (ўн қаватли ва ундан юқори) жадал қурилиш амалга ошириладиган ва муҳандислик иншоатлари ва коммуникациялари ривожланган, ободонлаштирилган катта шаҳарларда қўлланилади.

Юқори қаватли шаҳар қурилишида худуд қисқаради ва коммунал транспорт ва ободонлаштириш қийматлари пасаяди, бу шундай турдаги уйларнинг анча юқори қурилиш қийматини қоплайди. Кўп қаватли (ўн қаватли ва ундан юқори) қуриш ҳам эски шаҳарларнинг турар жой даҳаларини қайта қуришда мақсадга мувафиқдир, бунда мавжуд турар жой фондини бутунлай йўқ қилиш талаб этилади (қурилишни зичлаштириш, зарур жамоат иншоатларини жойлаштириш ва худудни кўкаламзорлаштириш учун). Кўп қаватли бинолар шунингдек қурилишнинг ўртага зичлигини ошириш учун кам қаватли уйлар билан бирга қўшилиб кам қўлланилади. Турлича қаватли уйлар билан аралаш қуришнинг бундай тизими кейинги йилларда шаҳарлар қурилишида кенг қўлланилмоқда.

Жуда баланд қаватли турар жой бинолари одатда йўловчилар ва юк ташувчи лифтлар, ахлат туширгичлар ва ёнғинга қарши нарвонлар билан жиҳозланиши керак.

7-илова

Саволлар

1. Уйларнинг қандай турлари кўп қаватли, кўп хонадонли уйларга киради?
2. Секцияли уй галерияли уйдан нимаси билан фарқ қилади?
3. Беш ва ундан баланд қаватли турар жой бинолари билан қариялар ва ногиронлар учун икки қаватдан ортиқ қаватли уйлар ўртасида қандай умумийлик бор?

8-илова

Адабиёт

1. М.О. Берш, М.В. Лисицин, С.П. Тургенев, Н.В. Фёдорова
“Архитектурное планирование жилищ зданий”. Издательство
Литературы по строительству. Москва. 1964 г.
2. Ф.М. Фирсанов. Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климате. Москва. 1971 г.

10-МАВЗУ	Хонадонларнинг ҳажмий – фазовий тузилмаси. Хона интерьери асоси
-----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Хонадонни яхши режалаштириш - қулай турар жой асоси 2. Интерьернинг бадиий бирлигини яратиш усуллари. 3. Умумий хона. 4. Ётоқхона. 5. Ёрдамчи хоналар
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни хонадонларнинг ҳажмий – фазовий тузилмаси ҳамда хона интерьери билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Хонадонни яхши режалаштириш - қулай турар жой асоси эканлигини исботлайди	Хонадонни яхши режалаштириш - қулай турар жой асоси эканлигини ҳис қилади
Интерьернинг бадиий бирлигини яратиш усуллари билан таништиради	Интерьернинг бадиий бирлигини яратиш усуллари билан танишади
Умумий хона интерьери бўйича тавсиялар беради	Умумий хона интерьери бўйича ўз тавсияларини беради
Ётоқхона интерьери бўйича тавсиялар беради	Ётоқхона интерьери бўйича ўз тавсияларини беради
Ёрдамчи хоналар интерьери бўйича тавсиялар беради	Ёрдамчи хоналар интерьери бўйича ўз тавсияларини беради
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>оғзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Хонадонларнинг ҳажмий – фазовий тузилмаси. Хона интеръери асоси” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Хона интеръери қандай бўлиши керак?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Хонадонни яхши режалаштириш - қулай турар жой асоси эканлигини исботлайди (3-илова). 2.4.Интеръернинг бадий бирлигини яратиш усуллари билан таништиради (4-илова). 2.5.Умумий хона интеръери бўйича тавсиялар беради (5- илова). 2.6. Ётоқхона интеръери бўйича тавсиялар беради (6- илова). 2.7. Ёрдамчи хоналар интеръери бўйича тавсиялар беради (7-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (8-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (9-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Хонадонни яхши режалаштириш - қулай турар жой асоси
2. Интеръернинг бадий бирлигини яратиш усуллари.
3. Умумий хона.
4. Ётоқхона.

5. Ёрдамчи хоналар.

2-илова

Таянч сўзлар

Хонадонни режалаштириш, интерьер, бадий бирлик, умумий хона, ётоқхона, ёрдамчи хоналар.

3-илова

Хонадонни яхши режалаштириш - қулай турар жой асоси

Турар жой биноларини блок-хонадонлар, блок-секциялар асосида амалга ошириш лозим бўлиб, уларнинг номенклатураси турли хил оилаларини жойлаштириш учун хонадонлар турларининг зарур тўпламини таъминлаши ва шаҳар қурилиши талабларига мос ҳолда тура ржой қурилиши ҳажмий-композицион тузилишининг шаклланишига имкон бериши керак. Блок секциялар қаватликка ва қурилишдаги аҳамиятига (магистрал, даҳалчи, урғу бериладиган, шовқиндан ҳимояланган, чанг-шамолдан ҳимояланган ва ҳакозолар) мувофиқ ҳажмий режавий ечимлар бўйича табақалаштирилади. Ёрдамчи хоналарнинг эни камида: ошхона, жиҳозлар икки ва бир томонлама жойлаштирилганда - 1,9 м, киравериш (йўлак) – 1,6 м, тура ржой хоналарига олиб борувчи даҳлизлар – 0,9 м, ҳожатхона – 1,1 м.

Ногиронлар бўлган оилалар учун хонадонлар ёрдамчи хоналарнинг эни камида: ошхона – жиҳозлар икки томонлама жойлаштирилганда - 2,7 м, киравериш ва даҳлизлар – 1,8м, қўл ювгичи бўлган ҳожатхона – 1,65м.

Хоналарнинг полдан шипгача бўлган баландлигини камида: I – II зона шапоитида - 3м, III зонада - 2,7м (қаватлар баландлиги полдан шипгача мос равишда 3,3м ва 3,0м) деб қабул қилиш мумкин.

Ҳожатхона ва ваннахонанинг баландлигини полдан шипгача камида 2,4 м қилиб назарда тутиш лозим. Уйнинг тузилиши ва саришталиги ечими уй лойиҳасини яратувчи архитекторга ҳам, бу лойиҳани ҳаётга татбиқ қилувчи қурувчига ҳам, шу уйда яшовчи одамларга ҳам боғлиқ бўлган бутун бир масалалар мажмунга боғлиқ. Хонадонни яхши режалаштириш - ободонлаштирилган турар жой асосидир. Архитектор лойиҳалашда хонадонда яшаш мўлжалланган оиланинг тақдим этиладиган таркиби ва миқдорини ҳисобга олиб, хонадоннинг турар жой ва ёрдамчи хоналарининг жойлашуви ва ўлчамларини аниқлайди. У ҳар бир хонадон етарлича қуёш нури ва тоза ҳаво олиши учун дунё томонлари бўйича уйнинг энг қулай жойлашишини мўлжаллаб танлайди. Хонанинг яхши нисбатлар, ойна ўрнининг чиройли шакли унинг композициясининг архитектуравий асоси ҳисобланади. Эшик ва деразаларни жойлаштиришда архитектор хонадонни режалаштириш лойиҳасида тўсиқ деворларининг ўлчами мебелни жойлаштириш учун қулай бўлишини, хоналар ўртасидаги эшикларни эса очишда ва ёпишда эркин ўтиш учун ҳалақит бермайдиган бўлишни кўза тутди.

Бироқ хонадонни қулай режалаштириш ва унинг мақсадга мувофиқ жиҳозланиши – турар жой уйини ички ободонлаштиришнинг мураккаб мажмуннинг фақат бир қисмидир. Оиланинг эҳтиёжлари шу қадар хилма – хилки, уйни қуришда ва хонадонни жиҳозлашда ҳаммасини тўла ҳисобга олиш мумкин эмас.

Хонадон интерьерни композициясининг хусусиятлари шундан иборатки, уни яратишда касбий билим ва малакаларга эга бўлган архитектор ва ўз эҳтиёжлари ҳамда дидларга кўра хонадонни безайдиган унинг эгалари иштирок этади.

4-илова

Интерьернинг бадий бирлигини яратиш усуллари

Архитектор интерьерни яратишнинг биринчи босқичида – хонадоннинг режавий лойиҳасини ва ҳажмий – фазовий ечимини ишлаб чиқишда уни жиҳозлашда ва пардозлашда иштирок этади. Хонадонларни лойиҳалашда функционал бадий жиҳатларига ва одамнинг яшаши учун қулайликлар яратишга эътибор бериш керак.

Одамнинг ҳохишига боғлиқ ҳолда хонанинг интерьерни ҳам ўзгаради. Интерьер лойиҳаси оддий архитектура ечимларида берилади. Аммо уни ҳаётга татбиқ этишда ҳар бир деталга катта аҳамият берилади. Хонада композицион муҳит яратилади. Бу муҳитда архитектор ўзини эркин ҳис эта олмайди, чунки у аниқ бир бинода аниқ масалани ҳал этади. Архитектор ҳудудлар хусусиятларини ҳисобга олмасдан иложи йўқ. Турли хил жойлаштириш усуллари ва шароитни ўзгартирадиган буюмларни қўллатиб, архитектура ва интерьердаги ҳамда унинг айрим элементларидаги камчиликларни тузатиш мумкин. Масалан, узун хонада девор ва шипнинг рангидан усталик билан фойдаланилганда, мебелларни мақбул тарзда жойлаштирилганда хонанинг эни ва баландлигининг кўринма идрок қилиш анча яхшиланиши мумкин. Ойна пардалари тор ойна ўрнини анча кенг қилиб кўрсатишга имкон бериши мумкин.

Уй жиҳозлари воситаларининг барча деталларини танлашда оиланинг ҳаёти кечадиган уйғун муҳитни яратиш ҳам боғлиқ. Турар жойни жиҳозлашда вужудга келадиган муаммолар жуда кўп ва хилма-хилдир, улар хоналарнинг хусусияти ва ўлчамларига боғлиқ бўлади. Хонадоннинг мебель ва бошқа буюмлар билан жиҳозлаш аввало улардан қулай фойдаланиш талабларига жавоб бериши керак. Бироқ хоналарнинг ҳолати фақат, фойда олишни кўзда тутиб жиҳозланмаслиги керак. Шароитнинг айрим элементларини ва зеб-зийнат буюмларини синчиклаб танлаб, оддий воситалар билан уларнинг бадий бирлигига эришиш мумкин. Баъзида шакли бўйича рддий ва бир қарашда қизиқарли бўлмаган хонада муваффақиятли жойлаштирилган жиҳозлар бу бирликни яратишга ёрдам беради. Бундай буюмлар тарзида диван ёнидаги тумбочкалар, журнал столчаси, дераза олдида гуллар учун жовонлар бўлиши мумкин. Ҳар қандай буюм ўлчамлари ва вазифасидан катъийназар интерьернинг умумий композициясига бўйсиниши керак.

Интерьернинг бадиий бирлигини яратишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Улардан бири интерьернинг барча элементларини композицион марказ атрофида бирлаштиришдир. Бундай композицион марказ декоратив мотом билан тўсилган катта ойна ёки мебеллар гуруҳи – диван иккита креслоси билан бирга ерга тушалган унча катта бўлмаган гилам, ҳамда чиройли торшер билан, пост сервант ёки стол тепасига осилган бадиий панно ёки катта картина (сурат) бўлиши мумкин.

Интерьерда ажойиб декоратив сифатларга эга бўлган битта эмас, балки кўпроқ композиция марказидан фойдаланиладиган усул ҳам бўлиши мумкин, бунда ранг ва нақшни тегишлича танлаб олиш йўли билан уйғунлик, тинчлик, хурсандчиликнинг умумий муҳит яратилади. Бу ҳолатда асосий декоратив воситалар ёруғлик гаммаси ва айрим унча катта бўлмаган деталларни синчиклаб танлаш ҳисобланади: - юмшоқ туслар ёки деворлар ранги, пардалардаги майда зўрға кўзга кўринадиган нақшлар ёки пардозлаш ва декоратив материалларнинг офодали расмлари. Хонани ёки хонадонни мебель ёки турмушга керакли турли хил буюмлар билан тўлдириб ташламаслик керак, уни иложи борича ортиқча буюмлардан бўшатиш лозим. Интерьерни қуришнинг асоси бўлиб ҳисобланган ва жиҳозлар ва зеб-зийнат буюмларидан энг йирикларини аниқлаб олиш лозим – диван, китоб жовони, сервант – ва уларнинг ўзаро жойлашувини яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

Интерьернинг умумий композициясини таъкидловчи хонани безатишга қўшимча равишда унча катта бўлмаган картиналар (суратлар) декоратив хайкаллар, хизмат қилиши мумкин бўлиб, улар учун энг қулай жойни ва муҳитни (табиий ва сунъий ёритишни ҳам ҳисобга олиб) танлаш лозим.

5-илова

Умумий хона

Замонавий хонадонда ўзгариб бораётган турмуш тарзига мос келувчи турар жой майдонидан мақсадга мувофиқ фойдаланишининг янги анъаналари акс этмоқда. Энди етарлича кенг хонадонларда ҳам умумий хонани алоҳида хона сифатида ажратилмайди. Умумий хона ўзида овқатхонани, меҳмонхонани ва машғулотлар учун хонани мужассам этади.

Умумий хона - бутун оила тўпланадиган жой ва шунинг учун ҳам мебелни танлашда оиланинг ҳар бир аъзоси учун жойнинг назарда тутиш керак: - ёзадиган ва бошқа машғулотлар учун ёзиш столи, қўлда тикиладиган ишлар учун столча ва қулай кресло ва ниҳоят оиланинг кичик аъзолари учун бурчак.

Китобларни сақлаш учун шкафлар (жовонлар)дан ташқари диван тепасига ёки ёзиш столи тепасига осилган полкалар (токчалар) хизмат қилиши мумкин. Китоблар хонада кундузги ёруғлик билан энг яхши ёритилган жой болалар бурчаги учун ажратилиши керак, у ерда бола дарсини тайёрлаши ва ўйнаши мумкин. Энг кўп эркинлик ҳиссини яратиш учун хонада ёғочнинг оч тусларига афзаллик бериш лозим, улар мебелга юмшоқлик ва гўзаллик ҳиссини таъкидлайди. Хонада қандай мебель бўлишидан қатъий назар, у замонавий бўладими ёки қадимги даврдаги бўлиши барибир, бутун буюмлар

таркибини мебеллар жиҳозидаги буюмлар учун “тус”ни ташкил этувчи аитрофдаги умумий манзара каби синчиклаб танлаб олиш лозим.

Мебелни жойлаштиришда фақат хонанинг вазифасигина эмас, балки унинг ўлчамлари ва режадаги шакли, эшик ва дераза ўрни оралиғидаги деворларнинг ўлчамлари ҳисобга олиниши керак. Хонадондан фойдаланиш ва майдонларни тежаш нуқтаи назаридан сурилувчи ва йиғилувчи эшиклар ва ўзгартирилувчи тўсиқлар анча қулайдир, лекин улар ҳозирча оммавий турар жой қурилиши амалиётида ҳам кенг қўлланилаётганича йўқ.

Йиғилувчи эшикни умумий хона билан ошхона – овқатхонанинг, овқатланиш столи турган қисми орасига ўрнатиш мумкин, ундан ошхона – овқатхонани ошхонага ва овқат истеъмол қиладиган жойга ажратиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай йиғилувчи эшикларнинг қўлланилиши айнан бир хил хоналарни турли вазифалар учун фойдаланиш имконини беради.

6-илова

Ётоқхона

Замонавий хонадонда ётоқхона учун одатда унча катта бўлмаган хона ажратилади. Албатта, унда ухлаш ва қулай дам олиш учун мўлжалланган мебель жойлаштирилиши керак. Агар жой имкон берса, у ҳолда икки кишилик кроват ёки иккитк бир кишилик кроват бош томони девор томонга қилиб шундай жойлаштириладики, бунда кроватга икки томондан ўтиш мумкин бўлсин. Бу гигиена талабларига энг маъқул тарзда жавоб беради. Кичик хонада иккила кроватни девор бўйлаб жойлаштиришга тўғри келади. Ётоқхона режасига боғлиқ ҳолда кроватларни ёки битта девор бўйлаб, ёки икки девор бўйлаб тўғри бурчак остида ўрнатиш мумкин.

Агар ётоқхонада болалар кровати ҳам ўрнатилган бўлса, унинг учун кундузги ёруғлик билан яхши ёритилган жой ажратилган бўлиши керак. Шу билан бирга болалар кровати жойи тез ўзгартириладиган бўлиши ва уни елвизакдан ҳимоялаш лозим. Унча баланд бўлмаган тўсиқ (ширма) билан ажратиладиган болалар кровати ётоқхона интерьеридида чиройли декоратив элементи бўлиши мумкин.

Болалар кроватчаси ёнига ткмбочка ёки болалар буюмлари учун унча катта бўлмаган шкафча ва куфей ёки стулга қўйиш мумкин. Деворга битта ёки иккита ёрқин сурат илиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

7-илова

Хонанинг ёрдамчи хоналари

Хонадонга кираверишда жойлашган даҳлизнинг безатилиши ва жиҳозларига хонадоннинг интерьеридидаги биринчи тассурот умуман боғоик бўлади.

Киравериш қисқа вақт давомида бўладиган жой бўлганини ҳисобга олиб, унда деворларнинг анча ёрқин бўёқларга бўялишига ва жадал нақшли гулқоғоздан фойдаланиш мумкин, яъни умумий хонада ёки ётоқхонада чарчатадиган ва ғашга тегадиган бўлиб кўринадиган усулларни қўлланиш

мумкин. Полга кичкина гиламча ёки йирик ёрқин нақшли гилам тўшаш мумкин.

Кираверишда албатта кўзгу бўлиши керак. У қанча каттга бўлса, шунча яхши, чунки у бу унча катта бўлмаган хонанинг ўлчамларини кўзга катталаштириб кўрсатади.

Ошхона. Ошхонада уй бекаси ўзининг кўпроқ вақтини ўтказди, шунинг учун ошхона гигиена ва иш қулайлигининг барча талабларига жавоб берибгина қолмай, балки жозибадор ва жалб қилувчи кўринишга эга бўлиши керак. Айрим эски уйларда кўпинча етарлича кенг, лекин ёмон жиҳозланган жозибасиз ғамгин ошхоналар учрайди. Уй бекаси ўзи меҳнат қилаётган бундай қаровсиз, зерикарли ҳолатни ёки сезмайди. Ёки бу хонани маълум даражада безашга биров ҳаракат қилиш кераклигини ҳоҳламайди.

Бундай ошхоналарда деворлар стол – стуллар ва жавонлар бўғиқ тўқ рангларга бўялган бўлади. Шипнинг марказида ҳеч нарсадан ҳимоя қилинмаган лампочка фақат иш столинигина эмас, балки бутун ошхонани ҳам ёмон ёритади.

Шундай хонадонлар ҳам борки, унда уй бекаси унинг ошхонаси кичик лаборатория кўринишига эга бўлишига интилади. Оқ кафель деворлар сиртининг ярқираб турувчи жуда тозалиги, столдаги оқ дастурхон, ойна билан тўсилган ва оқ пардалар илинган полколар (шкафлар) ошхонанинг бутун ҳолатига жиддий тозалик хусусиятини беради.

Шу билан бирга, айнан шу ерда уй бекаси кўп маблағ сарфламасдан мумкин бўлган барча экспериментларни ўтказиши; деворларга турли хил ранглар аралашмасидан идиш – товоқлар рангини ва бошқа хўжалик буюмларини танлаб олиши мумкин.

Ваннахона. Ваннахонани безатишда ва жиҳозлашда оч тоза тусли безовчи материаллардан фойдаланиш лозим. Ваннахона деворлари ва унда жойлашган буюмларни ноаниқ сариқ ёки кирчил кулранг рангга бўяшнинг зарурати йўқ. Ваннахона учун қўйидаги ранглар танлаб олиниши мумкин; лимонсариқ, кўк ва оч тусдаги пушти ранглар.

Агар ваннахона деворлари оқ керамик плита билан қопланган бўлса, у ҳолда бу биров бир хил тусдаги сиртки жонлантириш учун ёрқин рангли фриз қилиш мумкин.

Ўрнатилган шкафлар. Янги уйлардаги кўпчилик хонадонларда турли кўринишдаги ўрнатилган шкафлар мавжуд бўлиб, улар асосан қўйлақлар ва чойшаблар учун, ҳамда, хўжалик буюмлари учун шкафлардан ташкил топган бўлади. Пардозлашнинг оддий усуллари ёрдамида уларга декоратив сифат бахш этиш мумкин ва интерьернинг умумий композициясига киритиш мумкин. Янгича турдаги хонадонларда ўрнатилган (қурилган) шкафлар ёки шкаф гардероблар одатда стандарт шаклдаги ва безакдаги бир табақали ёки икки табақали эшикка эга. Бу эшикни декоратив ечимининг энг яхши усули уни қўшни хонага кирувчи эшик рангида бўяш ҳисобланади. Агар ётоқхонада ўрнатилган шкаф бўлса, унинг эшигига кўзгу осиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Кўзгунинг эни ва бўйи бўйича ўлчамлари эшик ролотноси

ўлчамларига мос бўлиши керак. Кўзгу тагига чўтка ва бошқа кичик ўлчамли буюмлар учун унча катта бўлмаган токча ўрнатиш мумкин.

Ўрнатилган шкафнинг чуқурлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг ичига шкафнинг эшиги очилганда ёнадиган, ёпилганда ўчадиган қилиб ёриткич лампочкасини ўрнатиш тавсия этилади.

8-илова

Саволлар

1. Ободонлаштирилган турар жойнинг асоси нимада?
2. Хона интеръерининг композицион маркази нима бўлиши мумкин?
3. Интеръернинг ечимини ҳал этишда умумий хона қандай имкониятларга эга.

9-илова

Адабиёт

1. М.О. Берш, М.В. Лисицин, С.П. Тургенев, Н.В. Фёдорова
“Архитектурное планирование жилых зданий”. Издательство
Литературы по строительству. Москва. 1964 г.
2. О.Т.Баер., М.В.Блашкович. Квартира и её убранство. Государственное
издательство литературы по строительству архитектуре и
строительных материалов. Москва. 1962 г.

11-МАВЗУ	Турар жой бинолари композицион ечимига об-ҳаво шароитларининг таъсири. Хонадон ва об-ҳаво
-----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Оммавий турар жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари. 2. Уй ички тузилмаси ташқи шакллари унинг режаланишига, конструкцияларига ва материалларига органик мослиги. 3. I – II – III - қурилиш об-ҳаво зоналаридаги турар жой биноларини архитектура режалаштиришни ташкил этиш
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни турар жой бинолари композицион ечимига об-ҳаво шароитларининг таъсири ҳамда хонадон ва об-ҳавоси билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Оммавий турар жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиради	Оммавий турар жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиради
Уй ички тузилмаси ташқи шакллари унинг режаланишига, конструкцияларига ва материалларига органик мослиги ҳақида гапириб беради	Уй ички тузилмаси ташқи шакллари унинг режаланишига, конструкцияларига ва материалларига органик мослиги ҳақида гапириб беради
I – II – III - қурилиш об-ҳаво зоналаридаги турар жой биноларини архитектура режалаштиришни ташкил этиш бўйича тавсиялар беради	I – II – III - қурилиш об-ҳаво зоналаридаги турар жой биноларини архитектура режалаштиришни ташкил этиш бўйича тавсиялар беради
Ўқитиш воситалари	маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
Ўқитиш усуллари	ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш
Ўқитиш шакллари	жамоада ишлаш
Ўқитиш шароити	техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	огзаки савол-жавоб

1.2. “Турар жой бинолари композицион ечимига об-ҳаво шароитларининг таъсири. Хонадон ва об-ҳаво ” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Турар жой бинолари композицион ечимига об-ҳаво қандай таъсир этади?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Оммавий турар жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиради (3-илова). Уй ички тузилмаси ташқи шакллари унинг режаланишига, конструкцияларига ва материалларига органик мослиги ҳақида гапириб беради (4-илова). 2.5. I – II – III - қурилиш об-ҳаво зоналаридаги турар жой биноларини архитектура режалаштиришни ташкил этиш бўйича тавсиялар беради (5- илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (6-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (7-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Оммавий турар жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Уй ички тузилмаси ташқи шакллари унинг режаланишига, конструкцияларига ва материалларига органик мослиги.
3. I – II – III - қурилиш об-ҳаво зоналаридаги турар жой биноларини архитектура режалаштиришни ташкил этиш.

2-илова

Таянч сўзлар

Оммавий турар жой архитектураси, уй ички тузилмаси, ташқи шакл, органик мослик, об-ҳаво зоналари.

3-илова

Оммавий турар жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари

Қурилиш жойининг об –ҳаво шароитлари турар жой ечимига доимо жиддий таъсир этиб келган. Ҳажмий – режавий ечимларнинг жуда хилма – хиллиги билан фарқ қилувчи халқ турар жойлари турлари, аввало республиканинг ва унинг айрим туманларининг табиий об – ҳаво шароитларига боғлиқ бўлиб, шу билан бир вақтда халқнинг маданий даражасига, унинг миллий-турмуши анъаналарига ва техник жиҳатидан ривожланишига мос келар эди.

Жанубий туманларда турар хоналарининг микромуҳитини яхшилаш учун куёшдан ҳимояловчи воситалар хоналарни тўғридан тўғри куёш нурларининг тушишидан ҳимояловчи, лекин хоналарни шамоллатишга қаршилик кўрсатмайдиган кичик соябонлар, жалюзи ва вертикал шитлар ўрнатилади. Ташқи деворларнинг ранги ҳам турар жой хоналарини қизиқ кетишидан ҳимоя қилиш учун жуда катта аҳамиятга эга оч совуқ тусдаги бўёқ юқори қайтариш коэффицентига эга ва хонадонларнинг микро муҳитини яхшилашга имкон беради. Қурилиш амалга оширилаётган жойининг табиий об-ҳаво шароитлари ҳам турар жой биноларининг конструкциясига таъсир қилади. Масалан, ташқи тўсиқларнинг ўлчамлари, материали ва конструкцияси ташқаридаги ҳавонинг минимал температурасига мувофиқ белгиланадиган зарур термин қаршилик коэффицентига боғлиқ: пойдеворларнинг чуқурлиги тупроқнинг музлаш чуқурлиги билан ва ҳакозолар.

Турар жой районлари ва микрорайонларининг архитектура режавий ечимида асосий вазифа аҳолига замонавий, санитария-гигиеник, иқтисодий ва архитектура – бадий талабларга жавоб берувчи қулай турмуш шароитларини яратиш ҳисобланади.

Оммавий турар жой архитектураси доим ўзининг ўзига хос хусусиятларига эга эди, ижтимоий вазифаларни бажарувчи иншоотлардан фарқ қилар эди. турар жойининг ҳақиқий архитектураси ҳеч қачон монументаллик (махобатликлик) хусусиятларига эга бўлмаган. одамларнинг яшаш и учун мўлжалланган турар жой доим камтароналиги, оддийлиги,

бадий образининг соддалиги билан ифодаланар эди. Бундай сифатлар энг турли хил даврлар ва мамлакатларнинг халқ турар жойлари архитектураси учун хосдир.

4-илова

Уй ички тузилмаси ташқи шакллариининг унинг режаланишига, конструкцияларига қва материалларига органик мослиги

Ҳар бир иншоат, айниқса, турар жой, аниқ табиий об – ҳаво шароитлари билан жуда яқин боғлиқдир. Турар жой уйининг ички мазмунига ва об – ҳаво шароитларига жавоб берувчи архитектуранинг асосий хусусиятларининг намоён бўлиши турар жой уйининг бадий образини тўғри қуришнинг муҳим талабларидан бирини ташкил этади.

Турар жой районларини қуриш инсоляция, шовқин ва чанг манбаларидан узоқлаштирилишида, дам олиш жойлари, ўйин ва опорт майдонларини энг яхши ташкил этиш нуқтаи назаридан ҳам, энг яхши архитектура бадий композицияси нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси турар жой уйлари архитектураси ва турар жой районлари қурилиши ташқи қиёфасида, хусусиятларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Архитекторнинг бош вазифаси ҳар бир алоҳида уйнинг асосий фасадини яратиш эмас, балки уй архитектурасининг бадий мақсадга мувофиқ ташкил этилган турар жой қурилишининг элементи сифатидаги органик масштабни ва бадий ечими бўлиб ҳисобланади. Турар жой бутуннинг органик бир қисми, турар жой райони қурилишнинг умумий композицияси элементи бўлиб қолади. Архитектор энг хилма хил композицияларни яратишга имкон берувчи архитектура воситаларининг бой политраси эгаси бўлиб қолади. Бу композицияларда алоҳида бинолар турларининг такрорланувчанлиги, уларни қаватига қараб архитектуравий ишлов берилишига қараб турар жой уйлариининг оддий ва ритмик фасадлари ўртасидаги кескин фарқ ва ўз архитектураси бўйича ўзига хос бўлган магазинлар ва ижтимоий вазифани бажарувчи бинолар, кўк ўсимликлар ва иншоатларнинг жиддий геометрик шакли асосий композицион – бадий воситалар ҳисобланади.

Замонавий турар жой биноси архитектурасининг асоси уйнинг ички тузилиши ташқи шакллариининг унинг режалаштирилишига, конструкцияларига ва материалларига органик мос келиши ҳисобланади. Бу архитектура сохта нарсаларни инкор этувчи ҳақоний классик принципларга, халқ архитектурасининг донолигига ва оддийлигига мурожат этувчи ҳақоний архитектура бўлиб, унда ҳамма нарса органик, ҳаммаси табиий, ҳаммаси гўзал.

Архитектурада гўзаллик унинг яхши ҳал этилган функционал жиҳатларининг механик натижаси бўлмайди, балки архитектуранинг моддий жиҳатларини онгли бадий англаш натижасида юзага келади.

Замонавий турар жой уйи архитектураси бирор доимий нарсa эмас, у ҳар доим ўзгариб туради ва қурилиш техникасидаги ўзгаришлар, янги материаллар ва конструкцияларнинг пайдо бўлиши, уй қурилишининг ўзгариши билан бир вақтда ўзгаради.

Архитектура – бадий масалаларни ҳал қилиш учун архитектор замонавий техник муоммоларни ва қурилиш саноати соҳасида янги ютуқларни яхши билиши керак, у қурувчи муҳандислар, конструкторлар ва бошқа мутахассислар билан ижодий ҳамкорлик қилиши керак.

Қулай ва тежамли турар жойни яратишга имкон берувчи, техник ва архитектура – бадий талабларига жавоб берувчи архитектуранинг янги шакллари излашда композиция, мутаносиблик, масштаблик ва уйғунлик муаммоларини чуқур тушунишдан, “ҳамма нарсa инсон учун” қонидасидан келиб чиқиш лозим.

Хонадоннинг қулайлиги архитектура – режалаштириш ечимининг қурилиш райони табиий об – ҳаво хусусиятлари мувофиқлиги ва маҳаллий анъаналарни ҳисобга олиб белгиланади.

5-илова

I – II – III - қурилиш об-ҳаво зоналаридаги турар жой биноларини архитектура режалаштиришни ташкил этиш

Об – ҳаво иссиқ туманларда хонадонларнинг қулай шароитлари архитектура – режавий ташкил этиш усуллари кўш радиациясининг солбий таъсирини сусайтирувчи бир қатор конструктив тадбирлар билан бирга қўшилиши билан белгиланади; турар жойнинг тегишлича мўлжалини танлаш, фаррон ва бурчакли шамоллатишни ам алга ошириш; юқори иссиқлик изоляция қилувчи тўсиқлар материалларни, шунингдек вентилацияланувчи конструкцияларнинг қўлланилиши, ёруғлик кирувчи жойларни тўғридан – тўғри кўш радиациясидан ҳимоя қилиш учун кўшдан, шунингдек кўш нурларининг қайтиши ва тарқалишидан ҳимояловчи архитектура воситаларидан фойдаланиш; ёзги хоналарнинг кенг қўлланилиши.

Бир ва икки хонали хонадонларни шамоллатиш зинапоя катаги орқали амалга оширилиши мумкин, шунинг учун бу ерда барча хоналарнинг бир томонлама жойлашишига рухсат этилади, кўп хоналиларда эса икки томонлама жойлаштирилиши мумкин.

Икки хонали хонадонлар кенг тарқалган жанубий туманларда ҳар бир хонадан ичида, одатда йилнинг кўпчилиқ қисмида қўшимча хона сифатида фойдаланиладиган лоджиялар қурилади. Улар энг тинч жойга мўлжалланиши керак бўлади, бу хонадонлар ва секцияларнинг режалаштирилишини маълум даражада белгилаб беради.

Мураккаб конфигурацияли секциялар

Секцияларнинг мураккаб конфигурацияси кўпчилик хонадонларда фаррон ёки бурчакли шамоллатишни сақлаган ҳолда секцияларда хонадонларни кўпайтириш учун, уларнинг инсоляциясини яхшилаш учун, шунингдек айрим ҳолларда шаҳар қурилиши талабларидан келиб чиқувчи мулоҳазалар бўйича ҳам қўлланилади. Жазирама об – ҳаво шароитларига секцияли галереяли уйлар яхши мос келади.

Кўп хонадонли уйлар

Қисқа галереяларга чиқувчи хонадонларнинг ички томонга максимал ривожланиши туфайли ташқи вертикал тўсиқларнинг сезиларли қисқаради ва бинонинг “ҳажмий самараси” умуман (яъни унинг иссиқлик инерцияси) ортади. Кўп қаватли биноларда шамоллатишнинг мустақил чизиғини таъминлаш билан ва санузел ҳамда ошхоналарни хонадоннинг асосий хоналаридан инсоляцияси билан қийинчиликлар ву жудга келди. Шунинг учун замонавий фуқаролик қурилишда иссиқ - қуруқ туманларда бу қоида кўп қаватли уйларнинг ички фазосининг композициясини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади.

Масалан, галереяли уйларда ошхоналарни шамоллатиш йўллари изоляциялаш ва ажратиш учун махсус вентилицион шахталар қурилади. Секцияли уйларда тўртта хонадонга шундай 181..... шахталарнинг қўлланилиши туфайли одатдаги икки хонали хонадонлардагига қараганда анча тежамли ечимга эришилди. Минора туридаги бир секцияли уйларда даҳлизнинг атрофига жойлаштирилган, уларга ёндошган санитария узеллари ва ошхоналари бўлган катта кесимли ҳавли кудуқнинг қурилишида уйдаги хонадонлар сони ортади ва уларнинг бевосита шамоллатилиши таъминланади..

Жанубий туманларда қуриладиган кўп қаватли турар жой биноларида ҳавонинг конвектив оқимларини фаоллаштириш ва одамларнинг нурли иссиқлик билан ўта қизишини чеклаш учун қаватлар баландлигини нормадагига нисбатан оширишга рухсат этилади.

Бевосита шамоллатишни вентилиция шахталари ёки ички ҳовличалар ёрдамида жадаллаштириш, галереяларни, лоджияларга ёки балконларга соя берувчи қуёшдан ҳимояловчилар ҳам бинонинг ички микро муҳитини яхшилашга имкон беради. Об – ҳавоси туманлар учун паст қаватли уйларга нисбатан ўз афзалликларига эга кўп қаватли уйлар ҳам қўлланилади. Улардан, жумладан родиация учун энг заиф бўлган бинонинг қисми сифатидаги томининг юзи минимумга келтирилган, вертикал аэрация туфайли қаватлар яхшироқ шамоллатилади, боғчли ҳовлилар эса кўкаламзорлаштирилган лоджия ва балконларни уларда кенг очилган ораликлар билан бирга унинг ўрнини босади.

6-илова

Саволлар.

1. Иссиқ об – ҳаво шароитлари учун турар жойни лойиҳалашда қандай ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиниш керак?
2. Замонавий турар жой архитектурасининг асоси нимада?
3. Хонадонларнинг архитектура режавий ечимининг мувофиқлиги об-ҳаво хусусиятларини ҳисобга олганда нима билан белгиланади?

7-илова

Адабиёт

1. М.О. Берш, М.В. Лисицин, С.П. Тургенев, Н.В. Фёдорова “Архитектурное планирование жилых зданий”. Издательство литературы по строительству. Москва. 1964 г.
2. Ф.М. Фирсанов. Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климата. Москва. 1971 г.
3. А.Н.Римша. Градостроительство в условиях жаркого климата. Издательство литературы по строительству. Москва. 1972г.

12-МАВЗУ	Юкори каватли турар жой бинолари композициясида ўзига хос конструктив хусусиятларидан фойдаланиш
-----------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш технологияси. Турар жой ва бошқа бинолар қурилишида асосий мазмуни. 2. Баланд уйларни қурилишида монамий темирбетондан фойдаланишда янги пластик ечимлар. 3. Бинолар конструкциясининг синчли, синчсиз ва аралаш схемаси. 4. Хонадонларнинг режавий тузилмасининг фасадлар композициясига таъсири.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни юкори каватли турар жой бинолари композициясида ўзига хос конструктив хусусиятларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш технологияси ҳамда тТурар жой ва бошқа бинолар қурилишида асосий мазмуни билан таништиради	Қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш технологияси ҳамда тТурар жой ва бошқа бинолар қурилишида асосий мазмунини билади
Баланд уйларни қурилишида монамий темирбетондан фойдаланишда янги пластик ечимлари ҳақида гапириб беради	Баланд уйларни қурилишида монамий темирбетондан фойдаланишда янги пластик ечимлари ҳақида тушунчага эга бўлади
Бинолар конструкциясининг синчли, синчсиз ва аралаш схемаси билан таништиради	Бинолар конструкциясининг синчли, синчсиз ва аралаш схемасига изох беради
Хонадонларнинг режавий тузилмасининг фасадлар композициясига таъсирини кўрсатади	Хонадонларнинг режавий тузилмасининг фасадлар композициясига таъсирини намоён қилади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Юқори каватли турар жой бинолари композициясида ўзига хос конструктив хусусиятларидан фойдаланиш ” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Юқори каватли турар жойлар композицияси” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш технологияси ҳамда турар жой ва бошқа бинолар қурилишида асосий мазмуни билан таништиради (3-илова). 2.4. Баланд уйларни қурилишида монамий темирбетондан фойдаланишда янги пластик ечимлари ҳақида гапириб беради (4-илова). 2.5. Бинолар конструкциясининг синчли, синчсиз ва аралаш схемаси билан таништиради (5- илова). 2.6.Хонадонларнинг режавий тузилмасининг фасадлар композициясига таъсирини кўрсатади (6- илова).	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (7-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (8-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш технологияси. Турар жой ва бошқа бинолар қурилишида асосий мазмуни.
2. Баланд уйларни қурилишида монамий темирбетондан фойдаланишда янги пластик ечимлар.
3. Бинолар конструкциясининг.
4. Хонадонларнинг режавий тузилмасининг фасадлар композициясига таъсири.

2-илова

Таянч сўзлар

Қурилиш материаллари ва буюмлари, монамий темирбетон, синчли схема, синчсиз схема, аралаш схема, фасадлар композицияси

3-илова

Қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш технологияси. Турар жой ва бошқа бинолар қурилишида асосий мазмуни

Бинонинг бадиий қиёфасини аниқлаш учун архитекторлар ўзига хос конструктив хусусиятларни кўрсатишган ва фойдаланишган. Конструктив ва қурилиш элементлари билан ишлаш архитекторларни композицион ечимларига олиб келган қадимги Римда архитектура асарларида аркларнинг устини қоплаб турган гумбазлар ва катта фазолар ўша вақтнинг композицион ечимларининг асосий методига айланди.

XIX – асрда темирбетоннинг яратилиши.

XIX – асрда мунтазам лммавий қурилишнинг амалга ошириши қурилиш ва индуктив элементларни индустриал тайёрлашга сабаб бўлади.

Замонавий қурилишда, умуман турар жой ёки бошқа биноларни қуришда қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш технологияси асосий мазмун бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда архитектура ва ижодий масалаларни ечишда ҳаммаси асосий сабабга ва қурилиш материаллари қанча ишлаб чиқарилишга шунчалик тез тақалади.

Қурилишда замонавий технология, шаҳар қурилишида ижодий ечимлар жуда кўп янгиликлар ва қулайликлар берилиш мумкин.

Иш яхши юришиши учун архитектор, конструктор ва технолог ишни бажариб ташкил этишлари керак. Биноларнинг бадиий қиёфаси ва архитектура ечимига таъсир қилмайдиган элементларни қисқартириш, улар ўрнига майда биноларнинг пластикасини кучайтирувчи элементларни ишлаб чиқаришга эътибор бериш керак.

Индустриал қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш баланд биноларнинг архитектура ечимлари хусусиятларига ва бойитилишига ҳалал беради. Баланд иморатларнинг асосий этувчи констркциялари асосан ташқи панель ташқарисида қолади. Элтувчи ва элетмайдиган тўсувчи панеллар,

тектоник хоссалар инсон томонидан парда сифатида идрок қилинади. Ташқи панелларнинг тектоник хоссаларини ифодалашда уларнинг кўриниши ва узунлиги катта рол ўйнайди.

Ҳозирги вақтда битта хона учун кўпинча дераза ўрни бўлган тўғри бурчакли панель қўлланилади. Ташқи панелларни эни ва баландлиги бўйича бундай монтаж қилишда майда элементлар (панелларнинг ярми) пайдо бўлади. Бундан ташқари бинолар баландлиги бўйича паст туюлади. Бундай ҳолда горизонтал чизиқлар деразадан юқори ва пастдан ўтади. Бу ҳолда тектоникага хос расм яратилади, бино конструктив ва тектоник элементларнинг ташқарига томон унча катта бўлмаган кўчиришлари юз беради. Бунга мисол тариқасида Москвадаги Ленин проспектидаги турар жойни келтириш мумкин. Бу ерда биз турар жой биноларининг ташқи томонидан қурилиш материаллари кўринишида фойдаланилган йирик блокларнинг тектоник хусусиятларини кўришимиз мумкин.

Биноларни аралаш таянчлар ва тўсинлар тизими кўринишида фойдаланиш имконини беради. Конструктив аниқлик ва соддалик бинонинг ташқи кўринишининг бойитилишига олиб келди. Ташқи панеллар ташқарисига узунасига ўрнатилган деворлар айрим турдаги уйлар учун асосий композицион асос бўлиб хизмат қилади.

Бу конструктив элементларнинг очиб берилишига мисол тариқасида биз террасали турар жой бинолари турларини кўрсатишимиз мумкин. Уларнинг асосий йўналиши узунасига жойлаштирилган элтувчи деворлар ҳисобланади. Бунга тошкентдаги Кунаев кўчаси бўйлаб қурилган терросали уйлар мисол бўлиши мумкин. Вертикал элтувчи деворлар уст ёппа билан кесишиб тўрт бурчак шаклидаги ўраб олувчи чизиқларни ҳосил қилади. Бинонинг бу конструкцияси бадийий ечим сифатида қабул қилинади. Марказдаги темир бетон конструкциялардан қилинган кўп функционал Жон Хинках турар жой мажмун бута кўринишида ҳал этилган, бу осмон ўпар бинонинг шамолга қаршилик кўрсатишини оширади демакдир, чунки буни юз қаватли бинода ҳисобга олиш жуда ҳам зарурдир. Юқорига томон қанчалик баланд кўтарилса, горизонтал чизиқлар орасидаги масофа бинонинг баҳайбат ҳажмига қарамай қисқариб боради, бу бинога енгиллик бағишлайди. Бинонинг конструкцияси бадийий ечим ҳисобланади.

4-илова

Баланд уйларни қурилишида монамий темирбетондан фойдаланишда янги ечимлар

Ўн саккиз қаватли маъмурий бино “Грайе минораси” (арх.Франк Лойд Райт) бино қурилишининг асосий ташаббускори ҳисобланиб, бу режа ўша вақтда амалга оширилмаган “Авлиё Марк минораси” нинг режаси эди. бу ерда ўзаро кесишувчи тўртта пилон ва уларга таянувчи учбурчакли усти ёппа конструктив асос бўлган. Бу методдан фойдаланиб архитектор Райт пилонлар орасидаги тўртбурчак шаклдаги фазони тўлдирди ва икки қаватли

хонадонларни жойлаштирди. Бинониг бундай конструктив ечими ташқи томондан турли хилдаги понелларнинг қўлланилишига олиб келди. Пилонлар биринчи қаватда бўшлиқ ҳосил қилиб, конструктив мустаҳкамлик сезилиши учун бионинг юқори қисмида тугалланади, архитектуравий композицион ечим учун турар жой уйлари бўйлаб лойихаланган. Буни биз Токио кўрдазини кесиб ўтувчи архитектор Кензо-Тансе томонидан лойихаланган турар жойда кўришимиз мумкин. Баланд уйлар қурилишида айниқса монолий темир бетондан фойдаланишда бино ҳажмининг янги пластик ечимларига, режа ва фасаднинг янги ечимларидан фойдаланишга олиб келади. Б уерда кўрсатилган мисолларда, бадий ечимни кучайтириш учун биоларнинг қурилиш материаллари ва конструктив ечимлари, айниқса кўп қаватли турар жой биоларида қай даражада замонавийлиги архитектура – конструктив ечимларнинг кучайтирилишига ва улар билан узвий алоқа ўрнатилишига олиб келади. Турар жой биоларини лойихалаштириш жараёнида бионинг конструктив схемасини танлаш жиддий аҳамиятга эга. Конструктив схема деганда бионинг асосий конструктив элементларини жойлаштириш ва улар орасидаги элтувчи ва тўсувчи вазифаларни тақсимлаш тушунилади.

Танлаб олинган конструктив схемага боғлиқ ҳолда қурилишда қўлланиладиган материаллар ва буюмлар номенклатураси ўзгаради, шунингдек биоларни барпо этиш методи ва уларнинг қиймати ўзгаради.

5-илова

Биолар конструкциясининг синчли, синчсиз ва аралаш схемаси

Турар жой уйининг режалаштирувчи ва архитектура бадий ечими кўп жиҳатдан конструктив схемани танлашга боғлиқ бўлади. Қурилишда куйдаги асосий конструктив схемалар қабул қилинади:

- Бўйлама элтувчи конструкциялар билан;
- Кўндаланг элтувчи конструкциялар билан;
- Аралаш конструктив схемалар.

Бўйлама схемада уст ёпма элементлари ишчи оралиғи билан бионинг бўйлама ўқига перпендикуляр қилиб жойлаштирилади ва конструкциянинг ташқи ва ички бўйлама элтувчи конструкцияларига таянади.

Кўндаланг схемада устёпмалар кўндаланг элтувчи конструкцияларга таянади. Кўшилган конструктив схемаларда устёпмалар ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг йўналишда таянади, яъни устёпма плитаси сектура бўйича ёки унинг учта томони бўйича. Конструктив схемалар турли хил конструктив тизимларда: синчли, синчсиз ва аралаш тизимларда ечилиши мумкин.

Синчли тизим бинода барча юкланишларни қабул қилиб олувчи ва иншоатнинг мустаҳкамлигини таъминловчи чизиқли конструктив элементларнинг (колонналар, тўсиқлар, прогонлар) кўпчилиги билан ифодаланади. Унинг учун бионинг элтувчи ва тўсувчи конструктив элементларининг бўлоқларга ажратилиш ҳосдио, бу эса материалларни тежаш ва бутун иншоат оғирлигини камайитириш учун асос яратади.

Синчли схеманинг қўлланилиши биоларнинг кавати ўтаюқори бўлганда ва тўсувчи конструкциялар учун юқори самарали термоизоляция материаллардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлганда мақсадга мувофиқдир. Индустиал уйларнинг фасадини ечишда қўлланилаётган элементларнинг модуллилиги ва стандартлилиги катта аҳамиятга эга. Индустиал қурилиш методлари бу уйларнинг архитектурасининг бутун композицион тузилишига, уларнинг тектоникасига, масштаблилигига, ритми ва нисбатига таъсир қилади. Замонавий турар жой биносининг ташқи кўриниши учун унинг фасади элементлари - дераза, киришлар - болконлар, лоджиялар, эркерлар, балкон тўсиқлари, гулдонлар ва ҳакозолар, катта аҳамиятга эга. Айнан улар унча ўзига хос турар жой,190 жозибали кўриниш ва пластикликни бахш этиб, ёруғ – соянинг бой уйинини яратади. Деворнинг балконлар эркерлер ёки лоджиялар гуруҳи билан бига текис синч қисмларининг ритмик алмашилиб келиши фасадларнинг ечимида хилма хилликка ва тобийликка эришишга имкон беради.

6-илова

Хонадонларнинг режавий тузилмаси фасадлар композицияга сабаб бўлади.

Эркин қурилиш шароитида турар жой биоларини н фасадларидаги балконлар, лоджиялар, эркерлар, шовкин ва чанг материалларига эмас, балки кўкаламзор квартал ички фазоларига қаратилганда ўзининг тўла қонли функционал ва архитектуравий аҳамиятга эга.

Турар жой уйи ташқи қиёфасининг хусусиятлари унинг ички режавий тузилмаси, материаллариконструкциялари ва қурилиш методларидан келиб чиқади. Замонавий шағар турар жой уйнинг ташқи кўринишига унинг кўпхонадонлиги, бир ҳажмда такрорланувчи турар жой хонадонларнинг қурилиши ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Кўп қаватли даҳлизли ва галереяли уйларда хонадонлар горизонтал бўйича ҳам, вертикал бўйича ҳам такрорланади, шунинг учун фасад ҳар бири битта хонага ёки хонадонга мос келувчи бир хил элементлар тўрини ифода этади. Галереяли уйларда баландлиги бўйича такрорланувчи очиқ галереялар фасадлардан бирининг ўзига хос горизонтал қурилишини яратади.

Акцияли уйларда такрорлаш элементи сифатида хонадон эмас, балки секция бўлиши мумкин, бу секция уйнинг ташқи қиёфасига ўзига хос хусусият бериб, унда асосий ташкилий ролни секцияларга мос келувчи фасаднинг (кириш, зинапоя катаги, деразалар, балконлар ёки лоджиялар гуруҳи) элементларининг аниқ ритми ўйнайди.

Хонадонларнинг режавий тузилиши фасадларнинг композициясини, турли ўлчамдаги деразаларнинг жойлаштирилиши ва уларнинг ритмик такрорланишини, шунингдек балконлар ва лоджияларнинг гуруҳланишини белгилаб беради. Минора кўринишидаги уй учун ҳажм нисбатлари айниқса катта аҳамиятга эга бўлади. Хонага ташқи панелларни қўлланилишида,

шунингдек фасаддан ва ҳажмий элементлардан иборат уйларда панель якқол кўриниб туради, бу эса уй қиёфасига ўзига хос хусусият бахш этади.

7-илова

Саволлар

1. Баланд иморатларнинг тектоник хусусиятлари ва архитектура ечимларининг бойитилишига нима ҳалал беради?
2. Баланд уйларни қуришда қандай материалдан фойдаланиш янги амалий ечимларга олиб келади?
3. Қурилишда қандай конструктив схемалар қўлланилади?
4. Турар жой биноси ташқи қиёфасининг хусусиятлари нимадан келиб чиқади?
5. Бир секцияли турар жой уйининг бутун композицияси нимага асосан қурилади?

8-илова

Адабиёт

1. М.О. Берш, М.В. Лисицин, С.П. Тургенев, Н.В. Фёдорова “Архитектурное планирование жилых зданий”. Издательство литературы по строительству. Москва. 1964 г.
2. О.Г.Баяр., Р.Н.Блашкевич. Квартира и её убранство. Государственное издательство литературы по строительству архитектуре и строительных материалов. Москва. 1962г.
3. Н.В.Баранов. Главный архитектор города. Издательство литературы по строительству. Москва. 1973 г.

13-МАВЗУ	Юқори қаватли турар жой биноларининг композицион ечимлари
-----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Турар жой уйининг қавати миқдорини танла мезонлари. 2. Ўта юқори қаватли синчли – панелли уйлар (синчли, монолит). 3. Синчли блок – секциялардан ташкил топган турли хил шаклдаги баланд турар жой бинолари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни Юқори қаватли турар жой бинолари композицион ечимлари билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Турар жой уйининг қавати миқдорини танлаш мезонлари билан таништиради	Турар жой уйининг қавати миқдорини танлаш мезонларини билади
Ўта юқори қаватли синчли – панелли уйлар (синчли, монолит)нинг композицион ечимларини кўрсатади	Ўта юқори қаватли синчли – панелли уйлар (синчли, монолит)нинг композицион ечимларини намоён этади
Синчли блок – секциялардан ташкил топган турли хил шаклдаги баланд турар жой бинолари композицияси билан таништиради	Синчли блок – секциялардан ташкил топган турли хил шаклдаги баланд турар жой бинолари композицияси ҳақидаги саволларга жавоб беради
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

**1.2. “Юқори қаватли турар жой биноларининг композицион ечимлари”
мавзусининг технологик харитаси**

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Юқори қаватли турар жой биноларининг композицион ечимлари?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Турар жой уйининг қавати миқдорини танлаш мезонлари билан таништиради (3-илова). 2.4. Ўта юқори қаватли синчли – панелли уйлар (синчли, монолит)нинг композицион ечимларини кўрсатади (4-илова). 2.5. Синчли блок – секциялардан ташкил топган турли хил шаклдаги баланд турар жой бинолари композицияси билан таништиради (5- илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (6-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (7-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Турар жой уйининг қавати миқдорини танлаш мезонлари.
2. Ўта юқори қаватли синчли – панелли уйлар (синчли, монолит).
3. Синчли блок – секциялардан ташкил топган турли хил шаклдаги баланд турар жой бинолари.

Таянч сўзлар

Турар жой уйининг қавати, миқдор, миқдор танлаш мезонлари, панелли уйлар, синчли уйлар, монолит.

3 илова

Турар жой уйининг қавати миқдорини танлаш мезонлари.

Ҳозирги пайтда турар жой уйларини лойиҳалашда фақат битта балон уйни лойиҳалашдан келиб чиқмай бутун атроф муҳитни, бутун турар жой қурилиши ансамблининг атроф муҳитини ҳал қилиш керак. Шаҳар бу ривожланувчи жонли организм бўлиб, у ўзининг лойиҳавий тузилмасига катта ва кичик очиқ ва берк жойларни қамраб олган. Бу тизимда кўчалар кўкаламзорлаштирилган қисмлар, боғлар ва ҳиёбонлар бор. Шаҳар учун асосий лойиҳавий материал сифатида турар жой бинолари деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Қурилиш зичлигини ошириш мақсадида баланд уйларни қуришга ўтишга тўғри келади.

Шаҳарнинг нормал архитектуравий лойиҳаси транспорт ва пиёдалар кўчалари, маиший ва ижтимоий бинолари билан чекланади.

Шаҳар қурилиши нуқтаи назардан турар жой мажмуаларини лойиҳалашда асаоий муаммо уйнинг неча қаватли бўлишини аниқлаш уни тўғри жойлаштиришдан иборат.

Қават миқдорини танлашда уйнинг фақат тежамкорлигидан эмас, балки ердан тежамли фойдаланишдан, ер ости муҳандислик коммуникацияларидан ва кўкаламзорлаштиришдан келиб чиқиш керак. Лойиҳалашда яшашнинг психологик қулайликларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Агар ҳамма биноларнинг баландлиги 10-16 қаватли бўлса, у ҳолда одамларнинг психологияси ҳам улар уйлар атрофида юрган пайтларидагина эмас, балки унинг ичида бўлганларида ҳам ўзгаради. Тадқиқотларнинг кўрсатилишича, одамлар 12-қаватдан юқорида яшаганларида уларда кўпинча лифтидан фойдаланишда ноқулайлик, бош оғриғива тебранишлар ҳисси пайдо бўлади. Қурилиш зичлигини ошириш учун биз қаватлар миқдорини ортириб боришимиз, иккинчи томондан биз уларни камайитишга интилишимиз керак. Бу вазиятдан қутилиш учун биз турлича қаватга эга уйлардан фойдаланишимиз керак. Бу метод яхши композицион ечимларга ва яшаш учун қулайликларга олиб келади. Турли хил баландликлардаги турар жой бинолари ҳажмий фазовий ечимни аниқлаштиришга олиб келади. Турли хил баландликдаги турар жой бинолари орқали бизга бош ва иккинчи даражали элементларни аниқлашга ва композициянинг асосий элементларини белгилашга ёрдам беради. Замонавий шаҳар қурилиши амалиётида биз 5-9-12-16 қаватли бинолардан иборат композицияларни кўришимиз мумкин.

Москвадаги Северное Чертаново райони, Горький шаҳридаги ЭОКК, Вильнюсдаги Лаздина турар жой райони, Минск ва Тошкент шаҳарларида

14-МАНЗУ	Мактабгача тария ва ўқув муассасаларининг композицион ечими
-----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Болалар мактабгача муассасалари турлари. 2. Болалар мактабгача муассасаларига хизм кўрсатиш радиуси ва ер участкаларининг 1 жой м² ҳисобига. 3. Мактаб бинолари композициясига таъсир кўрсатувчи муҳит омиллари. 4. Мактаб биноларининг учта асосий тури марказлашган, тўсилган ва павильонли.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни мактабгача тария ва ўқув муассасаларининг композицион ечими билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Болалар мактабгача муассасалари турлари билан таништиради	Болалар мактабгача муассасалари турларини билади
Болалар мактабгача муассасаларига хизмат кўрсатиш радиуси ҳақида тушунтиради	Болалар мактабгача муассасаларига хизмат кўрсатиш радиуси ҳақида билади
Мактаб бинолари композициясига таъсир кўрсатувчи муҳит омилларини кўрсатади	Мактаб бинолари композициясига таъсир кўрсатувчи муҳит омилларини ҳис қилади
Мактаб биноларининг учта асосий тури билан таништиради	Мактаб биноларининг учта асосий тури ҳақидаги саволларга жавоб беради
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Мактабгача тария ва ўқув муассасаларининг композицион ечими” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Болалар таълим муассасаси композицияси қандай бўлиши керак?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Болалар мактабгача муассасалари турлари билан таништиради (3-илова). Болалар мактабгача муассасаларига хизмат кўрсатиш радиуси ҳақида тушунтиради (4-илова). Мактаб бинолари композициясига таъсир кўрсатувчи муҳит омилларини кўрсатади (5- илова). Мактаб биноларининг учта асосий тури билан таништиради (6- илова).	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (7-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (8-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

- Болалар мактабгача муассасалари турлари.
- Болалар мактабгача муассасаларига хизмат кўрсатиш радиуси ва ер участкаларининг 1 жойга м² ҳисобига.
- Мактаб бинолари композициясига таъсир кўрсатувчи муҳит омиллари.

4. Мактаб биноларининг учта асосий тури марказлашган, тўсилган ва павильонли.

2-илова

Таянч сўзлар

Болалар мактабгача муассасалари, хизмат кўрсатиш радиуси, мактаб биноси, марказлашган мактаб биноси, тўсилган мактаб биноси, павильонли мактаб биноси.

3-илова

Болалар мактабгача муассасалари турлари

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларини архитектура композицияси асосларини белгилаб берувчи энг муҳим омил хоналарнинг алоҳида гуруҳлари орасидаги ўзаро алоқанинг хусусияти ҳисобланади. Бу принципга кўра мактабгача ёшдаги болалар муассасалари бинолари қуйдагиларга бўлинади:

- алоҳида хоналар гуруҳлари орасидаги ички алоқаси бўлган марказлашган турдаги бинолар;

- иситилаётган ўтиш йўли бўйича алоҳида хоналар гуруҳлари орасидаги алоқаси бўлган тўсилган турдаги бинолар, алоқаси участка орқали ёки ёпилган иситилмайдиган ўтиш йўлари бўйича ам алга ошириладиган павильон туридаги бинолар. Оралиқ турдаги бир қатор бинолар мавжуд, уларга масалан, гуруҳий ячейкалари орасида алоқаси ва очиқ ёки ойнаванд қилинган галерея бўйича хизмат кўрсатувчи хоналари бўлган галерия туридаги бинолар.

Болалар муассасалари биноларини йириклаштириш ва уларнинг умумрежавий тузилмасини мураккаблаштириш билан тўсиқли турдаги бинолар борган сари кенгрок қўлланилмоқда, бундай бинолар марказлаштирилган турдаги бинолар нисбатан болалар гуруҳлари бўғинларини изоляция қилиш учун яхши шароит таъминлайди ва ўйин майдончалари билан анча қулай алоқани таъминлайди, лекин улардан тежамлиликда ва ихчамликда орқада қолади.

Тўсилган бино тури шаҳарлар ва туман марказларида қуриш учун мўлжалланган, катта сиғимли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари учун тавсия этилиши мумкин. Ўзига хос қурилиш шароитига эга биноларни алоҳида бўлимларга ажратишни талаб этувчи бизнинг об – ҳаво туманларимизда (сеймик, кон қазиш ишлари, чўкувчи тупроқли ва ҳакозолар).

Иккила хил турдаги павильон павильон кўринишидаги бинолар (усостка орқали алоқа қилувчи ёки беркитилган иситилмайдиган ўтиш йўллари ёки алвонлар бўйича) шунингдек галерея туридаги бинолар ҳам бизнинг об – ҳаво ҳудудларимизда мақсадга мувофиқдир. Бино композициясига ва унинг шаҳар қурилишидаги ҳаракатчанлигига (турлича мўлжал олинган участкаларда фойдаланиш имконияти) асосий болалар хонасининг ўзаро мўлжал олиш хусусияти таъсир кўрсатади.

Шунга мос ҳолда болалар муассасалари бинолари қуйидаги турларга бўлинади; асосий болалар хоналарининг горизонтнинг бир томонига кўра мўлжалланиши, болалар хоналарини икки қўшни томонга мўлжал қилиш; болалар хоналарини уч томонга мўлжал қилиш, ҳар бир болалар хонасини икки қарама-қарши томонга мўлжал олиш; юқоридаги ёруғлиги бўлган болалар хоналари.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг композициясига таъсир қилувчи муҳим омил қаватлилик ҳисобланади.

Одатда, улар бир ёки икки қаватли қилиб лойиҳаланади. Болалар оналар ва ходимлар учун энг қўп қулайликка бир қаватли бинолар эга бўлади, уларда болалар гуруҳларига алоҳида киришларни назарда тутиш, участка билан қулай алоқани таъминлаш осондир. (90 ўринли бундай болалар боғчалари турлари қишлоқ жойларда кенг тарқалган). Бироқ оммавий қурилишда шаҳар ва туман марказларида 140, 160, 280, 320 ўринли ихчам ва анча тежамкор сифатида икки қаватли бинолар энг қўп тарқалган. Бир қатор ҳолларда аралаш қаватли мақсадга мувофиқ бинолар – бир қаватли ёрдамчи хоналари бўлган икки қаватли бинолар, ёрдамчи хоналарга ошхона, кир ювиш хоналарини чиқариб, уларни болалар хоналаридан яхшироқ ажратиш учун шундай қилинади.

4-илова

Болалар мактабгача муассасаларига хизмат кўрсатиш радиуси ва ер участкаларининг 1 жойга m^2 ҳисобига

ШНК 2.07.01. – 03 га мувофиқ шаҳарда умумий турдаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг хизмат кўрсатиш радиуси – 300 м, қишлоқда – 500 м, худди шунинг ўзи паст зичликдаги 1 – 2 қаватли қурилишда шаҳарда - 500 м, қишлоқда - 750 м.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг сифimini маҳаллий халқ таълими органлари томонидан ўрнатиладиган, мактабгача тарбия муассасалари қамраб оладиган кўрсаткичларга мувофиқ ҳисоблаш лозим.

Таъминланганлик даражаси, мактабгача ёшдаги болаларни муассасалари томонидан қамраб олиш фоизи шаҳарда - 80%, паст қаватли қурилиш туманларда - 60% , қишлоқда - 45 – 55% бўлиши керак.

Ер участкалари ўлчамларини биринчи ўринга m^2 ҳисобида қабул қилиш лозим: 100 ўрнигача - 40; 100 дан ортиқ 320 ўрингача – 35; 300 ва ундан ортиқ ўринли мажмуаларда - 30.

Участкалар ўлчамларини қайта қуриш шароитида 25% га камайтиришга рухсат этилади, рельефда ва янги ўзлаштириладиган ҳудудларда жойлаштиришда 15 – 20% га камайтиришга рухсат этилади.

Ясли ёшидаги болалар учун гуруҳлар майдончаси юзини биринчи ўринга $7,5m^2$ ҳисобида қабул қилиш лозим. Юқорида кўриб чиқилган омилларни нг ўзаро таъсирлашуви натижасида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг архитектура композицияси юзага келади. Бунда шуни назарда

тутиш керакки, биноларнинг архитектура – бадий ифодаланганлиги оммавий қурилиш объектлари сингари оддий ва тежамкор воситалар билан яратилиши керак.

Болалар муассасалари биноларига асос бўлган бионинг ва унинг айрим қисмларининг яхши нисбатлари деразаларнинг гуруҳланиши, айвонларнинг йирик ойнаванд қилинган сиртлари ва бошқа элементлари билан, шунингдек конструкцияларнинг ҳаққоний ифодаланиш, йирик масшабли деворларни қирқиш, қурилиш буюмлари ва материалларининг фактураси ва рангини оқилона фойдаланиш; бинолар, одатда, турар жой микрорайони ичидаги эркин участка кўринишида жойлаштирилиш керак ва бундан – бино фасадининг ўзига хос тенг қийматлилиги, композицияни оддий турар жой қурилиши атрофини ҳисобга олиб қуриш зарурлиги.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларини лойиҳалашда бадий ифодаликнинг биноларга кириш, очиқ террасалар, осмалар, тентлар, перголлар, вертикал кўкаламзорлаштириш учун мосламалар, гуллар учун кутилар, кичик шакллар, шунингдек бадий расм, фигурали териш, мозоиканинг турли хиллари ва эгилган темирдан стиллаштирилган тасвирлар, декоратив ҳайкалтарошлик ва ҳакозолар. Буларнинг ҳаммаси биноларнинг архитектурасини жонлантиради ва болаларнинг эстетик тарбияланишига ёрдам беради.

5-илова

Мактаб бинолари композициясига таъсир кўрсатувчи муҳит омиллари

Мактаб бинолари композициясининг асоси икки омил ҳисобланади:

- ўқувчилар жамосини босқичли ташкил этиш ва хоналарни уларнинг функционал вазифасига кўра гуруҳлаш.

Ўқувчилар жамосининг босқичли ташкил этиш қуйдагиларни таъминлаши керак: барча ўқувчиларни уларнинг ёш хусусиятларини ва индивидуал хусусиятларининг ривожланишини ҳисобга олиб, алоҳида гуруҳларга бўлиш; оилавий тадбирларни ва жамоавий тарияни амалга ошириш учун ўқувчиларни турли хил катталиқдаги жамоаларга бирлаштириш.

Мактабнинг асосий элементи синф ҳисобланади, унда нормал ўқув – тарбиявий жараён ва гигиеник режим учун барча зарур шароитлар яратилиши керак.

Синфлар ҳар бир ёш гуруҳлари учун ўқув секцияларига бирлаштирилади. Бундай секцияга 4 - 6 та синф хонаси ёки ўқув кабинетлари, рекреция ва ҳожатхоналар, тўпланган гардеробларда яна гардеробхона ҳам қўшилади. Ўқув секцияси жамоат ўқув ва ёрдамчи хоналари билан яхши алоқага ва бошқа ёш гуруҳлари ўқув секцияларидан етарлича даражада ажратилган бўлиши керак.

Ўқув блоклари ва секциялари таркибига кирмайдиган хоналар ўзининг функционал вазифасига кўра гуруҳларга бирлаштирилади; умуммактаб ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш хоналар; ўқув –спорт хоналари ва маданий оммавий

ишлар учун хоналар; умуммактаб вазифаси учун хоналар (ошхоналар, буфетлар, маъмурий – хўжалик, тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқалар).

Мактаб бинолари композициясига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар бир – биридан катта хилма – хиллиги билан ажралиб турувчи ўқув секцияларининг режаланиши ва ўзаро жойлашиши ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ватанимиз амалиётида синфлар бир томонлама жойлашган ва зал рекреацияли тўрт синфли секция кенг тарқалган. Ўқув секциясининг бу тури кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилар учун энг мақбул ҳисобланади.

Катта ёшдагилар учун дахлизли рекреация билан бирлаштирилган, кабинетлари бир томонлама жойлаштирилган ўқув секцияси энг мақбул бўлиб, у юқори синфларда ўқитишнинг кабинет тизимига тўла мос келади.

Ўқув секцияларининг ўзаро вазиятига келганда уларнинг бир томонлама мўлжалланиши (барча синфлар горизонтининг бир томонига қараган) энг мақбул ҳисобланади. Бу ҳолда барча синфлар ва кабинетлар бир хил инсоляция шароитига эга, мактаб биноси турли мўлжалдаги участкаларда жойлашиши учун энг катта қулайликка эга, бироқ бу мактаб биносининг ҳаддан ортиқ узайишини вужудга келтиради. Бир қанча ўқув секциялари ва биноларини параллел жойлаштириш билан бундан қутулиш мумкин. Биноларнинг кўпроқ ихчамлигига эришиш учун синфлар ва синф секцияларини турли шароитга қўяди ва биноларнинг турлича мўлжал қилинган участкаларда ўрнатиш имкониятини чеклайди.

Мактаб бинолари сифмига ва умумий режавий тузилмасига боғлиқ ҳолда одатда биттадан учтагача қаватга эга бўлади (аҳоли зичлиги юқори бўлган турар жой туманларида ва зич участкаларда тўрт қаватли мактаб биноларини қуришга рухсат этилади).

Ватанимиз амалиётида бошланғич мактаблар бинолари одатда бир қаватли қилиб қурилади; бир ва икки комплектли ўрта мактаблар – икки қаватли қилиб; уч ва ундан ортиқ комплектли мактаб бинолари уч тўрт қаватли қилиб қурилади.

Катта сифимга эга мактаб бинолари ва мажмуалари кўпинча аралаш қаватликка эга бўлади; кичик синфларнинг ўқув блоклари – икки қаватли ўрта синфларники - уч қаватли; катта синфларники - тўрт қаватли бўлади. Бу ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ ҳолда қаватлар сонини аниқлашга ақс эттиради. Мактаб биноларининг қават миқдорини танлашда бир қатор қарама – қарши омилларининг ўзаро таъсирини назарда тутиш керак.

Бизнинг амалиётда мактаб қурилишида, одатда оғир капитал конструкциялар (ғишт, йиғма темир бетон) қўлланилиши муносабати билан қаватликнинг оширилиши қурилишда катта тежамкорликнинг таъминлайди. Шу билан бирга қаватнинг камайтилиши ўқувчилар ва педагоглар учун яхши шароит яратилишига, участка билан алоқани енгиллаштиришига имкон беради.

Бироқ қаватлар сонини камайитишда мактаб биноларининг функционал - технологик сифатларини яхшилаш ўз чегараларига эга: маълум шароитларда сифими катта кам қаватли биноларда коммуникациялар ҳаддан ортиқ узун

бўлиши мумкин. Бу омилларнинг ўзаро таъсирлашувида энг мақбул ечимни топиш мактаб бинолари қавати сонини аниқлашда бош вазифа ҳисобланади. Мактаб биноларининг архитектура композициясининг асосини белгиловчи муҳим омили мактабдаги хоналарнинг алоҳида функционал гуруҳлари орасидаги ўзаро алоқанинг хусусияти ҳисобланади.

6-илова

Мактаб биноларининг учта асосий тури марказлашган, тўсилган ва павильонли

Композиция усуллари бўйича мактаб биноларини учта асосий турга бўлиш мумкин: марказлаштирилган, тўсилган ва павильонли.

Марказлаштирилган турдаги мактаб биноси битта асосий ўқув корпусини ифодалаб, унга зал корпуслари бириктирилиши мумкин. Композициянинг бу усули одатда сиғими нисбатан кичик бўлган бинолар учун қўлланилади. Бундай композициянинг афзаллиги – қурилишда ва фойдаланишда тежамкорлик, майдоннинг кичиклиги, қурилишнинг ихчамлиги ва майдони кичиклиги (бу катталиги чекланган участкаларда қурилишда жуда муҳимдир), мактаб хоналарининг айрим гуруҳлари ўртасидаги алоқанинг қисқалиги.

Ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган тўсилган мактаб бинолари ўзаро иссиқ ўтиш йўллари билан боғланган ёки бир-бирига бевосита бирикувчи алоҳида корпус блоклар (ўқув, зал ва бошқалар) қаторидан иборат бўлади.

Бундай композиция одатда сейсмик районларда ва жой рельефи кучли кесишган туманларда қуриладиган биноларни лойиҳалашда қўлланилади. Бундай композициянинг афзаллиги: ўқувчилар жамоаларини хоналарнинг алоҳида гуруҳлари орасида қулай ва нисбатан қисқа алоқаларни сақлаган ҳолда мақбул педагогик ва гигиеник шароитларни яратиш учун яхши тақсимлаш имконияти; мактаб хоналарининг ҳар бир функционал гуруҳи учун унга органик тегишли бўлган режавий конструктив ечимни таъминлаш имконияти; ҳажмларнинг ажратилганлиги ва умумий композициянинг ихчамлилиги қўшилишига эришиш.

Алоҳида ўқув, зал ва ўтиш йўллари билан боғланмаган бошқа корпуслардан иборат павильон туридаги мактаб бинолари жой рельефи кескин тушувчи жанубий сейсмик районларда кенг тарқалган. Биноларнинг павильонли композицияси хоналарнинг алоҳида гуруҳларини изоляция қилишни оширади, бу ижобий ва салбий сифатларга эга: ижобий сифатлари – хоналарнинг алоҳида гуруҳларининг шовқин, ҳид ва ҳакозоларнинг тарқалишидан энг яхши изоляция қилиш.

Салбий сифатлари – хоналарнинг алоҳида гуруҳлари ўзаро алоқанинг ёмонлашиши, коммуникацияларнинг узайиши.

Мактаб қурилиши амалиётида композициянинг бошқа усуллари ҳам учрайди. Масалан, марказлашган ёки тўсилган композицияли айрим мактаб биноларида алоҳида павильонларга гимнастика заллари, устахоналар ёки кичик синфлар ўқув секциялари ва ҳакозолар чиқарилади.

Шундай қилиб, замонавий мактаб биноси одатда, мураккаб ривожланган ҳажмий - фазовий тузилмани ифодалаб, у бионинг мақбул функционал - технологиқ сифатларини ҳам, архитектура – бадий ифодаланишини ҳам таъминлаши керак.

Мактаб биноларини лойиҳалашда, улар оммавий қурилиш объектлари эканини ҳам назарда тутиш керак, шунинг учун уларнинг архитектура бадий ифодаланганлиги оддий ва камтарона воситалар эришилиши керак: биноларнинг ички тузилмасини ҳаққоний акс эттириш, мактабнинг асосий хоналари масшоби ва хусусияти, қўлланилаётган режали қадамлар ва оралиқлар (равоқлар)нинг бир хиллаштирилган ўлчамлари, конструкциялар ва материалларни органиқ равишда аниқлаш билан

Девор панелларини қирқиш, дераза қаватларининг нисбатлари ва расми, импостлар ва эшик – дераза оралиқларининг ритми ва навбатлашиши, ранг ва фактурали ечимлар, зинапоялар, киришлар ва ҳақозолар мактаб биноларининг архитектуравий бадий ифодалилигига эришиш учун муҳим воситалар бўлиб ҳисобланади.

7-илова

Саволлар

1. Бизнинг об – ҳаво шароитида ва сейсмиқ талабаларни ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биносининг қандай тури тавсия этилиши мумкин?
2. Қандай сиғимдаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини қандай кўрсаткичларга мувофиқ мўлжал қилиши лозим?
3. Мактаб бинолари композициясининг асоси нима?
4. Мактаб биноларининг қандай турлари бўлади ва у ёки бошқа турни қаерда қўлланиш тавсия этилади?
5. Мактаб биноларининг архитектура – бадий ифодалилигига қандай эришилади?

8-илова

Адабиётлар

1. Н.Н.Милавидов., Б.Я.Орловский., А.Н.Белкин. “Архитектура гражданских и промышленных зданий”. Гражданские здания.москва. Высшая школа. 1987 й.
2. В.В.Адамович, В.Г.Бархин., В.А.Варежкин ва бошқалар. «Архитектурное проектирование общественнқх зданий и сооружений». Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи наشري. - Москва., Стройизаделство, 1985й.

15-МАВЗУ	Болалар боғчалари ва яслиларнинг архитектура – композицион ечими
-----------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Болалар муассасаларининг таснифи ва уларнинг вазифаси. 2. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг функционал технологик ва ҳажмий композицион ечими. 3. Болалар муассасалари биноларининг турлари 4.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни болалар боғчалари ва яслиларнинг архитектура – композицион ечими билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Болалар муассасаларининг таснифи ва уларнинг вазифаси ҳақида гапириб беради	Болалар муассасаларининг таснифи ва уларнинг вазифаси ҳақида билади
Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг функционал технологик ва ҳажмий композицион ечимини тушунтиради	Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг функционал технологик ва ҳажмий композицион ечимини тушунади
Болалар муассасалари биноларининг турларини намоён этади	Болалар муассасалари биноларининг турларини намоён этади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Болалар боғчалари ва яслиларнинг архитектура – композицион ечими” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Болалар боғчалари ва яслиларнинг архитектура – композицион ечими?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Болалар муассасаларининг таснифи ва уларнинг вазифаси ҳақида гапириб беради (3-илова). Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг функционал технологик ва ҳажмий композицион ечимини тушунтиради (4-илова). 2.5. Болалар муассасалари биноларининг турларини намоён этади (5- илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (6-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (7-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Болалар муассасаларининг таснифи ва уларнинг вазифаси.
2. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг функционал технологик ва ҳажмий композицион ечими.
3. Болалар муассасалари биноларининг турлари.

2-илова

Таянч сўзлар

Болалар муассасаси, бинонинг функционал ечими, биоларининг функционал технологик ва ҳажмий композицион ечими.

3-илова

Болалар муассасаларининг таснифи ва уларнинг вазифаси

Болалар муассасалари жамотчилик биоларининг энг оммавий туридир: улар бир қатор белгиларга кўра тасифланади.

Ёш белгиларга кўра болалар муассасалари болалар яслиларга - 3 ёшгача, болалар боғчалари - 3 дан 6 (7) ёшгача ва бирлашган болалар ясли – боғчалари.

Ясли – боғчалар энг кўп тарқалган, чунки уларда сифат ортади ва хизмат кўрсатишда тежамкорлик таъминланади, болаларни тарбиялашда изчилликка эришилади, турли ёшдаги болалари бўлган ота – оналарга қулайлик яратилади. Катталигига қараб 6 ва 12 гуруҳга мўлжалланган биолар фарқланади. Кичик гуруҳда ясли ёшдаги болалар 15 нафар, ўрта ва катта гуруҳда - 20 нафар, болалар боғчаси гуруҳида - 25 нафар деб ҳисобланади, катталикни ўринлар миқдори қараб ҳам белгиланади: 25, 50, 90, 140, 160, 280, ва 320. Болаларнинг ёш гуруҳлари жадвалда келтирилган.

Гуруҳлар	Гуруҳдаги ўринлар сони
Ясли : Кичик (2 ойдан 1 ёшгача)	15
Ўртача (1 ёшдан 2 ёшгача)	20
Катта (2 ёшдан 3 ёшгача) Мактабдаги ёшгача: Кичик (3 ёшдан 4 ёшгача)	20 25
Ўртача (4 ёшдан 5 ёшгача)	25
Катта (5 ёшдан 6 ёшгача)	25
Тайёрлов (ёшдан 7 ёшгача)	25

Ясли гуруҳлардаги майдон - 50 м², болалар боғчасида – 62 м². Болалар муассасаларидаги ўринлар сони хизмат кўрсатилаётган аҳолини норма бўйича миқдори мувофиқ ҳисобланади: бир минг аҳолига яслиларда 30 40 ўрин ва боғчаларда 40-50 ўрин.

Ишлаш вақтига кўра болалар муассасалари уларда болаларнинг соат 8 дан 17 гача бўлишини назарда тутадиган кундузги вазифасига кўра меъёридаги жисмоний ва ақлий ривожланишидаги болалар учун умумий турдаги болалар муассасаси ажратилади; носоғлом ёки нимжон болалар учун махсус

вазифадаги ва санаторий – соғломлаштириш туридаги муассасалар, шунингдек ота – онасиз қолган болалар учун болалар уйлари.

4-илова

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг функционал технологик ва ҳажмий композицион ечими

Болалар ясли – боғчалари тура ржой қурилиш ҳудудидаги алоҳида участкаларда жойлаштирилади, бунда, аҳолига хизмат кўрсатишнинг нормадаги радиуси – 300 м таъминланиши керак, болалар боғча – яслилари бинолари қизил чизикдан камида 2,5 м масофада бўлиши керак.

Болалар муассасалари табиий ва санаторий муносабатида энг яхши участкани эгаллаши керак: яхши шамоллатиладиган ва инсоляция қилинадиган, зарарли қўшничиликка эга бўлмаган кўкаламзор ҳудудлар билан чегарадош бўлиши керак. Участкаларнинг ўлчамлари муассасанинг катталигига боғлиқ 90 ўринли болалар боғча – яслида 1 ўринга 40 м², 140, 280, 320 ўринли боғча – яслида 1 ўринга 35 м², 320 ўриндан ортиқ мажмуаларда 1 ўринга 30 м².

Участка - болалар муассасасининг зарур ва муҳим қисмидир, бу ерда болалар вақтларининг кўпроқ қисмини ўтказадилар, шунинг учун участка болалар билан ўтказиладиган машғулотнинг хусусияти ва дастурига мос келувчи режасига, ободонлаштиришга, қурилмага ва кўкаламзорлаштиришга эга бўлиши керак. Участкада қуйидаги ҳудудлар ажратилади: гуруҳларнинг болалар майдончалари, умумий болалар майдончалари ва хўжалик ҳудуди.

Ҳар бир болалар гуруҳи учун алоҳида гуруҳ майдончаси кўзда тутилади, унинг катталиги : болаларнинг ёши ва миқдориغا боғлиқ ғолда ясли гуруҳи учун - 100 м², болалар боғчаси учун - 150 м².

Майдонча 40 м² юзли соя берувчи айвон билан ва болаларнинг ёшига ва машғулотига мос келувчи ўйинлар учун мосламалар - қум солинган майдонча, арғимчоқлартепаликлар ва ҳакозолар билан жиҳозланади. Гураҳий майдончалар бир – бирдан ажратилган бўлиши, фазовий чекланган бўлиши керак. 3 – 6 (7) ёшли болалар учун умумий майдончалар жисмоний тарбия машғулотлари, ҳаракатчан ўйинлар маданий экинлар етиштириш учун яратилади. Бундан ташқари болалар боғчаси участкасида сомакатлар, велосипедлар, педали автомобилларда юриш учун эни 1,3 м бўлган умумий ҳалқали йўлак ташкил этилади.

Хўжалик ҳовлисида кўчага чиқадиган жой ёки даҳа ичи ўтиш йўли бўлиши керак. Болалар боғчаси участкасини кўкаламзорлаштириш ўз ичига переметрал ҳимоя полосаси экинларини ажратиш полосалари ва майдончалар орасида алоҳида дарахтлар ва буталарни, ўтлоқ ва гулзорларни олади. Кўкаламзорлаштириш майдони участка майдонининг 50%ини ташкил этиши керак.

Функционал ва технологик талаблар мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг ҳажмий композицион ечимига кучли таъсир кўрсатади.

Болалар боғча – яслилари биноларининг ҳажмий - режавий ечими функционал тузилма билан белгиланади ва хоналарнинг учта асосий гуруҳини ўз ичига олади: болалар гуруҳлари, ҳамма болалар учун умумий ва хизматчи – маиший. Алоҳида болалар гуруҳи хоналари қабул қилувчи ва ечиниш, ўйин - овқатланиш ёки гуруҳ хонаси, ётоқхона, буфет ҳожатхонадан ташкил топган гуруҳий ячейкани ташкил этади. Ячейканинг марказий бош хонаси группа хонаси бўлиб, бу ерда болалар ўйнашади, машғулотлар ўтказашади, овқатланишади, агар алоҳида ётоқхона бўлмаса, у ҳолда кундузи шу ерда ухлашади ҳам. Гуруҳ хонаси бошқа хоналар билан бевосита боғланган бўлиши керак. мактабгача ёшдаги болалар муассасасида бола, аввало қаулхонага (ясли гуруҳларида) ёки ечиниш хонасига (болалар боғчаси гуруҳларида), киради, уларда болалар кўздан кечирилади, ота-онасидан қабул қилиб олинади ва кийими алмаштирилади.

Бола қабулхонадан ёки кийим алмаштириш хонасидан ўйин (ясли гуруҳларида) ёки машғулотлар (болалар боғчаси гуруҳларида) хонасига йўналади. Ўйин ва гуруҳ хоналари болалар муассасаларининг бош хоналари ҳисобланади, уларда болалар асосий вақтларини ўтказишади, ўйнашади ва овқатланишади. Ўйин ёки гуруҳ хоналарига бевосита буфет ва болаларнинг ҳожати учун хона ёндошади. Яслиларда ҳожатхона битта хонадан иборат бўлади, болалар боғчаларида ҳожатхона икки хонадан: ювиниш хонаси ва ҳожатхонадан иборат бўлади.

Барча болалар учун умумий бўлган хоналарга мусиқа ва гимнастика машғулотучун зал ва тиббиёт хонаси (врач хонаси, изолятор, ҳожатхона) киради. Озиқ – овқат блоки албатта ташқарига алоҳида чиқиш йўлига эга бўлиши керак. Омборхона ошхона ёнига жойлаштирилади, улар ўтиб юрувчи бўлмаслиги керак. Омборхонага ошхона орқали ўтишга йўл қўйилмайди. Хизматчи маиший хоналарга ошхона блоки кир ювиш хонаси маъмурий ва педагогик ходимлар хоналари киради. Болалар муассасалари биноларини режалаштиришга муҳим талаб болалар гуруҳларини бир- биридан яхши изоляция қилиш ҳисобланади. Бу мақсадда ҳар бир гуруҳнинг барча хоналари алоҳида кириш эшигига бўлган (гуруҳий ячейка) мустақил мажмуага тўпланган бўлиши мақсадга мувофиқ (ясли гуруҳлари учун эса шарт).

Икки ясли гуруҳига улар иккинчи қаватда жойлашганда умумий кириш бўлишига рухсат этилади. Болалар боғчаси гуруҳлари учун тўртта гуруҳга бита умумий кириш бўлишига рухсат этилади.

Болалар боғча-яслиси гуруҳлари хоналари бир- биридан изоляцияланган бўлиши керак, шунинг учун ҳар бир ёки икки қўшни гуруҳлар учун участкача чиқадиган алоҳида чиқиш режалаштирилади. Шу билан бирга ҳар бир гуруҳ хонаси болалар боғча яслисининг қолган хоналари билан ички алоқаларга эга бўлиши керак. Болалар боғча-яслилари биноларига юқори

санатория-гигиеник талаблар қўйилиб, улар хоналарни мўлжалланилиши, инсоляцияси ва шамоллатилишини белгилаб беради. Асосий хоналар табиий ёруғликка эга бўлиши, гуруҳ хоналарида фаррон ёки бурчакли шамоллатиш таъминланиши керак. Болалар боғча – яслисининг ҳажмий – фазовий тузилмаси етарлича қаттиқ функционал ва санатория - гигиеник талаблари билан белгиланади. Бир қаватли бинолар энг қулайдир, бироқ қуриш майдонини камайтиришга интилиш икки қаватли болалар боғчасидан кенг қўлланишни белгилаб берди.

5-илова

Болалар муассасалари биноларининг турлари

Умумий композицион ечимга кўра болалар муассасаларининг бинолари уч хил турда бўлади: марказлашган ягона ихчам ҳажмли ифодалайди; блокли бир – бири билан берк ўтиш йўллари билан туташтирилган бир неча блоклардан иборат; павильонли алоҳида ҳажмлардан иборат.

Марказлашган турдаги болалар муассасалари бинолари қисқа, тежамли, хоналари ўртасида қисқа алоқаларга эга. Бироқ гуруҳлар миқдори ихчам ҳажмли чегарасида зарур мўлжални ва шамоллатишни, участка билан қулай алоқаларни таъминлаш мураккаб бўлади. Шунинг учун ката сиғимли болалар боғчалари учун кўпинча анча юқори режалаштириш қулайлигига эга бўлган, блокли турдаги қўлланилади. Павильон туридаги болалар муассасалари бинолари иссиқ об – ҳавони туманларда қўлланилади, у ерда алоҳида блоклар – павильонлар бир- бирлари билан очик галереялар ёки бўлақлар билан боғланиш мумкин. Павильонли тур гуруҳлар хоналарининг ва маъмурий хўжалик блоки хоналарининг яхши изоляциясини таъминлайди, кескин рельефни, юқори сейсмикликка эга худуддан фаол фойдаланишга имкон беради.

Интерьерни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- яхши санитария – гигиеник шароитлар;
- болаларга хизмат кўрсатишнинг қулайлиги, ходимларнинг ишлаши учун қулайликлар;
- архитектура – бадиий даражаси юқори бўлиши керак.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларини лойиҳалашда бадиий ифодалашнинг бинога киравериш айвонлар, айвончалар, тентлар, пергелалар, вертикал кўкаламзорлаштириш учун мосламалар, гуллар учун кутилар, кичик қолиплар, шунингдек бадиий рассомчилик, фигурали териш, мозоиканинг турли хиллари ва букилган темирдан услубли тасвирлар, декоратив ҳайкалтарошлик ва ҳакозолар. Буларнинг ҳаммаси бинолар архитектурасининг жонлантиради ва болаларни эстетик тарбиялашга ёрдам беради.

6-илова

Саволлар

1. Болалар ясли – боғчаларининг сиғими қандай бўлади ва ер участкаларининг ўлчамлари қандай аниқланади?

2. Болалар ясли – боғчаларининг бинолари ҳажмий – режавий ечими нима билан белгиланади?
3. Болалар муассасаларининг бинолари қандай тури иссиқ об – ҳаволи ҳудудларда қўлланилади?
4. Болалар муассасалари биноларининг интерьерларини безатишга қандай талаблар қўйилади?

7-илова

Адабиётлар

1. Н.Н.Милавидов., Б.Я.Орловский., А.Н.Белкин. “Архитектура гражданских и промышленных зданий”. Гражданские здания.москва. Москва Высшая школа. 1987 й.
2. Ф.М.Фирсанов. «Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климата». Высшая школа. Москва, 1971 й.
3. В.В.Адамович., В.Г.Барчин., В.А.Варежкин. ва бошқалар. “Архитектурное проектирование обьественнкх зданий и сооружений”. Иккинчи вайта ишланган ва тўлдирилган нашри Москва, Стройиздат.1985й.

16-МАНЗУ	Умумий овқатланиш объектларининг композицион – архитектура ечими
-----------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Тайёрланган умумий овқатланиш корхоналар. 2. Тайёргача бўлган умумий овқатланиш корхоналари 3. Умумий овқатланиш корхоналари турлари. 4. Умумий овқатланиш корхоналарининг архитектура – режавий ечимлари. 5. Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш методлари. 5. Кафе ва ресторанларни лойиҳалаш
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни умумий овқатланиш объектларининг композицион – архитектура ечими билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Тайёрланган умумий овқатланиш корхоналар билан таништиради	Тайёрланган умумий овқатланиш корхоналар ҳақида тушунчага эга бўлади
Тайёргача бўлган умумий овқатланиш корхоналари билан таништиради	Тайёргача бўлган умумий овқатланиш корхоналари ҳақида тушунчага эга бўлади
Умумий овқатланиш корхоналари турлари билан таништиради	Умумий овқатланиш корхоналари турлари ҳақида тушунчага эга бўлади
Умумий овқатланиш корхоналарининг архитектура – режавий ечимларини намоён этади	Умумий овқатланиш корхоналарининг архитектура – режавий ечимлари бўйича ўз таклифларини беради
Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш методлари ҳақида гапириб беради	Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш методларидан фойдалана олади
Кафе ва ресторанларни лойиҳалаш бўйича тавсиялар беради	Кафе ва ресторанларни лойиҳалаш бўйича ўз тавсияларини беради
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>

<i>Ўқитиш шакллари</i>	<i>жамоада ишлаш</i>
<i>Ўқитиш шароити</i>	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>огзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Умумий овқатланиш объектларининг композицион – архитектура ечими” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Умумий овқатланиш объектларининг композицион – архитектура ечими” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Тайёрланган умумий овқатланиш корхоналар билан таништиради (3-илова). 2.4. Тайёргача бўлган умумий овқатланиш корхоналари билан таништиради (4-илова). 2.5. Умумий овқатланиш корхоналари турлари билан таништиради (5- илова). 2.6. Умумий овқатланиш корхоналарининг архитектура – режавий ечимларини намоён этади (6- илова). 2.7. Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш методлари ҳақида гапириб беради (7- илова). 2.8. Кафе ва ресторанларни лойиҳалаш бўйича тавсиялар беради(8- илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар

3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (9-илова). 3.2 Мавзу бўйича адабийтлар билан таништиради	Саволларга жавоб берадилар Ўзиб оладилар
------------------------------------	--	---

1-илова

Маъруза режаси

1. Тайёрланган умумий овқатланиш корхоналар.
2. Тайёргача бўлган умумий овқатланиш корхоналари
3. Умумий овқатланиш корхоналари турлари.
4. Умумий овқатланиш корхоналарининг архитектура – режавий ечимлари.
5. Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш методлари.
6. Кафе ва ресторанларни лойиҳалаш.

2-илова

Таянч сўзлар

Умумий овқатланиш корхоналари, архитектура – режавий ечим, кафе, ресторанлар.

3-илова

Тайёрланган умумий овқатланиш корхоналар

Умумий овқатланиш корхоналари бинолари савдо хизмати тармоғининг муҳим элементларидан бирини ифодалайди. Улар меҳнат ва ўқиш амалга ошириладиган жойларда, турар жой массивларида ва дам олиш масканларида жойлаштирилади.

Очиқ тармоқли овқатланиш корхонаси ёки умумий савдо марказлари таркибида, ёки алоҳида турувчи объектлар тарзида ва бошқа вазифани бажарувчи бинолар ички ёки қурилган ҳолда лойиҳаланади.

Умумий овқатланиш корхонаси қуриладиган участка икки зонага бўлинади: келувчилар дам олиш учун ва ёз вақтида қўшимча жойларни жойлаштириш учун ва машина кирадиган йўллари ва юк тушириш майдончалари бўлган хўжалик зонаси.

Умумий овқатланиш корхоналари икки гуруҳга бўлинади: тайёрлаб берувчи ва тайёрлашгача бўлган гуруҳ. Ярим тайёр озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тайёрлаб берувчи корхоналарга қуйидагилар киради: ярим чала тайёр маҳсулотлар комбинати - маҳсулот тайёрлашгача бўлган ошхоналарни таъминлаш учун ва алпозлик ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар магазинларида сотиш учун чала тайёр ва ярим тайёр қандолатчилик маҳсулотларини тайёрловчи йирик механизациялашган корхона: чала тайёр маҳсулотлар билан бир қаторда жойида истеъмол қилиш учун, фабрика ошхонанинг овқатланиш залларида истеъмол қилиш учун тайёрланадиган фабрика – ошхона; ярим тайёр маҳсулотлар цехи умумий овқатланиш корхоналари учун чала тайёр маҳсулотлар тайёрловчи махсус корхона.

Тайёргача бўлган умумий овқатланиш корхоналари

Тайёрлашгача бўлган корхоналарга, чала тайёр маҳсулотларни тайёр овқат ҳолигача тайёрловчи ва уларни сотувчи корхоналар киради. Бу гуруҳга турар жой уйлариغا хизмат қилувчи (1500-2000 аҳолига), нонушта, тушликлар ва кечки овқатларни уйларга тарқатиш учун тайёрловчи, шунингдек чала тайёр маҳсулотларни биринчи ва иккинчи овқатлар учун сотувчи уй ошхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари ярим чала маҳсулотлардан ёки хом ашёдан тушлик овқатларини тайёрловчи корхоналарнинг энг оммавий тури ошхона, ҳаммабоп, семейсб ҳудудда жойлаштирилувчи, савдо марказлари таркибидаги турли хил жамоатчилик биноларида ва дам олиш ҳудудларида жойлашга ошхоналар умумий овқатланиш корхоналарининг очик тармоғини ташкил этади.

Фабрикалар, заводлар, ўқув муассасалари ва идоралар ҳудудидиги ошхоналар ёпик (берк) тармоққа киради. Ошхонада хизмат кўрсатишнинг асосий шакли ўзига – ўзи хизмат кўрсатишдир. Кафе – нонушта, тушлик ва кечки овқатлар учун ошпазлик маҳсулотларини тайёрловчи корхона. Улар умумий ва махсус турда бўлиши (кафе пишириқлар, кафе сут маҳсулотлари, кафе муз қаймоқлари, (мороженое), болалар кафеси ва бошқалар.

Ташриф буюрувчиларга маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган тамаддихоналар.

Уларда овқатларнинг тор ассортименти бўлиб, улар асосан совуқ ҳолдаги ва тайёрланиш унча мураккаб бўлмаган овқатлар бўлади. Махсус тамаддихоналарга сосискахона, чучварахона, кабобхона, билинчикхона, гуммахона, сомсахона ва бошқалар киради. Бу ерда хизмат кўрсатишнинг асосий шакли ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва савдо автоматлари орқали хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Ташриф буюрувчиларнинг буюртмаси бўйича асосан хом маҳсулотлардан тушлик ва кечки овқатлар учун ошпазлик маҳсулотларини тайёрловчи ва сотувчи ресторанлар юқори даражада қулайлик билан фарқ қилади: уларда таўриф буюрганларнинг маданий дам олиш ва кўнгил очишлари учун (эстрада, мусиқа, ўйинлар) шароитлари яратилади.

Хизмат кўрсатиш официантлар орқали амалга оширилади.

Умумий овқатланиш корхоналари турлари

Овқатланиш корхоналари қуввати ва жойлашаган жойига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Савдо марказлари ва алоҳида турган биноларда жойлаштириллаган ошхона (100 дан 200 ўрингача);
- Дам олиш зоналари ва кураторлар учун ёзги ўринлари кенгайтирилган ошхона – тўйхона (100 дан 1000 ўрингача);

- Маҳаллий ва шаҳар аҳамиятидаги савдо марказларида, алоҳида турган биноларда ва маданий оқартув ҳолда спорт марказлари таркибида жойлаштириладиган умумий турдаги ва махсус (100 дан 200 тагача ўринли) кафелар.
- Шаҳар аҳамиятидаги савдо марказларида ва алоҳида турувчи биноларда жойлаштириладиган ресторанлар (100 дан 1000 тагача ва ундан ортиқ ўринли).

Замонавий умумий овқатланиш корхоналарида қуйидаги ишлаб чиқариш цикли амалга оширилади: ярим чала маҳсулотларни ва хомашёни қабул қилиш ва сақлаш; ярим чала маҳсулотларни ва хомашёни тайёрлаш; овқатларга иссиқлик ишлови бериш ва безатиш; маҳсулотни сотиш ва ташриф буюрганларга хизмат кўрсатиш.

Бу циклга қуйидаги хоналар гуруҳи мос келади: омборхоналар (қуруқ озиқ – овқатлар, савзовотлар, керак – яроқлар ва идишлар, тез бузилувчи озиқ – овқатлар учун совитувчи камералар, юклагичлар); ишлаб чиқариш хоналари (иссиқ цех, нон қирқиш, қандолатчилик, гуммахона, сомсахона, гўшт – балиқ, сабзовот цехлари, совуқ..... 233. тайёрлиш хонаси, ошхона идиш товоқлари ювиладиган хона, бош ошпаз хонаси); савдо хоналари (вестибюль, гардероб, хўрандалар учун қўл ювиш хонаси ва ҳожатхона, овқатланиш заллари, буфет, овқатлар, ярим чала маҳсулотларни уйга сотиш учун хоналар); маъмурий – маиший хоналар (қандолатчилик, директор хонаси, ходимлар хонаси, тиббиёт хонаси, гардероб хона, ходимлар учун душхона ва ҳожатхона).

6-илова

Умумий овқатланиш корхоналарининг архитектура – режавий ечимлари

Барча турдаги овқатланиш корхоналарининг архитектура режавий ечимларига қуйидаги умумий талаблар қўйилади: бинонинг қабул қилинган ҳажмий – режавий тузилмасига мувофиқ хоналарнинг савдо ва носавдо гуруҳларини жойлаштириш (бир қаватли ёки кўп қаватли), шунингдек ҳар бир гуруҳнинг технологик хусусиятларини ҳисобга олиб, хоналарнинг асосий гуруҳларининг ўзаро жойлашиши уларнинг энг қисқа ўзаро алоқаларини ташриф буюрувчилар ва ходимлар ечимларининг тоза ва ювилмаган идишлар, чала тайёр маҳсулотларнинг, хомашё ва қолдиқларнинг кесишишисиз аниқ ечилишини таъминлаши керак; савдо ва носавдо хоналарнинг бир биридан ажратган ҳолда (асосли тўсиқларсиз), шунингдек ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгартирилиши билан бинони ўзгартириш имконияти билан бинонинг ихчам тузилмасини яратиш.

Бир нечта умумий овқатланиш корхоналарини мажмуа корхонанинг битта биносига бирлаштиришда хизмат кўрсатувчи хоналарнинг юзини улардан биргаликда фойдаланиш ҳисобига қисқартиришга интилиш зарур. Алоҳида хоналар гуруҳини лойиҳалашда: омбор хоналарни, одатда подвалда, цокол ёки биринчи қаватда хўжалик ховлиси томонида уларнинг юк тушириш ва ишлаб чиқариш хоналари билан алоқасини ҳисобга олган ҳолда

жойлаштириш, ишлаб чиқариш хоналарини цехсиз схема бўйича жойлаштириш ва бино режасида омбор хоналари билан, шунингдек ошхонанинг идиш – товоқни тарқатиш ва ювиш билан энг қисқа ва қулай алоқаларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш зарур; маъмурий – маиший хоналарни бошқа хоналардан ажратилган ҳолда жойлаштириш, уларнинг барча хоналар билан қулай алоқани назарда тутиш; техник хоналарни, одатда подвал бошқа хоналардан изоляция қилинган кириш билан жойлаштириш;

Умумий овқатланиш биноларининг ҳажмий режавий композициясини аввало, овқатланиш зали ва овқат блокининг самарали ўзаро алоқаси шароитида умуман аниқлаш зарур.

Марказий схема (центрик схема) режада квадратга яқин ёки думолок шаклга эга бўлиб, унда хизмат кўрсатувчи хоналар бинонинг марказида, овқатланиш хоналари ва овқат тарқатадиган жойлар ишлаб чиқариш хоналари атрофига жойлаштирилади. Мазкур схема бўйича бир неча зали бўлган овқатланиш корхоналари (умумий турдаги прхез овқатлар, тамаддихона ва ҳакозолар). Сигими 200 ва ундан ортиқ ўрин бўлганда схема энг катта иқтисодий самара беради.

Фронталь схема савдо хоналарини бинонинг носавдо хоналарига параллел равишда бўйлама ўқи бўйича жойлаштириш билан тавсифланади. Бунда бинолар залининг учун шакли ва технологик жараёнининг узайтирилган графиги билан ажралиб туради.

Чуқур схема носавдо хоналарини бино ичида савдо хоналари орқасига жойлаштиришга асосланган (овқатланиш зали ошхона блокига қисқа томони билан ёндошади). Бу схема қурилишнинг фронтал бўйича зичлаштирилган ўчалкаларида жойлаштирилган, сигими 100 ўрингача бўлган унча катта бўлмаган корхоналар учун энг мақсадга мувофиқдир.

Бурчакли схема ошхона блокининг режанинг бурчакларидан бирида шундай жойлаштириш билан ифодаланадики, бунда у икки томони билан овқатланиш залига ёндашади. Схема қурилишнинг бурчакли ўчалкаларида жойлашадиган бир неча алоҳида залларга эга сигими 200 ва ундан ортиқ бўлган корхоналар учун қўлланилади.

7-илова

Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш методлари

Амалиётнинг кўрсатишича, санаб ўтилган композицион усуллар умумий овқатланиш корхоналарининг кўп қаватли бинолар учун ҳам бир қаватли бинолар учун ҳам фойдаланилади. Кўп қаватли биноларда биринчи қаватлар, одатда, яқка тартибдаги ечимга эга.

Умумий овқатланиш биноларини режалаштиришда, одатда бир сатҳда овқатланиш заллари, уларга хизмат кўрсатувчи иссиқ ва совуқ цехларнинг ва ошхона идиш товоғини ювадиган жойларнинг жойлашиши тўғрисида талаблар ҳисобга олинади. Савдо (овқатланиш) залларининг режадаги энг яхши шакли энг қисқа масофалар принципига жавоб берувчи квадрат ҳисобланади. Залда

хўрнда йўлининг узунлиги, одатда, 30м дан ортиқ бўлмаслиги, ўзига – ўзи хизмат қилувчи ошхона учун эса 50м дан ортиқ бўлмаслиги мумкин.

Залдаги ўтиш йўллари асосий, “тўпловчи” ва ён йўллари бўлинади.

Асосий ўтиш йўлининг эни камида 2 м бўлади. ”Йиғувчи” (тўпловчи) ўтиш йўли қароама – қарши йўналишлардаги ҳаракатланишга имкон беради, унинг эни 1,5 м га тенг бўлади. Ён томондаги ўтиш йўллари эни 0,6 м бўлиб, столлар гуруҳини шундай ажратадики, бунда бир киши қўлидаги патниси билан бирга бўш жойга ўтиши қулай бўлсин.

Столларга икки томонлама жойлаштирилган тўғри бурчакли жойлаштириш энг самарали ҳисобланади. Ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи овқатланиш залининг режаланиши қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: тарқатувчи жой киришига яқин жойга жойлаштирилади; овқат тарқатадиган бораётган хўрандалар оқими, тарқатиш жойидан столларга томон бораётган хўрандалар оқими билан кесишмаслиги керак; идиш – товоқ ювувчи жой шундай жойлашиши керакки, . бунда у залдан эркин киришга эга бўлиш ва тарқатиш конвейери яқинида бўлар эди, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг идиш - товоқ ювишга йўли овқат тарқатишдан столларга томон бораётган оқим билан кесишмаслиги керак.

Ишлаб чиқариш хоналарининг режаси қурилманинг номенклатурасига ва габаритларига ва алоҳида режавий узелларга боғлиқ. Ҳозирга вақтда амалиётда чала тайёр маҳсулотларда ишловчи ишлаб чиқариш хоналарини режалаштиришнинг цехсиз тизими қўлланилади. Бундай тизим яхши тўсиқлар билан алоҳида цехларга бўлинмаган, яхши ёритилган ва шамоллатиладиган ягона фазода амалга ошириладиган овқатларни тайёрлашнинг оқим технологик линияларини соддалаштиради. Цехсиз тизимда қурилмаларни эркин ўзгартиришни амалга оширишга ва технологик жараёни ўзгартиришга имкон берувчи “қулай” фазони яратиш имкони мавжуд бўлади.

Овқат ишлаб чиқаришнинг анъанавий шакллари ноиқтисодий архитектура – режавий ечимларга, қурилишга капитал маблағларнинг ката харажатларига ва тормоқда ишчи кучининг номақбул оширилишига олиб келади.

8-илова

Кафе ва ресторанларни лойиҳалаш

Кафе ва ресторанларни умумий овқатланиш корхоналарининг бошқа биноларига нисбатан лойиҳаланиши фақат жуда мураккаб бўлмасдан, балки касбий қизиқ архитектура масаласи ҳисобланади.

Ресторан ва кафе биноларида асосан ташриф буюрувчиларнинг дам олиши ва кўнгил очишини ташкил этиш билан кечки хизмат кўрсатишига ҳисобланган, қулай шароитларни яратишда интерьерга яқка тартибдаги хусусиятни беришга имкон берувчи асосий архитектура бадий мавзуни белгилаш муҳимдир.

Интерьерни ечишнинг бош мавзуси одатда овқатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам, шаҳарда дам олиш шароитлари билан ҳам,

жойлаштириш усуллари билан ҳам, атроф табиат билан алоқа билан ҳам намоён бўлади.

Массалан «панорама» ресторанлари ва кафелари деб номланувчи муассасаларнинг ўзига хос х усусияти шаҳар ёки табиий пейзажга кўркам жойларига очилган яхши кўринадиган интерьер ҳисобланади. Ресторан ёки кафенинг интеръери атрофидаги қурилишлардан ташриф буюрган кишининг диққатини атрофидаги шаҳар муҳитидан тўлиқ четга тортувчи вазиятни яратиш мақсадида ажратилиши мумкин. Бунигъучун дам олишнинг контраст шароитларини яратиш усулларида фойдаланилади, бунда декоратив театрлаштирилган воситалар билан архитектуранинг жўшқин сифатлари намоён бўлади.

Архитектура бадиий композициянинг энг ката ифодалилигига умумий овқатланишнинг «мавзу» корхоналарида «қизиқарли» овқатланиш ресторанлари ва кафеларида эришилади, уларда овқатланишнинг асосий вазифаси қатори дам олишни ташкил этишнинг кўшимча вазифалар: кўнгилилар, қизиқарли ва ўйинлар муҳим роль ўйнайди. «Қизиқарли» овқатланиш усулидаги ресторанлар ва кафеларнинг архитектура композициясининг ўзига хос хусусияти миллий тарихий ва романтик ечимлар усуллари билан таъкидлаб кўрсатилиши мумкин. Масалан, қадимги қасрлар ва қалъалар хоробалари, эски тегирмон, балиқчининг уйи ва бошқа жойлаштириш жойлари ресторан ва кафенинг асосий мавзусини, унинг ғоявий ва маъноли мазмунини, экзотиклигини, ассоциотивлигини, жўшқин рангларини, белгилаб, унда берилган муҳитдаги уни талқин этиш ва идрок қилишнинг барчапаонеллари билан мавзули ечими курилади.

Ресторан ва кафелар бинолари учун, жамоа учун мўлжалланган кўпчилик бинолар каби унда функционал зоналарни ажратишда, унинг узлуксиз ривожланиши ва атроф муҳит билан алоқаси (ёки изоляцияси)нинг ягона фазосини яратиш тамойили хосдир. Улар учун учта зона хосдир: киравериш, овқатланиш зали ва эстрада ракс.

Сифими унча ката бўлмаган ресторан ва кафеларда кириш вестибюли савдо зали билан бирлаштирилади. Бу ҳолда кириш ҳудуди мебелни жойлаштириш, декоратив панжаралар, экранлар, ўсимликлар билан ажратилади. Бошқа ҳолатларда кириш ҳудуди контраст рангли ечим билан ажратилади. Овқатланиш зонаси залининг режалаштирилишига боғлиқ ҳолда унинг ўлчамлари, шакли ва мебелни жойлаштириш усуллари билан белгиланади. Ката сифимдаги заллар панель – кранлар, декоратив – панжаралар ва ўсимликлар билан ажратилиши мумкин.

Бунда алоҳида столлар гуруҳида геометрик ёки эркин жойлаштириш билан ажратилиши мумкин. Стуллари билан алоҳида турган столлардан ташқари столларни диванлар, курсилар ва бошқалар билан бирга жойлаштиришнинг турли хил усулларида фойдаланилади. Мебель столларнинг шаклига, креслоларнинг материали рангига ва ҳакозоларга кўра гуруҳланади.

Ресторанлар ва кафеларнинг архитектуравий композициясини кўп жихатдан эстрада – ракс тушиш ҳудудини белгилаб беради. Ката сифимдаги

залларда бита эстрада қошида иккита рақс тушиш майдончаси ташкил этилади. \

Рақс тушадиган доира одатда зал композициясининг маркази ҳисобланади. У жуда яхши кўринадиган бўлиши керак, бунинг учун уни зал поли сатҳига нисбатан кўтарилади ёки туширилади. Айрим ҳолларда эстрада - рақс зонаси нейтрал равишда, композицион урғусиз, мебелни жойлаштириш ритмини оддий ўзгартириш йўли билан ҳал этилади.

9 -илова

Саволлар

1. Умумий овқатланиш корхоналарининг қандай турлари бўлади?
2. Умумий овқатланиш корхоналари қуввати ва жойлашган ўрнига қараб қандай турларга бўлинади?
3. Умумий овқатланиш корхоналарининг архитектура – режавий ечимига қандай талаблар қўйилади?
4. Умумий овқатланиш корхоналарида жойлаштиришнинг қандай схемалари мавжуд бўлади?
5. Кафе – ресторан ларнинг архитектура композицион ечимларига қандай талаблар қўйилади?

10 -илова

Адабиётлар

1. Ф.М.Фирсанов. «Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климата». Высшая школа. Москва, 1971 й.
2. В.В.Адамович., В.Г.Барчин., В.А.Варежкин. ва бошқалар. “Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений”. Иккинчи вайта ишланган ва тўлдирилган нашри Москва, Стройиздат.1985й.